ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АҲМАД ИШАЕВ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ

(ҚҚАССРдаги ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ҚИПЧОҚ ГРУППАСИДАГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРГА МУНОСАБАТИ. ЛУҒАТ)

1980 г.
Нукусская областная Инв. № Библиотека

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ–1977

www.ziyouz.com kutubxonasi

4Ўз
И 95

И ш а е в А. **Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари.** Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1977 йил, 176 бет.

Ушбу асарда Қорақалпогистон АССРдаги ўзбек тили қипчоқ ва қисман ўғуз шеваларининг айрим фонетик-морфологик ҳамда лексик хусусиятлари қипчоқ группасига тааллуқли қозоқ, қорақалпоқ, нўғой; татар, бошқирд; қорачой-балқар, қумиқ, қараим, қрим татар тилларига қиёсланган ҳолда тадқиқ этилган. Иш охирида ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қисқача луғати берилган.

Асар турколог-диалектологларга, шунингдек, этнограф-тарихчиларга ҳамда олий ўқув юртлари филология факультетларининг талабалари ва аспирантларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси
Шоназар Шоабдураҳмонов

И $\frac{70103-544}{355(05)-77}$ 115—77 © Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1977 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

1. Ўзбек шеваларини тавсифий, тарихий, қиёсий-тарихий аспектларда атрофлича ўрганиш, тадқиқ қилиш ўзбек тили, хусусан, ўзбек тили тарихи, шунингдек, умумтуркий тиллар диалектологияси учун жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, Совет Иттифоқидаги туркий тиллар орасида сон жиҳатдан энг кўп миқдорни ўзбеклар ташкил қилади. Яна шу факт ҳам аниқки, Иттифоқимиздаги туркий тиллардан бирортаси ўзбек тили сингари кўп ва хилма-хил шева, диалектларга эга эмас[1]. Дарҳақиқат, ўзбек тили фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладиган шева ва диалектларга шу қадар бойки, ҳатто ҳанузгача тилимизда нечта шева, нечта диалект борлигини аниқ айтишга имконият йўқ. Бу эса барча ўзбек шеваларининг ҳозирги кунгача тўла-тўкис ўрганиб чиқилмаганлиги билан изоҳланади.

Қорақалпоғистон АССРдаги ўзбек шевалари ҳам ҳозиргача, тўла равишда, яхлит тарзда, махсус диалектологик текшириш объекти бўлган эмас. Ҳолбуки, мазкур шеваларни тавсиф ва тадқиқ қилиш ўзбек диалектологияси учун жуда муҳим қиёсий материаллар бериши, шунингдек, ўзбек тили қипчоқ лаҳжасини тўла ва атрофлича таҳлил этиш учун кенг имконият яратиб бериши табиий бир ҳолдир.

ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларининг (умуман ўзбек тили қипчоқ лаҳжасининг) қипчоқ группасидаги туркий тилларга муносабати ҳам мутлақо ўрганилмаган. Мазкур шеваларнинг қипчоқ группасидаги туркий тилларга бўлган муносабатини ўрганиш, тадқиқ қилиш ўзбек тилининг фақат қозоқ, қорақалпоқ тилларигагина эмас, балки нўғой, татар, бошқирд, қумиқ, қорачой-балқар, қараим сингари туркий тиллар билан алоқасини ёритишга, озроқ бўлса ҳам, ёрдам бериши шак-шубҳасиздир. Шу сабабли ушбу ишда, даставвал, Қорақалпоғистондаги ўзбек (қипчоқ) шеваларининг қипчоқ группасидаги туркий тиллар билан муносабатига оид

---

[1] Е. Д. Поливанов. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык, Узгосиздат, Ташкент, 1933, стр. 3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айрим масалалар ҳақида фикр юритилди. Маълумки, қипчоқ группасидаги тилларни, айниқса қозоқ, қорақалпоқ, нўғой, бошқирд каби тиллар ва уларнинг шеваларини ҳамда ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасини (шу жумладан ҚҚАССРдаги ўзбекларнинг қипчоқ шеваларини) қиёсий ўрганиш жараёнида тарихий-этнографик фактларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Шу сабабли, ишда тарихий ҳамда этнографик маълумотлар (айниқса уруғ-қабила номлари) эътибор билан қаралиб, улар диалектологик фактлар билан биргаликда тавсиф этилди.

Қорақалпогистондаги ўзбек шеваларида ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган ёки маъно жиҳатдаи фарқланадиган жуда кўп сўз-терминлар мавжуд. Бироқ ҳозиргача бу сўзлар тўпланмаган, луғати тузилмаган эди. Шуни назарда тутиб, ушбу ишда ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қисқача луғати берилди[2].

2. 1970 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якуни бўйича, Қорақалпоғистон АССРда 212 597 нафар ўзбек бўлиб, улар автоном республика аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ҚҚАССРдаги ўзбеклар Иттифоқимиздаги туркий халқлардан нўғойлар, қараимлар, хакаслар, шўрлар ва олтойларнинг биргаликда олинган сонидан ҳам кўплик қилади.

Ўзбеклар асосан республиканинг жанубидаги Тўрткўл, Беруний, Амударё районларида, Нукус районининг Назархон участкасида ҳамда шимолдаги Хўжайли, Қўнғирот ва қисман Шуманай, Ленинобод районларида яшайдилар[3]. Беруний, Тўрткўл, Амударё районларида Қорақалпогистон аҳолисининг учдан бир қисми жойлашган бўлиб, уларнинг 80 процентдан кўпроғи ўзбеклардир. Масалан, Амударё районининг 85 процент аҳолиси ўзбек, 10 проценти қозоқлардан иборат.

1970 йилги аҳоли рўйхатига кўра, ҚҚАССРда 217 505 қорақалпоқ, 186 038 қозоқ, 37 547 туркман миллатига мансуб аҳоли бўлиб, улар руслар, татарлар, корейслар, украинлар, умуман, 90 га яқин миллат вакиллари билан биргаликда ҳаёт кечирмоқдалар. Автоном республиканинг маҳаллий аҳолиси бўлган ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар, туркманларнинг қарийб 70 проценти қишлоқларда яшаб, улар азалдан деҳқончилик (пахтачилик, шоличилик), чорвачилик билан шуғулланадилар. Бу аҳолининг кўпчилиги яқин кунларгача кичик қишлоқ-овулларда, якка-якка хуторларда яшар эдилар[4]. Ҳозирги пайтда бу хилдаги кичик овуллар ўрнига замо-

---

[2] Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг қарийб ўн минг сўзни ўз ичига оладиган луғатини тузган эдик. Бу ишда ўша луғатнинг бош сўзлар ва мисоллар ҳисобига қисқартирилган варианти берилди.

[3] ҚҚАССРнинг бошқа районларида ўзбеклар жуда кам. Масалан, Чимбой районидаги аҳолининг атиги 1,4 процентигина ўзбеклардан иборат.

[4] Масалан, Беруний районида, аниқроғи, Беруний шаҳри атрофидаги фақат учта овул Советида (Октябрь, Шимом, Шоббоз овул Советларида) Қилчиноқ, Сарпов, Карийт, Попанг, Саркўбтуба, Оролли, Манғит, Олчин, Ёргоқ, Қорамози, Қирқтом синғари 107 та кичик овуллар — хуторлар мавжуд (маълумот 1969 йилга оид).

www.ziyouz.com kutubxonasi

навий йирик посёлкалар қурилмоқда. Автоном республиканинг Орол соҳилидаги қўриқ ерлари, Элликқалъа, Ёнбошқалъа, Қирққиз массивлари ўзлаштирилиб, у ерларда 30 дан ортиқ ихтисослаштирилган совхозлар тузиш ишлари бошлаб юборилган.

Хуллас, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги туфайли Қорақалпоғистоннинг халқ хўжалиги, меҳнаткашларнинг маданий турмуш даражаси кундан-кунга юксалиб бормоқда. Табиийки, бундай иқтисодий-маданий юксалиш шева вакилларининг нутқида ҳам ўз аксини топмоқда.

3. Қорақалпоғистондаги ўзбеклар этник жиҳатдан иккита катта группага — қипчоқ ва ўғузларга мансубдир. Ўзбекларнинг бу хилдаги иккита этник группага бўлиниши, уларнинг тил жиҳатдан фарқланишига — ўзбек тилининг қипчоқ ва ўғуз шевалари мавжуд бўлишига сабаб бўлган.

4. Тўрткўл район аҳолисининг бир қисми (Тўрткўл шаҳри, Шўрахон, Қирққиз, Гулдурсун, Амиробод ва улар атрофидаги кўпгина қишлоқлар), Беруний районининг Сарибий участкаси ҳамда Бўзчи, Жийк, Полоқ, Хирс, Ёлпоқ сингари овулларда яшовчи ўзбеклар тил хусусиятлари жиҳатдан ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг Жанубий Хоразм группасига (Ф. А. Абдуллаев таснифи бўйича, Урганч-Хива тип шеваларга)[5] мансубдир. Ишда бу шевалар умум ном билан Тўрткўл-Сарибий шевалари деб аталди.

Тил хусусиятларига кўра, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига мансуб бўлган ўзбекларнинг аксарияти Беруний районидаги кўпгина қишлоқларда, Амударё районида ҳамда Хўжайли, Қўнғирот ва қисман Шуманай, Ленинобод районларида, Нукус районининг Назархон участкасида жойлашган. Мазкур шевалар айрим лингвистик белгиларига кўра, бир-бирларидан бир қадар фарқланганлиги сабабли улар Беруний-Манғит, Хўжайли-Қипчоқ ва Қўнғирот шевалари деб тасниф этилди. Шевалар таснифида территория асосий, ҳал қилувчи фактор бўлиб, ҳозирги кунда Манғит, Қўнғирот сингари уруғ-қабилалар ҳамда Орол ўзбеклари каби уруғ-қабила гуруҳларининг алоҳида шевалари йўқ (Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг таснифи бошқа бир ишимизда муфассал ёритилади).

5. Шевалар, жумладан, ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари ўрганилаётганда шу шевалар мансуб бўлган тилни, бу тилнинг адабий формасини четлаб ўтиш мумкин эмас. Шу сабабли, шева материаллари ўзбек адабий тилига қиёсланган ҳолда берилди.

Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари билан қипчоқ группасидаги туркий тиллар ва уларнинг шевалари ўртасидаги баъзи муҳим лингвистик хусусиятларнинг ҳозирги ҳолати синхроник аспектда, диахронияни назарда тутган ҳолда, қиёсий, айрим ҳолларда қиёсий-тарихий метод асосида ёритилди.

---

[5] Ф. А б д у л л а е в. Хоразм шеваларининг таснифи масаласи, «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, ЎзФан, Тошкент, 1960, 70-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шевалар билан адабий тилни ёки бирор адабий тил билан бошқа бир адабий тилни (ёки тилларни) қиёслашдан ташқари шевалар материалини бошқа адабий тилларга, адабий тил ва шеваларга ҳамда фақат ўша тилларнинг шеваларига ҳам қиёслаш зарур. У ҳолда қиёсий доира кенгайиб, иш анча мураккаблашади. Буни қуйидаги схемадан яққол кўриш мумкин.



Бунда: *а, а*^{1} — қиёсланувчи адабий тиллар;
аб, а^1*б*^{1} — қиёсланувчи адабий тил ва шевалар;
б, б^1 — қиёсланувчи шевалар.

Демак, *а—а*^{1}, *а*^{1}*б*^{1}, *б*^{1}, яъни бирор адабий тил иккинчи бир адабий тилга ёки адабий тил ва шу тилнинг шеваларига ёинки фақат шеваларига қиёсланиши мумкин. Бироқ диалектологик ишлар учун энг муҳими *б—а*^{1}, *б—а*^{1}*б*^{1}, *б—б*^{1}дир. Аниқроқ қилиб айтганда, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларини (б) татар (ёки қипчоқ группасидаги бошқа тил) адабий тили (*а*^{1}) ёки татар адабий тили ва шевалари (*а*^{1}*б*^{1}) ёхуд татар тили шевалари (*б*^{1}) билан қиёслаш муҳим аҳамиятга эга. Биз ўз ишимизда шунга амал қилишга ҳаракат қилдик.

ТРАНСКРИПЦИЯ

а — тил орқа, лабланмаган, кенг унли.
э — тил олди, лабланмаган, кенг унли.
э (е) — тил олди, лабланмаган, ярим тор унли.
о — тил орқа, лабланган, ўрта кенг унли.
ө — тил олди, лабланган, ўрта кенг унли.
ы — тил орқа, лабланмаган, тор унли.
и — тил олди, лабланмаган, тор унли.
у — тил орқа, лабланган, тор унли.
ү — тил олди, лабланган, тор унли.
дж — тил олди, жарангли, портловчи африкат.
ң — бурун *нг* ундоши.

Ишда бир хилдаги фактларнинг хилма-хил формаларда учрашига йўл қўймаслик мақсадида қипчоқ группасидаги туркий тилларда учрайдиган айрим унли ва ундош товушлар учун ишлатилган белгилар қуйидагича берилди:

1) *а, аь, я* ўрнига *э* қўлланди,
ӧ, оь, ё ўрнига *ө* қўлланди,
ӱ, уь, ю ўрнига *ү* қўлланди.

Бироқ *я, ё, ю* унли товушлардан сўнг қўлланганда, кўпинча уларнинг ўз ҳолати сақланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) *къ, к, k, (к)* ўрнида *қ* қўлланди,
гъ, (г) ўрнида *ғ* қўлланди,
гь, (h) ўрнида *ҳ* —»—,
нъ, (нг) —»— *ң* —»—.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

: (икки нуқта) — унлиларнинг иккинчи даражали чўзиқлигини ифодалайди,
> ...дан ...га ўтганликни (ўзгарганликни) билдиради,
< ...га ...дан ўтганликни (ўзгарганликни) кўрсатади,
// ва ∞ белгиси — сўзларнинг параллель қўлланишини, товушлар мослигини билдиради,
* гипотетик (қадимий деб фараз қилинган) формани билдиради,
— (тире) — мисолларни, фактларни бир-биридан ажратиб кўрсатиш учун қўлланди,
\+ (қўшиш белгиси) — фактнинг мавжудлигини, олдинги фактга (мисолга) қўшилишни билдиради,
... (уч нуқта) — фактнинг давоми бор эканлигини кўрсатади,
() (кичик қавс) — адабий орфографик формалар, изоҳлар қамда тушиб қолишга мойил элементлар кичик қавсга олинди.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

1. Араб. — араб тилида
Бошқ., Бошқирд — бошқирд тилида
Джл., *дж*-ловчи — ўзбек тилининг *дж*-ловчи шеваларида
Йл., *й*-ловчи — ўзбек тилининг *й*-ловчи шеваларида
Нўғ., Нўғой. — нўғой тилида
Рус., русча — рус тилида
Тат., Татар. — татар тилида
Ўзб. ад. — ўзбек адабий тилида
Қар., Қараим. — қараим тилида
Қбалқ. Қор.-балқар. — қорачой-балқар тилида
Қоз., қозоқ,— қозоқ тилида
Қр.-татар.— қрим-татар тилида
Қум., Қумиқ.— қумиқ тилида
Қ, қалп.— қорақалпоқ тилида
Ққ. ўзб.— Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида
2. ДТС.— Древнетюркский словарь, Л., 1969
ДЛТ., Девон. — Маҳмуд Қошғарий. Деғвону луғатит турк, I—III, Тошкент, 1960, 1961, 1963
3. Б. боз. — Беруний район Бийбозор овул Совети
Бер. — Беруний райони
Б. лоқ. — Қўнғирот районининг Бирқулоқ қишлоғи
Б. том — Амударё районининг Бештом қишлоғи
Г. сун — Тўрткўл районининг Гулдурсун участкаси
Ж. йир — Хўжайли районининг Жалайир қишлоғи
Ж. тов — Амударё район Жумуртов шаҳар посёлкаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қ. гас — Хўжайли район Қенагас овул Совети
Манғ.— Амударё районининг Манғит участкаси
М. ўз.— Шуманай районининг Мойли ўзак участкаси
Н. ман — Хўжайли районининг Найман қишлоғи
Н. хон — Нукус районининг Назархон участкаси
Нўғой — Қўнғирот районининг Нўғой қишлоғи
С. бий — Тўрткўл районининг Сарибий участкаси
С. кўл — Хўжайли район Сомонкўл овул Совети
С. санг — Шуманай районининг Сарсанг қишлоғи
Т. киш — Қўнғирот районидаги Тиркиш қишлоғи
Тўртк. — Тўрткўл райони
У. боғ — Тўрткўл район Уллибоғ қишлоқ Совети
Хитой — Амударё район Хитой қишлоқ Совети
Хўж. — Хўжайли райони
Шимом — Беруний район Шимом овул Совети
Ширин — Хўжайли районининг Ширин қишлоғи
Ш. хон — Тўрткўл районининг Шўрахон участкаси
Қангли — Қўнғирот районидаги Қангли қишлоги
Қ. бой — Амударё районининг Қиличбой участкаси
Қиёт — Хўжайли районининг Қиёт қишлоғи
Қ. ноқ — Беруний районининг Қилчиноқ қишлоғи
Қулоб — Хўжайли район Қулоб овул Совети
Қ. чоли. — Хўжайли районининг Қамишчоли қишлоғи
Қ. чоқ — Амударё районининг Қипчоқ участкаси
Қўнғ.— Қўнғирот райони
Қ. қиз — Тўрткўл районидаги Қирққиз қишлоқ Совети

4. *анат.* — анатомияга оид
бот. — ботаникага оид
вет. — ветеринарияга оид
дин. — диний
зоол. — зоологияга оид
кўч. м. — кўчма маънода
мед. — медицинага оид
фольк. — фольклорга оид
эск.— эскирган сўз
этн. — этнографияга оид

5. Қиёсий мақсадда фойдаланилган баъзи асарлар шартли қисқартмалар рўйхатига киритилмади. Булар ва ишда қўлланган бошқа шартли қисқартмалар ҳақида зарур ўринларда изоҳ берилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚҚАССР ДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ҚИПЧОҚ ГРУППАСИДАГИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРГА МУНОСАБАТИ

1. Жуда қадимий туркий қабилалардан бири бўлган қипчоқлар Хитой ёдномаларида *кюше, куча, кинча, хибиса;* араб, форс манбаларида *қимақ, қипчоқ;* Византия хроникаларида *қуман;* рус солномаларида *половец* деб юритилган.

Қипчоқлар, тарихий-этнографик асарларда қайд этилганидек[1], эрамиздан аввалги III аср охиридан VI асрнинг ўрталарига ча Шимоли-ғарбий Олтойда истиқомат қилганлар. Кейинчалик, аниқроги, XI асрда улар Сирдарёнинг ўрта оқимидаги территорияда, Хоразмда, Урал ва Волга дарёлари ўртасидаги ерларда, Шимолий Кавказда яшай бошлаганлар. XV—XVIII асрларда эса қипчоқларнинг катта-катта гуруҳлари Мовароуннаҳрда (асосан Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасида) ҳамда Хоразмда ўтроқлашиб қолиб, ўзбек халқи составига қўшилиб кетган.

Умуман, қипчоқлар фақат ўзбек халқининггина эмас, балки Ўрта Осиё, Қозоғистон, Олтой, Ғарбий Европа ҳамда Шимолий Кавказдаги кўпгина туркий халқларнинг таркиб топишида иштирок этган.

Мана шу қипчоқларга, қипчоқ қабилалари уюшмасига хос тил хусусиятлари кўпроқ учраганлиги сабабли қозоқ, қорақалпоқ, нўғой ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси ҳамда татар, бошқирд; шунингдек қараим, қумиқ, қорачой-балқар, қрим-татарлари тиллари туркий тилларнинг қипчоқ группасини ташкил этади.

2. Маълумки, туркий қабилалар эрамизнинг биринчи мингйиллигидаёқ Хоразм территориясида ўтроқлашиб қолганлар[2]. Ҳатто XI асрда (Хоразмшоҳлар даврида) бу ердаги қипчоқлар (шунингдек, қанглилар) Хоразм тарихида муҳим роль ўйнай бошлаганлар. Кейинчалик бу туркий қабилалар составига, монголлар ҳужуми даврида, янги туркий қабилалар келиб қўшилган. Хоразмга тур-

---

[1] В. В. Бартольд. Кипчаки. Соч. т. V, стр. 550—551; К. Ш. Шаниязов. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента), Изд-во «Фан» УзССР, Ташкент, 1974, стр. 32, 66, 103 ва б.

[2] Г. П. Снесарев. Объяснительная записка к «Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX—начало XX в.)», Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана, М., Изд-во «Наука», 1975, стр. 92.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жий қабилаларнинг келиши сўнгги даврларда ҳам давом этган. Шу сабабли, Хоразм ўзбекларининг этник состави жуда хилма-хил, ранг-барангки, буни Қорақалпоғистондаги ўзбек (қипчоқ)ларнинг уруғ-қабила номларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Қорақалпоғистондаги ўзбекларнинг уруғ-қабила номлари (шу жумладан. уруғ-қабила номларини ифодалайдиган айрим топонимлар) қуйидагилардан иборат[3] (т.-тубаси):

Ағадил (Манғ.); *Айран* (Кўғўзак т; Қўнғ., Шум.); *Айувчы қыпчақ* (Қ. чоқ); *Ақыйқ* (Қўнғ., Шум.); *Ақ маңғыт* (Бер.); *Ақ ноғай* (Хўж., Қўнғ.); *Алчын* (Манғ., Тўртк., Бер.); *Арал қоңғырат* (Хўж., Қўнғ.); *Араллы* (Қўнғ., Хўж., Шум., Бер.); *Ас* (Манғ., Қ. чоқ., Б. боз., Тўртк.); *Ача//Ачалы* (Қ. бой); *Ачамайлы* (Ачамойли т.; Б. боз., Қўнғ., Шум.); *әджувли* (Хўж., Қўнғ.), *әрәп* (Б. боз.).

Бағаналы (Қ. чоқ., Манғ.); *Байсун//Байсын* (Қўнғ., Шум., Хўж.); *Балғалы* (Болғали т.; Қ. чоқ., Хўж., Қўнғ., Шум.); *Барын* (Б. том.); *Бешқой* (Ачамойли т.; Қўнғ., Шум.); *Бешул (Бешаман* ҳам дейдилар; Қ. бой); *Бирғулақ* (Кўғўзак т.; Шум., Қўнғ.); *Бозғара сәрсаң* (Шум.); *Бойрачы* (Қўнғ., Шум., Хўж.); *Бөгәджәли* (Қонжиғали т.; Шум., Қўнғ.); *Бөкә* (Қангли тармоғи; Қ. чоқ); *Бурқут* (Манғ.); *Бүйүрли* (Болғали т.; Шум., Қўнғ.); *Бүргә* (Қ. чоқ.— топоним. *Бүргәвул*).

Воғлан қыйат (Қ. бой) ∾ *Оғлан қыйат* (Бер.); *Вөгиз* (Манғ., Қўнғ.); *Гәйәк* (Бер.); *Дөрмән* (Қ. бой., Хўж., Қўнғ., Б. боз.).

Джавалақ (Манғ.); *Джавғыр* (Кўзгузак т; Шум., Қўнғ.); *Джағыпчы//Йақыпчы* (Ачамойли т.; Шум., Қўнғ.); *Джалайыр* (Хўж., Қўнғ., Шум., Б. боз.); *Джаллықлы маңғыт* (Бер., Манғ.); *Джаман қыйат* (Хўж.), *Джаман қоңрат* (Кўғўзак т.; Шум., Қўнғ.); *Джаманша маңғыт* (Бер., Манғ.); *Джийдәли қулан* (Манғ.); *Джуз* (Хўж., Шум., Қўнғ.);

Эсәбий//Йесәбий (Манғ.); *Эсәбий маңғыт* (Манғ., Бер.); *Эчбуға//Йечбуға* (Манғ., топоним. *Джабан ечбуға*); *Эштики//Йештәкә* (Болғали т.; Шум., Қўнғ.).

Ишкили//Ышқылы (Қўнғ.); *Ынақ* (Қонжиғали т.; Шум., Қўнғ.) *Ырғақлы* (Қ. чоқ).

Кәлләкесәр (Кўғўзак т.; Қўнғ.); *Кәнәгәс//Кенәгәс* (Тўртк., Хўж.. Шум., Қўнғ.); *Кәрәйит//Кәрит//Керәйит* (Болғали т.; Хўж., Шум., Қўнғ., Б. боз., Манғ. — топоним. *Кәритавул* (Манғ.); *Кәрәйит* (Қ. ноқ), *Кәрийт авул* (Қўнғ.); *Кескич маңғыт* (Манғ.); *Кирпи* (Хўж., Қўнғ.); *Көвөзәк//Көгөзәкли* (Кўғўзак т.; Хўж, Шум., Қўнғ., Манғ.); *Көк қарға* (Манғ.); *Көк сувлы* (Ачамойли т.; Шум., Қўнғ.); *Көләт* (Манғ. — топоним. *Көләтқала*); *Көлчи* (Бер. — топоним. *Көлчавул*).

---

[3] Шахсан тўплаган материаллар қуйидаги ишларга қиёсланади: К. Л. Задыхина. Узбеки дельты Амударьи, «Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции», т. I. М., Изд-во АН СССР, 1952, стр. 338—341; Г. П. Снесарев. Кўрсатилган асар, 79-бет; М. Й. Йўлдошев. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши, Тошкент, Ўздавнашр, 1959, 13—134-бетлар ва б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қабанбойлы (Қўнғ.); *Қайраңлы* (Хўж.), *Қанджығалы//Ханджығалы* (Қонжиғали т.; Қўнғ., Шум., Хўж., Манғ., Қ. чоқ); *Қанджығалы қыпчақ* (Қ. чоқ); *Қанхор* (Қ. бой — топоним *Қанхорлар*); *Қаңлы* (Хўж., Шум., Қўнғ., Манғ., Қ. чоқ); *Қарағурсақ* (Кўгузак т.; Қўнғ.); *Караджарчы* (Қўнғ.); *Қаракүйә* (Манғ.); *Қарақаңлы* (Манғ., Қ. чоқ); *Қарақыпчақ* (Манғ., Қ. чоқ); *Қарақулан* (Қ. чоқ); *Қарамазы* (Бер.); *Қарамаңғыт* (Бер., Манғ.); *Қарамойын маңғыт* (Бер., Манғ.); *Қарапақ//Қарылпақ* (Хўж., Шум., Қўнғ., Манғ.) — топоним. *Қарылпаққала* (Б. том); *Қарғаша* (Хўж.); *Қармыш* (Манғ., Б. том); *Қатаған* (Қонжиғали т.; Хўж., Шум., Қўнғ.. Б. боз.); *Қәмәр* (Ачамойли т.; Шум., Қўнғ.); *Қәндәкли//хәндәкли* (Ачамойли т.; Қўнғ., Шум.); *Қызыл айақ* (Қўнғ.); *Қыйат* (Ачамойли т.; Хўж., Шум., Қўнғ., Бер.); *Қылбелбав* (Хўж., Қўнғ.); *Қылдырлы* (Манғ., Б. том);*Қыпчақ* (Ачамойли т.; Манғ., Қ. чоқ., Шум., Хўж., Қўнғ.); *Қырқ* (Хўж.); *Қырқарқан* (Манғ.); *Қырқбойы* (Қ. бой); *Қырқтам* (Бер.); *Қытай//Хытай* (Манғ., Хитой., Қўнғ., Тўртк.); *Қытай чийәбаш* (Қўнғ.); *Қышлық қыпчақ* (Қ. чоқ); *қойлан* (Қўнғ. — топоним. *Қойлан авулы); Қойлан ноғай* (Қўнғ.); *Қоңырат//Қоңрат* (Қўнғ., Хўж., Манғ.); *Қотыр* (Болғали т.; Қўнғ.); *Кулан* (Манғ., Тўртк.); *Курбанақ* (Хўж., С. кўл); *Кутым//Кутум* (Ачамойли т.; Қўнғ.).

Маңғыт (Манғ., Бер., Тўртк.); *Маратуби* (Манғ.); *Мачай* (Манғ.— топоним. *Мачай авул, Көнә мачай*); *Мүйтән* (Қўнғ.. *Шум.)*.

Найман (Хўж., Шум., Қўнғ., Манғ., Б. боз.); *Найман ышқылы* (Қўнғ.); *ноғай* (Болғали т.; Қўнғ., Хўж.) — топоним. *Ноғай авул, Ноғай эшан* (Хўж., Манғ.); *Нөкис//Нөкүз* (Болғали т.; Хўж., Қўнғ., Шум., Манғ., Тўртк.).

Ойрат//Уйрат (Қ. чоқ., Хўж., Қўнғ.); *Оналты* (Б. боз.); *Пишкәкли* (Қ. чоқ).

Сағыр (Болғали т.; Манғ., Хўж., Шум.); *Сайат* (Қўнғ., Б. боз.); *Саллы* (Қўнғ.); Сандавлы (Ачамойли т.; Шум., Қўнғ.); *Сарай* (Бер. — топоним. *Сарай авул*); *Сарылар* (Бер.); *Сарт* (Манғ. — топоним. *Сарт авул); Сәрсәң* (Болғали; Шум., Қўнғ.); *Сурум* (Хўж., Қўнғ., Шум.);

Таджик//Тәджик (Бер.); *Таз* (Хўж., Шум., Қўнғ.); *Тама* (Манғ., Қ. чоқ); *Тамғалы маңғыт* (Бер., Манғ.); *Тартувлы* (Кўгузак т.; Қўнғ., Хўж., Шум.); *Тәләк* (Қонжиғали т.; Шум., Қўнғ.); *Тиркиш* (Кўгўзак т.; Қўнғ., Шум.); *Тобылға//Товылға* (Манғ. — топоним. *Төмәңги тобылға, Джоғарғы тобылға*); *Тоғыз* (Қонжиғали т.; Қўнғ, Хўж.)— топоним. *Тоғызавул* (Қўнғ.); *Тоғызша қатар* (Хўж., Қўнғ.); *Тоқ маңғыт* (Манғ., Бер.); *Туйақлы* (Қ. чоқ); *Туйақлы қыпчақ* (Қ. чоқ); *түйәчи* (Бер.); *Түркмән* (Бер., Манғ.).

Увлан кәрит (Манғ.— топоним. *Увлан кәрит*); *Уйғур* (Б. боз.); *Уйрат қыпчақ* (Қ. чоқ); *Уйшун* (Қ. чоқ, Манғ., Хўж.); *Ушақ// Ушшақ* (Манғ.— топоним. *Қалалы ушақ*).

Хыдырели//хызырели (Қ. бой); *Ходжабойы* (Қ. бой); *Ходжәйли//Ходжели//Қоджели* (Хўж., Б. боз.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чағанақлы ноғай (Қўнғ.); *Чағтай* (Манғ.); *Чал* (Бер. — топоним. *Чаллар* — овул); *Чамыра//Чамра* (Кўгўзак т.; Қўнғ.); *Чувылған* (Бер.).

Ширин (Қ. чоқ., Хўж.); *Шунқарлы* (Қ. чоқ); *Шунқарлы қыпчақ* (Қ. чоқ); *Шүйт маңғыт* (Бер., Манғ.)[4].

Кўрсатилган уруғ-қабила номларидан кўпчилиги ўзбек ҳамда баъзи қардош туркий халқларнинг уруғ-қабилалари сифатида ҳам учрайди[5]. Масалан, *карайит* (*керей, герей...*) ўзбек, қозоқ, бошқирд, туркман, қрим-татар ва гагаузларда; *қангли* ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд, қирғизларда; *манғит* эса ўзбек, нўғой, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, ёқут ва бошқа халқларда ҳам мавжуд[6].

Хуллас, маълум бир халқлар гуруҳида этнонимик параллелларнинг учраши уларнинг тилларида ҳам озми-кўпми яқинликлар борлигига ишора қилувчи муҳим далилдир. Бошқача қилиб айтганда, Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари (умуман, ўзбек тилининг қипчоқ шевалари) билан қипчоқ группасидаги туркий тиллар ва шевалар ўртасидаги лингвистик ўхшашликларнинг мавжуд бўлиши фақат уларнинг туркий тиллар оиласига мансуб эканлиги билангина эмас, балки шу тилларда сўзлашувчи халқларнинг асрлар давомидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлари ва, хусусан, тарихий-этник алоқалари каби экстралингвистик факторлар билан ҳам изоҳланади.

II. ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларининг қипчоқ группасидаги туркий тилларга муносабатини (ўхшаш ва ноўхшаш томонларини) кўрсатувчи муҳим белгилардан баъзилари қуйидагилардир[7].

1. Қипчоқ-половец тилларида саккизта, қипчоқ-нўғой, қипчоқ-булғар тилларида эса, асосан, тўққизта унли бор.

---

[4] Ушбу рўйхатга тўплаган материалларимизда мавжуд бўлган Қарабатыр, Норымбой, Мусапыр, Қайсар, Сувсоқты сингари жуда майда уруғ номлари ҳамда М. Й. Йўлдошев асарида қайд этилган (биз учратмаган) ёбу, тароқли, тароқли қўнгирот, тўққиз қўнгирот каби уруғ-қабила номлари киритилмади. *Қаранг:* М. Й. Йўлдошев. Кўрсатилган асар, 60, 132-бетлар.

[5] А. П. Хорошхин. Народы Средней Азии, Газ. «Туркестанские ведомости», 1871, № 10; А. Гребенкин. Узбеки, «Туркестанские ведомости», 1871, № 40; Х. Данияров. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 80—81-бетлар ва б. Мазкур уруг-қабилаларнинг қозоқ, қорақалпоқ, нўғой, бошқирд халқларида мавжуд бўлган параллеллари ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг ўша тилларга муносабати баён этилганда кўрсатилди.

[6] Қорақалпоғистондаги ўзбеклар орасида учрайдиган Мангит қабиласи, унинг урғларга бўлиниши, тарихи бизнинг бир ишимизда ёритилган. *Қаранг:* А. Ишаев. Из истории Мангытов и Мангытского диалекта узбекского языка, сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», т. II, Баку, Изд-во АН Азерб. ССР, 1960, стр. 160—169.

[7] Туркий тилларнинг қипчоқ группасидаги тиллар учун умумий бўлган асосий лингвистик белгилардан айримлари Н. А. Баскаков томонидан кўрсатилган. *Қаранг:* Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, Изд-во «Высшая школа», М., 1969, стр. 271: Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига хос белгилар ҳақида қаранг: В. В. Решетов. Узбекский язык, ч. I (Введение: Фонетика), Ташкент, Госучпедгиз УзССР, 1959, стр. 59—67.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Сингармонизм қонуни мавжуд (айрим истиснолар бундан мустасно).

3. Чўзиқ унлилар (маъно фарқлайдиган бирламчи чўзиқ унлилар) йўқ. Х. Дониёров ўзбек тили қипчоқ диалектининг қозоқ, қорақалпоқ тилларидан фарқланадиган фонетик белгиларини қайд этар экан, негадир, биринчи навбатда, «қозоқ тилида чўзиқ унлилар мавжуд, қипчоқ диалектида эса улар йўқ», — деб кўрсатади[8].

Маълумки, қозоқ тилида ҳам, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида (*дж*-ловчи, *й*-ловчи, *ж*-ловчи диалектларда) ҳам бирламчи чўзиқ унлилар мавжуд эмас. Ҳатто ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасидаги шеваларга хос иккинчи даражали чўзиқлик ҳам ҳозирги қозоқ тилида анча кам: Ққ. ўзб. йл., дж.: *ба:* (баҳо), *сə:т//са:т* (соат), *ма:ллым* (муаллим) ∞ қозоқ.: *баға, сағат, мұғаллим.* Ўзбек шеваларидаги бу хусусият В. В. Решетов ва бошқа олимларимиз томонидан муфассал ёритилган[9].

4. **ғ > в**

ДТС., ДЛТ.	Ққ. ўзб.	Ққалп.	Қозоқ.	Нўғой.	Татар.	Бошқ.	Қ. балқ.
*ағїз	*авыз* (оғиз)	аўыз	ауыз	авыз	авыз	ауыз	ауыз
*ағїр	*авыр* (оғир)	аўыр	ауыр	авыр	авыр	ауыр	ауур
*бағ	*бав* (боғ)	баў	бау	бав	бау	бау	бау
*тағ	*тав* (тоғ)	таў	тау	тав	тау	тау	тау
*саг	*сав* (соғ)	саў	сау	сав	сау	һау	сау

Қумиқ-қараим.:*авуз—авыз, авур—авыр, бав, тав, сав.*

5. **г > й**

ДТС., ДЛТ.	Ққ. ўзб.	Ққалп.	Қозоқ.	Нўғой.	Татар.	Бошқ.
*өгрән	*Үйрән* (ўрган)	Үйрен	Үйрен	Үйрен	өйрән	өйрән
*сїғїр	*сыйыр* (сигир)	сыйыр	сыйыр	сыйыр	сыер	һыйыр
*јігнə	*ийнə* (игна)	ийне	ине	ийне	инə	энə
*эгір	*ийир*-(йигир-)	ийир-	иір-	ийир-	өер-	өйөр-
*эгін	*ийин* (эгин, эгни)	ийин	иін	ийин	иңбаш	иңбаш

[8] Х. Дапияров. Опыт изучения джекающих (кыпчакских) диалектов в сравнении с узбекским литературным языком (на материалах Самаркандской и Джизакской областей), Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1975, стр. 91.

[9] В. В. Решетов. Қўрсатилган асар, 155—159-бетлар, Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1962, 82—85-бетлар; Ф. А. Абдуллаев. Фонетика хорезмских говоров, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1967, стр. 54—56.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазкур сўзлар қумиқ, қараим, қорачой-балқар, қрим-татар тилларида ҳам қарийб шу хил кўринишга эга.

6. Айрим сўзлар охирида *ғ, қ, к* ундошлари туширилиб талаффуз этилади:

ДТС., ДЛТ.	Ққ.ўзб.	Ўзб. ад.	Қумиқ.	Қ. балқ.	Кр.татар.	Қараим.
*ачīғ	аччы	аччиқ	аччы	ачы	ачы	т. ачы[10]
*қатīғ	қатты	қаттиқ	қатты	қаты	қаты	каты
*қуруғ	қуры	қуруқ	қуру	қуру	қуру	куру
*қудуғ	қуйы	қудуқ	қуйу	қуйу	қуйу	г. куйув
*сарығ	сары	сариғ	сары	сары	сары	сары

Татар.	Бошқ.	Қ.қалп.	Қозоқ.	Нўғой.	Уйғур.
ачы//әче	әсе	ашшы	ащы	ащы	аччиқ
қаты	қаты	қаттыы	қатты	қаты	қаттиқ
қоры	қоро	қуры	қуры	қуры	қуруқ
қое	қозоқ	қуйы	қудық	қуйы	қудуқ
сары	һары	сары	сары	сары	сериқ

7. Қорақалпоғистонидаги ўзбек (қипчоқ) шевалари ҳамда татар, бошқирд тилларидаги *ә* унлиси ўрнига қозоқ, қорақалпоқ, нўғой; қумиқ, қорачой-балқар, қараим ва қрим татарлари тилида *е* унлиси ишлатилади:

Ққ. ўзб.	Бошқ.	Татар.	Нўғой.	Қоз. ққалп.	Қумиқ.	Кр. тат.	Қ.балқ., қар.
кәмә (кема)	кәмә	көймә	кеме	кеме	геме	кеми/геми	кеме
кәрәк (керак)	кәрәк	кирәк	керек	керек	герек	керек	керек
әләк (элак)	иләк	иләк	элек	елек	элек	элек	элек

Демак, қипчоқ-нўғой, қипчоқ-половец тилларидаги *е* унлиси ўрнида *ә* унлиси ишлатилишига кўра й-ловчи ва дж-ловчи шевалар қипчоқ-булғар подгруппасидаги тилларга ўхшаш.

[10] Қараим тилидаги т. — тракай, г. — галич, қ. — қрим диалектини билдиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

8. Қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тиллари *ч* ундошининг **йўқлиги** (ч>ш) ҳамда *ш* ундошининг айрим сўзларда *с* ундоши билан алмашиниши жиҳатдан Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларидан ва қипчоқ группасидаги бошқа тиллардан фарқ қилади: Ққ. ўзб.: *чочқа, чач* (соч), *чечән* (чечан) — қозоқ., ққалп., нўғой.: *шошқа, шаш, шешен;* Ққ. ўзб.: *шашқан* (шошиб қолган, довдираган), *шорпа, шор, шыбыр-шыбыр* (шивир-шивир) — қозоқ., ққалп., нўғой.: *сасқан, сорпа, сор, сыбыр-сыбыр...*

Юқорида айтилган икки хусусиятни схема орқали қуйидағича кўрсатиш мумкин:



9. Қорақалпоғистондаги *й*-ловчи қипчоқ шеваларида ҳамда нўғой, қумиқ, қараим, қрим-татар, бошқирд, татар (татар тилида *дж*-лашиш ҳам бор) тилларида, анлаут ҳолатда, ишлатиладиган *й* ундоши ўрнига қорачой-балқар тилида *дж;* қозоқ, қорақалпоқ тилларида эса *ж* ундоши қўлланади: Ққ. ўзб. йл.: *йапрақ//йарпақ* (барг), *йипәк* (ипак), *йүрәк* (юрак);

татар.: *яфрақ, ефәк, йөрәк*//бошқ.: *япрақ, ебәк, йөрәк;*

қумиқ.: *япырақ, йибек, үрек*//кр. татар.: *йапрақ, ипек, үрек;*

қар.: т. *йапрах, г. йапрак, г. йибек, ибек,* қ. *йүрек;*

қбалқ.: *джапырақ, джибек, джурек;*

нўғой.: *япырақ, йибек, юрек*//қозоқ.-ққалп.: *жапырақ, жібек — жипек, жүрек.*

Демак, сўз бошида *й*//*дж* қўлланишига кўра *й*-ловчи, *дж*-ловчи шевалар қозоқ, қорақалпоқ тилларидан кўра қипчоқ группасидаги бошқа тилларга яқин туради. Буни қуйидаги схемадан яққол кўриш мумкин:

www.ziyouz.com kutubxonasi



10. ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари билан қипчоқ-половец, қипчоқ-булғар, қипчоқ-нўғой гуруҳидаги тиллар ўртасида кўпгина морфологик ўхшашликлар ва айрим ноўхшашликлар мавжуд. Масалан, кўплик-сон, эгалик, келишик, шахс-сон категориялари қарийб бир хил. Лекин ҳар бир тилнинг ўзига хос специфик хусусиятлари ҳам бор. Чунончи, ўзбек адабий тилидаги *мен+га, сен+га* мазкур тиллар ва шеваларда қуйидагича кўринишга эга:

Ққ. ўзб.: *маңа, ма:, саңа, са:*

Қорачой-балқар., қрим-татар.: *маңа, саңа*

Татар.: *миңа, сиңа*//бошқирд.: *миңә, һиңә*

Қумиқ., нўғой.: *маға, саға*

Қараим.: т. *майа, маа; сайа, саа*; г. *мана, сана*

Қозоқ., қорақалпоқ: *маған, саған*

Қиёсланг: туркман., уйғур.; *маңа, саңа,* қирғиз.: *маға*//*маңа, сага*//*саңа;* чуваш.: *мана, сана...* ва б.

11. Қипчоқ группасидаги туркий тиллар лексикасида мавжуд бўлган жуда кўп сўзлар Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида, умуман ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида ҳам қарийб бир хил кўринишга эга. Масалан, қиёсланг: Ққ. ўзб. *айув* (айиқ), *йумуртқа*// *джумуртқа* (тухум), *босаға* (бўсағa, остона), *сүйәк* (суяк), *не* (нима).

Қумиқ.: *аюв, йымыртқа, посаға, сүек, не.*

Қараим.: *айув, йумуртха..., басаға, сүвяк, не*

Қор.-балқар.: *аю, джумуртха, босаға, сүйек, не*

Қр.-татар.: *айуу, юмурта (йумурта), босаға, сүек, не*

Татар.: *аю, йомырқа, бусаға, сөяк, ни*

Бошқ.: *айыу, йомортқа* (тупһа), *һөйәк, ни*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нўғой.: *аюв, юмыртқа, босаға, сүек, не*
Ққалп.: *айыў, жумыртқа, босаға, сүйек, не*
Қозоқ. *ау, жумыртқа ,босаға..., сүйек, не*

Бу сўзлар баъзи туркий тилларда бошқача кўринишга эга. Масалан, ўзб. ад. *айиқ*//уйғур. *ейиқ*//тува. *адыг*//хакас. *аба*//чуваш. *упа*//яқут. *эһэ* ва шу кабилар.

Хуллас, қипчоқ группасидаги тиллар лексик жиҳатдан бир-бирларига жуда яқин. Бироқ шунга қарамай мазкур тилларнинг сўз бойлигида ўзларига хос, бошқа тилларда учрамайдиган ёки кам учрайдиган ҳамда маъноларига кўра фарқланадиган сўз-терминлар ҳам мавжуд. Шунингдек, бу тиллар ўзга тиллардан ўзлашган сўзларнинг манбалари ва миқдори жиҳатдан ҳам бир-бирларидан фарқланадиган хусусиятларга эга.

Юқорида қайд этилган баъзи фонетик, шунингдек, морфологик, лексик хусусиятлардаги ўхшашликлар ва ноўхшашликларни ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қипчоқ-нўғой, қипчоқ-булғар, қипчоқ-половец тилларига бўлган муносабатида яна ҳам тўлароқ ва яққолроқ кўриш мумкин.

ҚҚАССР ДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ҚОЗОҚ, ҚОРАҚАЛПОҚ, НЎҒОЙ ТИЛЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Қорақалпоғистондаги қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар билан қозоқ, нўғой, қорақалпоқ халқларининг иқтисодий, маданий ва айниқса, тарихий-этник алоқалари жуда қадимги даврлардан бошланган. Қипчоқ, Қангли, Уйшун, Қўнғирот, Қитай, Қирқ, Ачамойли, Болғали сингари уруғ-қабила номларининг қозоқ ва нўғойлар, қорақалпоқ ва Қорақалпоғистондаги ўзбеклар (қипчоқлар) учун муштарак бўлганлиги ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигига яққол далилдир.

Тарихан Дашти Қипчоқ территорияси (XI—XVI асрлар), сўнгра Олтин Ўрда ҳамда Нўғой Ўрдалари нўғой, ўзбек (қипчоқ), қорақалпоқ ва қозоқ тилларининг шаклланишида муҳим босқич бўлган. Кейинчалик ҳам, маълум тарихий даврларда, мазкур халқлар ҳамкорликда ҳаёт кечирганлар. Масалан, қозоқ хони Тавке (1680—1718) даврида, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари биргаликда яшаганлар. Шунингдек, қорақалпоқлар Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларга ўрнашиб қолгандан кейин ҳам қозоқлар (кичик жуз қозоқлари) билан бирга, бир территорияда бўлганлар. 1897 йилги аҳоли рўйхати бўйича Амударё бўлимидаги аҳолиларнинг 26,5 процентини қозоқлар ташкил этган[11].

Бу хил тарихий жараёнлар сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар сингари этник алоқаларнинг ҳам кучайишига олиб келган.

[11] У. Х. Шалекенов. Казахи низовьев Амударьи (К истории взаимоотношений народов Каракалпакии в XVIII—XX вв.), Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1966, стр. 18, 20, 61; Яна қаранг: История Каракалпакской АССР, т. I, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1974, стр. 106, 110, 133..

Областная библиотека

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу туфайли ҳам ҚҚАССРдаги қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар хотирасида сақланиб қолган уруғ-қабила номларидан анчаси қорақалпоқларда ҳам, қозоқларда ҳам, нўғойларда ҳам учрайди. Буни қуйидаги қиёсий жадваллардан яққол кўриш мумкин.

1. Қорақалпоғистондаги ўзбеклар ва қорақалпоқлар учун қуйидаги уруғ-қабила номлари умумийдир. Қиёсланг (1 — Ққ. ўзб., 2 — Қ. қалп.)[12].

1 — 2	1 — 2
1. Ақманғыт — Ақманғыт	20. Қарғаша — Қарға
2. Араллы — Аралбай	21. Қәндәкли — Қандекли
3. Ачамайлы — Ашамайлы	22. Қызылайақ — Қызылаяқ
4. Бағаналы — Бағаналы	23. Қыйат — Қыйат
5. Балғалы — Балғалы	24. Қыпчақ — Қыпшақ
6. Барын — Баарын	25. Қырқ — Қырқ
7. Бешул — Бешул	26. Қытай//Хытай — Қтай//Қытай
8. Бөгәджәли — Бөгежели	27. Қоңғырат — Қоңырат
9. Эсәбий//Йесәбий — Есеби	28. Маңғыт — Маңғыт
10. Эштики//Йештеке — Естек	29. Мачай — Масай
11. Джаманқоңрат — Жаманқоңрат	30. Мүйтән — мүйтен//мыйтан
12. Ырғақлы — Ырғақлы	31. Нөкис — Нөкис
13. Қәнәгәс — Кенегес	32. Сандавлы — Сандаўлы
14. Қанджыгалы —Қанжығалы	33. Таджик//Тәджик — Тәжек
15. Қаңлы — Қаңлы	34. Таз — Таз балғалы
16. Қарақыпчақ — Қарақыпшақ	35. Тамғалыманғыт — Тамғалы
17. Қараманғыт — Қарамаңғыт	36. Тартувлы — Тартуўлы
18. Қарамойын маңғыт — Қарамойын	37. Тоқманғыт — Тоқманғыт
19. Қарасыйрақ маңғыт — Қарасыйрақ	38. Уйғур — Уйғыр
	39. Уйшун — Үйшүн
	40. Шүйтманғыт — Шүйит

ҚҚАССРдаги ўзбеклар ва қорақалпоқлар учун муштарак бўлган ушбу уруғ-қабила номлари бу халқларнинг қадимдан бир-бирларига яқин бўлганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, Шимолий Хоразм ўзбеклари билан қорақалпоқларнинг тарихий алоқалари, Хоразм экспедициясининг кўп йиллар давомидаги археологик ва этнографик тадқиқотлари (С. П. Толстов, Т. А. Жданко, К. Л. За-

[12] Қорақалпоқларнинг уруғ-қабила номлари ҳақида қаранг: Названия каракалпакских племен и родов. Каракалпакско-русский словарь, М., Госиздат иностранных и национальных словарей, 1958, стр. 780—787.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дихина. Б. В. Андрианов ва бошқа олимларнинг ишлари) кўрсатганидек, жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади[13].

Хуллас, мана шу бир хил кўринишдаги ўхшаш уруғ-қабила номлари Қорақалпоғистондаги ўзбек (хусусан, *дж*-ловчи ўзбек) шеваларининг қорақалпоқ тилига анча яқин эканлигини изоҳлаб берувчи сабаблардан биридир.

2. Қуйидаги уруғ-қабила номлари Қорақалпоғистондаги ўзбекларда ва нўғойларда[14] бир хил кўринишга эга (1—Ққ. ўзб., 2 — нўғой; АН — Оқ нўғой, ҚН — Қора нўғой):

1	2
1. Ақ ноғай	Ақ ноғай халқ
2. Ас	Ас (Миң күп), ҚН
3. Ачамайлы	Ашамайлы (Қоңыр күп), ҚН
4. Балғалы	Балқалы үйсин (Сарай күп), ҚН
5. Бешул	Бесувыл (Кенегес күп), ҚН
6. Бөкә	Бөки//Бөкө (Қоңыр күп), ҚН
7. Бурқут	Бурқыт күп, ҚН
8. Дөрмән	Дөрмөн, АН
9. Эчбуға//Йечбуға	Ешбуға (Кенегес күп), ҚН
10. Ырғақлы	Ырғақлы АН, ҚН
11. Қәнәгәс	Кенегес күп, ҚН
12. Қәрәйит//Кәрит	Киреит, АН
13. Қаңлы	Қаңлы, АН, ҚН
14. Қарағурсақ	Қарақурсақ, ҚН
15. Қарасыйрақ маңғыт	Қарасыйрақ, АН, ҚН
16. Қатаған	Қатаған, АН
17. Қәндәкли//Хәндәкли	Хан урув, АН
18. Қыпчақ	Күпшақ, АН; қыпшақ күп, ҚН
19. Қырқ	Қырқ (Месит күп), ҚН
20. Қытай//Хытай	Қтай, АН
21. Қоңғырат//Қоңрат	Қоңырат, АН

[13] Буни баъзи уруғ-қабила номларининг ўзи ҳам яққол кўрсатади. Масалан, Амударё қуйи оқимидаги қорақалпоқ уруғ-қабила уюшмаларидан бирп «Арыс қоңырат»дир. Баъзи ишларда *арыс* — шоти, арава шотиси (букв. оглобля) деб кўрсатилади. Бу уйдирмага ишониш қийин. Фикримизча, «арыс» ҳинд-европа тилларидаги *aryas* (...*arisch*) — санскрит тили вакилларининг номи билан алоқадордир. *Қаранг:* Ж. Марузо. Словарь лингвистических терминов, М., Изд-во иностранной л-ры, 1960, стр. 37.

[14] Нўғой уруғ-қабнлаларига оид маълумотлар қуйидаги асарлардан олинди: Н. А. Баскаков. Ногайский язык и его диалекты, М.—Л., Изд-во АН СССР, 1940, стр. 132—140; С. А. Калмыкова, М. Ф. Саруева. Грамматика ногайского языка, Карачаево-черкаское отд. Ставропольского книжного изд-ва, Черкасск, 1973, стр. 7.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1	2
22. Маңғыт	Маңғыт (Бурқыт күп), ҚН
23. Найман	Найман, АН
24. Нөкис	Нөкис (Тувылға күп), ҚН
25. Сарай	Сарайлы (Месит күп), ҚН
26. Тобылға//Товылға	Тувылға күп, ҚН
27. Түркмән	Түркпен, АН
28. Уйғур	Уйғыр, ҚН
29. Уйшун	Үйсин (Сарай күп), ҚН

Изоҳ: нўғой тилида *күп* — қабила, уруғларнинг йирик бирлашмаси. *Күп* сўзи худди нўғойлардагидек этник маънода Шимолий Сибирдаги баъзи халқларда ҳам учрайди. Масалан, *селькуп* (<сөл+қуп) : *чумэл-куп* — ердаги кишилар, *шем-кум* — тайгалик кишилар (Г. Н. Прокофьев)[15]. (Селькуплар лексикасида, жумладан қариндошлик терминларида, туркий тиллар билан анчагина ўхшашликлар бор)[16]. Демак, нўғой тилидаги күп — кишилар демакдир.

Бу кичик бир факт нўғойларнинг Сибирь (Обь ва Енисей дарёлари бўйидаги ерлар) билан ,умуман туркий тилларнинг самодий тиллари билан қадимги тарихий алоқаларидан акси садо бериб тургандек туюлади.

3. Қорақалпоқ ва нўғойлар учун умумий бўлган уруғ-қабила номларидан қуйидагилари[17] Қорақалпоғистондаги ўзбекларнинг уруғ-қабила номлари сифатида ҳам учрайди. Қиёсланг: Ққ. ўзб. — қ. қалп., нўғой:

1. Ачамайлы — Ашамайлы; 2. Балғалы — Балғалы//нўғ. Балқалы Үйсин; 3. Бешул — Бешул//нўғ. Бесувыл; 4. ырғақлы — ырғақлы — ырғақлы; 5. Қәнәгәс—Кенегес; 6. Қаңлы—Қаңлы; 7. Қарасыйрақ маңғыт — Қарасыйрақ; 8. Қәндәкли — Қандекли//нўғ. Хан урув; 9. Қыпчақ — қыпшақ//нўғ. Қыпшақ//Қупшақ; 10. Қырқ — Қырқ; 11. Қытай//Хытай — Қтай//Қытай; 12. Қоңғырат//Қоңрат — Қоңырат; 13. Маңғыт — Маңғыт; 14. Нөкис — Нөкис; 15. Уйғур — Уйғыр; 16. Уйшун — Үйшүн//нўғ. Үйсин.

---

[15] Общественный строй у народов Северной Сибири (XVII— начало XX в.), М., Изд-во «Наука», 1970, стр. 340—341.

[16] *Қаранг:* А. П. Дульзон. Термины родства и свойства в языках Нарымского края и Причулымья, Томск, Ученые записки Томского ГПИ, т. XI, 1954, стр. 85—94.

[17] Қорақалпоқ ва нўғойларда бир хил бўлган уруғ-қабила номлари ҳақида қаранг: Н. А. Баскаков. Введение в изучения тюркских языков, М., Изд-во «Высшая школа», 1969, стр. 227—228.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Қорақалпоғистондаги ўзбеклар билан қозоқлар[18] учун қуйидаги уруғ-қабила номлари умумийдир (1—Ққ. ўзб., 2—Қозоқ, қ.—қабила).

1 — 2	1 — 2
1. Ачамайлы — Ашамайлы 2. Бағаналы — Бағаналы 3. Балғалы — Балгалы 4. Джалайыр — Жалайыр (қ.) 5. Кәрәйит//Кәрит — Кереит 6. Кәрәйит — Керей (қ.) 7. Қанджығалы —Қанжығалы 8. Қаңлы — Қаңлы (қ.) 9. Қарақыпчақ —Қарақыпшақ 10. Қарапақ... — Қарақалпақ 11. Қарамойын маңғыт — Қарамойын 12. Қармыш — Қармыш	13. Қыпчақ — Қыпшақ (қ.) 14. Қырқ — Қырқ 15. Қытай//Хытай//Қытай 16. Қоңрат... — Қоңрат (қ.) 17. Найман — Найман (қ.) 18. Ноғай — Ноғай 19. Сары — Сары 20. Таз — Таз 21. Тама — Тама 22. Түркмән — төркпен 23. Уйшун — Уйсун

Ҳозирги пайтда ҳам юқорида қайд этилган қорақалпоқ, қозоқларнинг уруғ-қабилалари ҚҚАССРдаги ўзбеклар, туркманлар ва бошқа халқларнинг вакиллари билан биргаликда ҳаёт кечирмоқдалар.

1970 йилги аҳоли рўйхати бўйича Иттифоқимизда 5299 минг қозоқ, 236 минг қорақалпоқ, 52 минг нўғой миллатига мансуб аҳоли яшайди. Ўзбекистонда 476 минг қозоқ бўлиб, шундан 186 038 таси Қорақалпоғистондадир. Республикамизда қорақалпоқ миллатига мансуб 230 минг киши бўлиб, уларнинг кўпчилиги (217 505 таси) ҚҚАССРдадир[19].

Юқорида қайд этилган фактларнинг барчаси, айниқса қозоқ, қорақалпоқ, нўғой ва ҚҚАССРдаги ўзбекларга дахлдор бўлган тарихий-этник алоқалар мазкур халқларнинг тилида ҳам ўз аксини топган.

Шу сабабли ҳам қозоқ, қорақалпоқ, нўғой ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси (шу жумладан, ҚҚАССРдаги ўзбекларнинг қипчоқ шевалари) қипчоқ группасидаги туркпй тилларнинг қипчоқ-нўғой подгруппасига тааллуқлидир.

[18] Қозоқларнинг уруғ-қабила номлари қуйидаги асарлардан олинди: В. В. Востров. М. С. Муканов. Родоплеменный состав и расселение казахов (Конец XIX — начало XX в.), Алма-Ата, Изд-во «Наука» КазССР, 1968, стр. 115, 123, 130, 146, 150, 161, 171 ва б.; Н. А. Баскаков, Введение... стр. 228; Р. Г. Кузеев. Происхождение башкирского народа (этнический состав, история расселения), М., Изд-во «Наука», 1974, стр. 467, 469.

[19] Население СССР 1973, «Статистический сборник», М., Изд-во «Статистика», 1975, стр. 37; И. Р. Муллажанов. Ўзбекистон аҳолиси, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974, 53, 56, 136-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Қипчоқ-нўғой подгруппасидаги тилларнинг барчасида асосан тўққизта унли фонема бор: *а, ə, е (э), о, ө, ы, и* (қозоқ *і*), *у* (қозоқ *ұ*), *ү*. Ўзбек адабий тилида учрамайдиган жуфт контраст *а — ə*, *о — ө, ы — и, у — ү* унлилари, шунингдек сингармонизм қонуни текширилаётган шеваларда ҳам, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларида ҳам мавжуд.

Сўз маъноларини фарқловчи бирламчи чўзиқ унлилар йўқ.

Анлаут ҳолатда *й-дж-(ж)* ундошлари барқарор эмас (айрим ҳолатлар бундан мустасно). Масалан, нўғой тилидаги айрим сўзлар бошида қўлланадиган *й* ундоши ўрнига қозоқ, қорақалпоқ тилларида *ж*, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида *дж* (ёки *й*) ундоши ишлатилади. Қиёсланг:

Ққ. ўзб.	Нўғой[29].	Ққалп.	Қозоқ.
джавап (жавоб)	явап	жуўап	жауап
джаза (жазо)	яза	жаза	жаза
джан (жон)	йан	жан	жан
*джыйна-//*й ы ғ н а-	йыйна	жыйна-	жыйна-
*джүвән//*й Ү г ə н	ювен	жҮўен	жҮген

Қозоқ-қорақалпоқ тилларида *ф, щ, ц, ч* ундошлари ишлатилмайди. Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида ҳам *ф, щ, ц* ундошлари қўлланилмайди.

Мазкур подгруппадаги тиллар ва шеваларда сўз ўртаси ва сўз охирида *ғ* ундошининг *в* ундошига ўтиши мавжуд:

Ққ. ўзб. дж т.	Ққалп.	Қозоқ.	Нўғой.
авыз (оғиз)	аўыз	ауыз	авыз
авыр (оғир)	аўыр	ауыр	авыр
бав (боғ)	баў	бау	бав
ырув (уруғ)	урыў	ру	ырув
джаврын (яғрин)	жаўырын	жауырын	явырын
авнав (ағнамоқ)	аўнаў	аунау	авна
сав (соғ)	саў	сау	сав
аврув (касал)	аўруў	ауру	аврув
був (буғ)	пуў	бу	був

[29] Нўғой, қорақалпоқ, қозоқ тилларига оид мисоллар қуйидаги асарлардан олинди: Ногайско-русский словарь, М., Гос. Изд-во иностр. и нац. словарей, 1963; Н. А. Баскаков. Ногайский язык и его диалекты (Грамматика, тексты и словарь), М.—Л., Изд-во АН СССР, 1940; С. А. Калмыкова, М. Ф. Саруева. Грамматика ногайского языка, ч. I, (Фонетика и морфология), Черкасск, 1973; Каракалпакско-русский словарь, М., Гос. Изд-во иностр. и нац. словарей, 1958; Г. Бегалиев, Х. Махмудов, Г. Мусабаев. Краткий казахско-русский словарь, Алма-Ата, Каз. гос. изд-во. 1959; Русско-казахский словарь, М., Гос. Изд-во иностр. и нац. словарей, 1954; Қазақ тілінің диалекто-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айрим сўзлар охирида *қ, к* ундошлари туширилиб талаффуз этилади. Қиёсланг:

Ққ. ўзб.,	Ққалп.	Қозоқ.	Нўғой.
аччы (аччиқ)	ашшы	ащы	ашы
ыссы (иссиқ)	ыссы	ыссы, ыстық	исси
қатты (қаттиқ)	қатты	қатты	қаты
тары (тариқ)	тары	тары	тары
элли (эллик)	елли	елу	элли
сары (сариғ)	сары	сары	сары
қуры (қуруқ)	куры	қуры	қуры

Бироқ Қорақалпоғистондаги, умуман Хоразм воҳасидаги барча қипчоқ шеваларида (Е. Д. Поливанов термини билан айтганда, Ўрта Хоразм ва «қозоқлашган» Шимолий Хоразм шеваларида) *ч* ундошининг *ш* ундошига, *ш* ундошининг эса *с* ундошига ўтиш хусусияти учрамайди. Маълумки, қипчоқ-нўғой подгруппасидаги тиллар, Н. А. Баскаков кўрсатганидек, *ш*<*ч* (*қаш-*<*қач-*), *с*<*ш* (*қыс*<*қыш*) белгиларига кўра қипчоқ-булғар ҳамда қипчоқ-половец подгруппасидаги тиллардан фарқланади[21]. Мана шу муҳим фарқловчи белгилар Хоразм областидаги, ҚҚАССРдаги ўзбек-қипчоқ шеваларида йўқ. Қиёсланг:

Ққ. ўзб.	Нўғой.	Ққалп.	Қозоқ.
ашығыч	асығыс	асығыс	асығыс
эшкэк...	эскек	ескек	ескек
адашув	адасув	адасыў	адасу
бешик	бесик	бесик	бесик
эшик	эсик	есик	есік
шийш (шиш)	сисик	исик	ісік
алтмыш	алпыс	алпыс	алпыс

Шунингдек, Ққ.ўзб.: *қыш, адаш, арыш* (арава шотиси), *беш, қайыш, ташқы, қашық, куш, қаш*//нўғой, қ. қалп., қозоқ.: *қыс, адас, арыс, бес, қайыс, тасқы, қасық, құс, қас* ва б.

логиялық сөздігі, Алматы, Каз. ССР «Ғылым» баспаси, Н. А. Баскаков. Ногайский язык; Ўша автор. Каракалпакский язык; С. К. Кенесбаев, Н. Б. Карашева. Казахский язык, «Языки народов СССР», т. II, М., Тюркские языки, Изд-во «Наука», 1966, стр. 280—339.

[21] Н. А. Баскаков. Введение..., стр. 292.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ққ. ўзб. *ч*//нўғой, қ. қалп., қозоқ. *ш.*:

Ққ. ўзб.	Нўғой.	Ққалп.	Қозоқ.
мончақ	мойшақ	моншақ	моншақ
чыра (чироқ)	шырақ	шырақ	шырақ
чабув	шабув	шабуў	шабу
чалбыр (шим)	шалбар	шалбар	шалбар
бурыч (гармдори)	бурыш	бурыш	бурыш

Шунингдек, ққ. ўзб.: *арбачы* (аравакаш), *ач, куч, чаң* (чанг), *чек, чыт, чыбын...,*//нўғой, ққалп., қозоқ.: *арбашы, аш, күш, шаң, шек, шыт, шыбын.*

Яна бир муҳим фонетик белги шуки, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларида (кўпинча сўзларнинг биринчи бўғинидан кейин) қўлланадиган *е (э)* унлиси ўрнига ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида *ə* унлиси ишлатилади:

Ққ. ўзб.	Нўғой.	Ққалп.	Қозоқ.
белбав (белбоғ)	бєлбев	белбеў	белбеу
кəсəртки (калтакесак)	гесиртке	кесертке	кесерткі
ҳəрəкəт	әрекет	ҳәрекет	әрекет
ийнə (игна)	ийне	ийне	ине
йипəк//*дж ипəк*	йибек	жипек	жібек
пилтə (Қ. чоқ. Пилик)	мелте	пилте	білте
дүкəн (дўкон)	тҮкен	дҮкән	дҮкен

Яна қиёсланг: Ққ. ўзб.: *кəмə, кəм, кəрəк, пəрдə, сəс, элəк, көйлəк*//қозоқ., қ. қалп., нўғой.: *кеме, кем, керек, перде, сес, элек*//*елек, көйлек;* Қ. қ. ўзб.: *ҳийлəгəр, күндəлик, ишлəмəйди*//нўғой.: *айлекер, күнделик, ислемейди;* Ққ. ўзб.: *бəдəн, бедə, безгəк, кəтмəн* (кетмон) ∞ қозоқ., қ. қалп.: *беден, беде, безгек, кетмен.*

Хўш, шундай экан, нега Е. Д. Поливанов Шимолий Хоразм шеваларини «қозоқлашган» деб атаган?

Аввало шуни айтиш керакки, ўзбек шеваларининг ўзаро лингвистик фарқланишларини, уларга хос айрим фонетик-морфологик белгиларни, баъзи қипчоқ шеваларининг қозоқ, қорақалпоқ тилларига муносабатини биринчи марта илмий тарзда, қисқа ва мазмундор, ниҳоят даражада тўғри ва аниқ тадқиқ қилиб берган олим Е. Д. Поливановдир. Ҳақиқатдан ҳам, В. В. Решетов айтганидек, Е. Д. Поливановнинг ўзбек шеваларига хос тил фактларини баён қилиши, таҳлил этиши «...ғоят аниқ бўлиши билан ажралиб тура-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, айрим тил фактларининг тушунтирилиши ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди»[22].

Дарҳақиқат шундай.

Е. Д. Поливанов бир асарида[23] Шимолий Хоразм шеваларига ва қозоқ, қорақалпоқ тилларига хос бўлган ҳамда уларни бир-бирларидан фарқлайдиган фонетик белгилардан қуйидагиларни кўрсатган эди:

1. Қорақалпоқ, қозоқ тилларига ва Шимолий Хоразм шеваларига хос хусусиятлар:

1) *дж*-лашиш, *ж*-лашиш хусусияти: *й* > *дж* > *ж*;

2) тил олди ярим тор *е, о, ө* унлиларининг $и_е$, $и_ө$, ёки $й_е$, $у_ө$, $в_о$ тарзида дифтонглашиши;

3) *ийт* (ит), *бийт* (бит) сўзларида «ий» мавжуд бўлиши;

4) *к, г*, ундошларининг максимал «қаттиқлиги»;

5) *п//б ∾ (в), к//г, қ//ғ* ундошларининг баъзи ўзаклар охирида алмашиниши.

2. Қозоқ, қорақалпоқ тилларида мавжуд бўлиб, Шимолий Хоразм шеваларида учрамайдиган белгилар:

1) *ш* > *с га* ўтиши;

2) *ч* ва *ш, дж* ва *ж* ундошларининг фарқланмаслиги;

3) биринчи бўғиндан кейин *е* унлисининг мавжудлиги ва бинобарин суффикслардa *а//е* алмашиниши.

3. Қорақалпоқ тилида ва Шимолий Хоразм шеваларида мавжуд бўлиб, қозоқ тилида учрамайдиган хусусиятлар:

1) «*ҳ*» фонемасининг мавжудлиги;

2) ундошлардан сўнг суффикслардаги *л* ундошининг сақланиши (қ. қалп., Шим. Хоразм.: *атлар, атлы//қозоқ.: аттар, атты*).

Е. Д. Поливанов томонидан қайд этилган Шимолий Хоразм шеваларига оид белгиларнинг кўпчилиги тўғри эканлигини Қорақалпоғистондаги *й*-ловчи ва *дж*-ловчи ўзбек шеваларининг материаллари ҳам тасдиқлайди.

Бироқ Е. Д. Поливановнинг ўзбек шеваларига, жумладан, Хоразм шеваларига доир баъзи назарий фикрларига қўшилиб бўлмайди. Масалан, Е. Д. Поливанов: «Шимолий Хоразм (қипчоқ) группасини унинг қозоқ тили билан симбиоз сабабларига кўра «қозоқлашган» деб аташимиз мумкин», — деб ёзган ва бу фикрни ўз асарларида «Шимолий Хоразм ёки қозоқлашган», «соф ўзбек» группаси тарзида қайта-қайта таъкидлаган эди[24].

Е. Д. Поливановнинг ўзбек тили шеваларини «эронлашган», «туркманлашган», «уйғурлашган», «қозоқлашган» группаларга бў-

---

[22] В. В. Решетов. Состояние и задачи узбекской диалектологии, сб. «Вопросы узбекского языкознания», Ташкент. Изд-во АН УзССР. 1954, стр 139.

[23] Е. Д. Поливанов. Некоторые фонетические особенности каракалпакского языка. Ташкент. Гиз. УзССР, 1933, стр. 5. 6.

[24] Е. Д. Поливанов. Говор кишлака Қыят-Копграт..., стр. 7; Уша автор. Некоторые фонетические особенности каракалпакского языка, стр. 5; Уша автор. Материалы по грамматике узбекского языка, вып. I, Ташкент, УзГИЗ, 1935, стр. 22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиши И. А. Батманов, А. К. Боровков, В. В. Решетов ва бошқалар томонидан қаттиқ танқидга учраган[25].

Ҳақиқатан ҳам, Шимолий Хоразм шеваларини «қозоқлашган» деб ҳисоблаш мумкин эмас. Тўғри, қозоқ тилига ва Шимолий Хоразм шеваларининг иккаласига ҳам хос бўлган баъзи бир лексик-грамматик белгилар мавжуд, бироқ улар ўртасидаги кўпгина лингвистик фарқлар (Шимолий Хоразм шевалари билан қозоқ тили ўртасидаги фонетик, лексик, морфологик фарқлар, ноўхшашликлар) Шимолий Хоразм шеваларининг «қозоқлашган»лигини инкор қиларли даражада кўпдир.

Шу факт характерлики, Шимолий Хоразм шеваларида (ҚҚАССРдаги Беруний-Манғит, Хўжайли-Қипчоқ ҳамда Қўнғирот шеваларида) *й*-лашиш ҳам, *дж*-лашиш ҳам мавжуд, лекин спорадик учрайдиган ҳолатларни ҳисобга олмаганда, қозоқ тилидаги сингари *ж*-ловчилик ҳодисаси йўқ[26]. Ўзбек адабий тилидаги *й* ундоши билан бошланувчи сўзлар мазкур шеваларда *й* ва *й//дж* ёки *дж* ундошлари билан қўлланади. Қиёсланг: Ққ. ўзб. *йл.: йалған* (ёлғон), *йантақ* (янтоқ), *йоқ* (йўқ), *йол* (йўл), *йанында* (ёнида) ∾ Ққ. ўзб. джл.: *джалған, джантақ, джоқ, джол, джанында*//Ққ. ўзб. (аралаш): *й//дж — ...йол//джол...//қозоқ.: жалған, жантақ, жоқ, жол, жанында.*

ҚҚАССРдагп ўзбек шеваларида қозоқ тилига хос бўлмаган *ҳ* ундоши мавжуд ва бу ундошнинг қўлланиш диапазони қорақалпоқ, нўғой тилларига нисбатан кенг. Қиёсланг:

Ққ. узб.	К.қалп.	Қозоқ.	Нўғой.
ҳәрәкәт (ҳаракат)	ҳәрекет	әрекет	әрекет
ҳарам (ҳаром)	ҳарам	арам	арам
ҳава (ҳаво)	ҳаўа	ауа	ава
ҳайван (ҳайвон)	ҳайўан	айуан	аиван
ҳийләгәр (ҳийлакор)	ҳийлекер	айлакер	әйлекер
ҳайда (ҳайда)	айда	айда	айда
ҳайбатлы (ҳайбатли)	айбатлы	айбатты	айбатлы
ҳәйдәр (ҳайдар—кокил)	айдар	айдар	айдар
ҳайал//айал (аёл)	айал/ ҳайал	әйел	айел (диал.)

[25] *Қаранг:* И. А. Батманов. Вопросы классификации узбекских говоров. Сб. «Проблемы языка», вып. I, Ташкент, УзГИЗ, 1934. стр. 29—36; А. К. Боровков. По поводу «иранизации» узбекского языка, «Известия АН УзССР», 1955, № 8, стр. 79–91; В. В. Решетов. Некоторые вопросы узбекской диалектологии, сб. «Вопросы изучения языка народов Средней Азии и Казахстана...», Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1952, стр. 109—113; Ф. А. Абдуллаев. Фонетика хорезмских говоров, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1967, стр. 27—29; Ушбу сатрларнинг муаллифи ҳам «Профессор Е. Д. Поливановнинг бир фикри» номли мақоласида (ЎзТА, 1966, № 5, 56—59-бетлар) Шимолий Хоразм шеваларининг «қозоқлашган» лигини инкор этишга уринган.

[26] Умуман, қозоқ ва қорақалпоқ тилларидаги сўзларнинг анлаут ҳолатида *й* ундоши деярли қўлланилмайди. Масалан, қарийб ўттиз минг сўздан иборат «Каракалпакско-русский словарь»да (М., 1958) *й* ундоши билан бошланувчи иккитагина сўз (*йод, йош*) мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна қиёсланг: Ққ. ўзб.: *ҳели* (ҳали), *ҳәвәсәк* (ҳавас), *ҳәңгәмә, ҳәйтәвир* (ҳайтовур), *ҳәйдәвир* (анча) ~ ққалп.: *еле//ели, әўесек, әңгиме, әйтеўир, әдеўер* ва б.

Қорақалпоғистондаги ўзбек (қипчоқ) шевалари билан қозоқ, қорақалпоқ тиллари ўртасида *б, в//м, м//п, к//г, х//қ, қ//ғ//х, т//д* каби ундош товушлар мослиги мавжуд. Қиёсланг: *т//д* — Ққ. ўзб. (қипчоқ): *төп, тайар, тавыш, торва//торба, тайын//қозоқ.: доң, даяр, дауыс, дорба, дайын.* Бундай ҳолат қозоқ тилига нисбатан қорақалпоқ тилида кўпроқ учрайди: Ққ. ўзб.: *туврьı* (тўғри), *тизә, тәмә, туйақ* (туёқ), *түмчә* (чойдиш), *тузақ, туз//қ.* қалп.: *дуўрьı, дизе, дәме, дойнақ, дүмше, дузақ, дуз* ва б.

Текширилаётган шевалар билан қозоқ, қорақалпоқ тиллари ўртасидаги баъзи морфологик фарқлар қуйидагилардир:

1. Қозоқ тилида кўплик-сон аффикси *-лар//-лер, -дар//-дер; -тар//-тер* формаларига эга. Ққ. ўзб.: *-лар//-ләр, -нар//-нәр//*Ққалп., нўғой.: *-лар//-ләр.* Қиёсланг: Ққ. ўзб.: *башлар, мәктәпләр, селләр* (сизлар), *кегәлләр* (келганлар), *қойаллар* (қуёнлар), *қойлар, хатлар//*қозоқ.: *бастар, мектептер, сиздер, келгендер, қойандар, қойлар, хаттар.*

Ўрганилаётган шеваларда шахс-сон аффикслари *-ман//-мән,* қозоқ тилида эса *-мын//-мін, -бын//-бін, -пын//-пін.* Қиёсланг: Ққ. ўзб. йл.: *оқувчыман, бешинчимән, эринчәгәмәсмән* (эринчак эмасман), *йалғызман, ыстувдентықызман//*қозоқ.: *оқувшымын, бесінші-мін, еріншек емеспін, жалғызбын, студентіқізбін.*

Мен, сен, у, бу, шу олмошлари жўналиш келишиги қўшимчаси (-га) билан турланганда, қозоқ тилида *маған, саған, оған, буған, соған* формаларида бўлади. Шимолий Хоразм (Бер. — Манг., Хўж., Қ. чоқ., Тўртк., С. бий) шеваларида бу формалар қўлланмайди (Қўнғирот шевасида эса спорадик равишда ишлатилади). Ққ. ўзб.: *маңа* (менга), *саңа* (сенга), *оңа* (унга) — нўғой.: *маға, саға, оға//* қозоқ., қ. қалп.: *маған, оған, саған.*

Ўзбек тилининг Қирқ, Ғаллаорол, Шеробод, ва *ж*-ловчи Қурама каби қипчоқ лаҳжасига оид айрим шеваларда ҳам *маған//мвған, саған//сеған, оған//уған.*

Мазкур формаларнинг вужудга келиши ҳақида Ф. Г. Исҳоқов: «*оған* (унга)<*онға: н* ва *ғ* метатеза йўли билан ўринларини алмаштирган»[27], — деган фикрни айтган эди.

Ф. Г. Исҳоқовнинг бу фикри ўзбек диалектологларининг ишларида ҳам кенг ёритилган. Масалан, *маған* ва *саған*, «...*мен, сен* олмошларининг охиридаги *н* ундошининг жўналиш келишиги формасидан кейинга кўчирилиб...» қўлланиши туфайли пайдо бўлган[28]. Яъни *мен+га, сен+га* (*-ң+га*>*-га+н* метатезаси туфайли)>*меган, сеган*>*маған, саған* вужудга келган демоқчи.

---

[27] Ф. Г. Исхаков. Местоимение. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, II, Морфология, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1956, стр. 223.

[28] Т. З. Мирсоатов. Ўзбек тилининг қирқ шеваси, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1957, 244-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумки, кишилик олмошларининг архетипи **ман, *сан, *он* тарзида бўлганлигини туркий тилларга генетик жиҳатдан яқин ва узоқ қариндош деб ҳисобланувчи тилларга оид фактлар тасдиқламайди. Қиёсланг: монгол (бурят, қолмиқ, монгол, дагур, монгор, дунсян, баонь) тилларида *бі, бә* (мен); *чі, ші, чы, чэ* (сен). Тунгус-манжур (эвенк, манжур, эвен, негидаль, нанай, ульч, ороч, удэгей) тилларида *би, бӣ, мӣ* (мен); *си, сӣ, һи* (сен). Картвель тилларида **men:* грузин. *men, mena;* мегриль. *ma,* чан. *man;* сван. *мі* (мен); **sen:* мегриль. *si,* чан. *si(n),* сван. *si* (сен). Фин-угор тилларида ҳам мен олмоши *ме* тарзида учрайди. Форси-қобулий тилида *ман, ма* (мен), ҳинд тилида *мае* (мен) ва б.

Э. В. Севортян *-ған* аффикси *-ға+н* бўлиб, бундаги *н* ундоши *мә+н, са+н, о+н* охиридаги *н* элементининг худди ўзи бўлса керак[29], — деб кўрсатган.

Хуллас, *маған, саған, оған* формаларининг вужудга келишида ҳеч қандай метатеза ҳодисаси рўй бермаган, *-ған (-ға+н)* аффикси тўғридан-тўғри кишилик олмошларининг архетипи бўлган **мэ, *сэ, *о* ўзакларига қўшилган (*мэ... ма+ға... ма+ға+н*) ва шу ҳолда ўзбек тилининг баъзи қипчоқ шеваларида ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз тилларида сақланиб қолган.

Қозоқ тилидаги сифатларнинг қиёсий даражаларини ясовчи *-лау//-леу, -дау//-деу, -тау//-теу — сарылау, қызылдау...* сингари формалар Шимолий Хоразм шеваларига хос эмас.

Қозоқ тилидаги чама сон ясовчи *-дап//-деп, -тап//-теп* ва *-даған* суффикслари ҳам ўрганилаётган шеваларда бошқача кўринишга эга: Ққ. ўзб.: *оллап* (ўнлаб), *йүзләп//джүзләп, оллаған* (ўнларча) ∾ қозоқ.: *ондап, жүздеп, ондаған.*

Қозоқ тилида феълнинг бўлишсизлик формаси *-па//-пе, -ба//-бе* сингари бўлса, Шимолий Хоразм шеваларида *-ма//-мә* тарзидадир. Ққ. ўзб.: *кетмә, көммә* (кўнма), *қазыма, тартма*//қозоқ.: *кетпе, көмбе, қазба, тартпа.*

Қозоқ тилида *-тын//-тін* (а й т а т ы н, к е т е т і н) шаклида бўлган сифатдош аффикслардан бири Шимолий Хоразм шеваларида бошқача формададир.

Шимолий Хоразм шеваларидаги *минән* (билан) қозоқ тилида *бен, мен, пен, бенен, менен, пенен* (нўғой.: *бан, бен, пан, пен, ман,* мен) тарзидадир.

Сўзларнинг торайиш формаларида ҳам фарқлар мавжуд. Масалан: Ққ. ўзб.: *апке//әпке* (<олиб кел), *апкет//әпкет* (<олиб кет) ∾қозоқ.: *әкел, әкет.*

Шимолий Хоразм шеваларидаги, шунингдек қорақалпоқ, нўғой тилларидаги *-джақ* аффикси қозоқ тилида қўлланмайди.

Қозоқ тили билан Шимолий Хоразм шевалари лексикасида ҳам жуда кўп фарқлар, ноўхшашликлар, ўзларига хос лексик қатламлар бор. Масалан, Шимолий Хоразм шеваларида қозоқ тилида ҳам,

---

[29] Э. В. Севортян. Категория падежа, Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков..., стр. 50.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек адабий тилида ҳам деярли учрамайдиган эрон (хоразмий-тожик) ва хоразм-ўғуз лексик қатламлари мавжуд ва б.

В. В. Решетов ўзининг бир қатор асарларида фактик материаллар анализига асосланиб, ўзбек тили қипчоқ шеваларининг бир қисми, ўз фонетик ва лексик-грамматик хусусиятларига кўра қорақалпоқ тилига, бошқа бир қисми эса қозоқ тилига яқин туришини кўрсатган ва буни тарихий сабаблар билан изоҳлаган[30]. Бу жиҳатдан ҚҚАССРдаги *дж*-ловчи (*ж*-ловчи шева умуман йўқ) ўзбек шевалари, ҳеч шубҳасиз, қозоқ тилига нисбатан қорақалпоқ тилига яқин турувчи ўзбек шеваларидандир. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, қозоқ халқининг ташкил топишида иштирок қилган уруғ-қабилалардан айримлари, маълум тарихий даврларда, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги ўзбекларнинг (қипчоқларнинг) таркибига ҳам қўшилган. Шу сабабли, Шимолий Хоразмдаги ўзбеклар нутқида қозоқ тилига хос баъзи лингвистик (айниқса лексик) хусусиятлар мавжуд. Бироқ бунга асосланиб, Шимолий Хоразм шеваларини «қозоқлашган» дейиш мумкин эмас.

Е. Д. Поливановнинг Шимолий Хоразмдаги ўзбек шеваларини «қозоқлашган» деб айтган фикри билан «Орол ўзбеклари» деган тарихий ном бевосита алоқадордир.

Маълумки, XV асрдан бошлаб Амударё дельтаси ҳосил қилган ерларда «оролларда» чор атрофдан келган ўзбеклар ўтроқлашиб қолиб, «Орол вилояти»ни вужудга келтирганлар. Мана шу ердаги аҳоли (шимолий ўзбеклар) Орол ёки Қўнғирот ўзбеклари деб аталган. Кейинчалик бу ўзбекларнинг бир қисми Жанубий Хоразм районларига ҳам кўчиб ўтган[31]. Шу сабабли ҳозирги Қўнғирот районида яшаётган ўзбеклар этногенези, М. В. Сазонова қайд этганидек, Орол ўзбеклари билан чамбарчас боғлиқ[32].

Қорақалпоқ шеваларини тадқиқ этган Д. С. Носиров Е. Д. Поливановнинг «қозоқлашган» деб атаган Шимолий Хоразм шеваларидан бир қисмини — Қўнғирот, Ленинобод, Шуманай районларидаги[33] ўзбеклар шевасини — «Орол ўзбекларининг оралиқ шеваси» деб атаган[34].

Бироқ ҳозирги кунда яхлит бир ўзбек оралиқ шевасини ташкил этадиган «Орол ўзбеклари» йўқ, фақат «Орол ўзбеклари» деган

---

[30] В. В. Решетов. Некоторые замечания о каракалпаках Ташкентского оазиса и их языке, «Бюллетень АН УзССР», 1947, № 3, стр. 18—23; Ўша автор. Ценный вклад в советскую тюркологию, «Известия АН УзССР», 1953, № 4, стр. 120—123.

[31] К. Л. Задыхина. Узбеки дельты Амударьи, «Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945—1948», Изд-во АН СССР, М., 1952, стр. 324; М. В. Сазонова. К этнографии узбеков Хорезма, ўша тўплам, стр. 247—248; Б. В. Андрианов. Этническая территория каракалпаков в Северном Хорезме (XVIII—XIX вв.), « Материалы и исследования по этнографии каракалпаков», М., Изд-во АН СССР, 1958, стр. 39; История Каракалпакской АССР, т. I, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, стр. 103, 111, 112 ва б.

[32] М. В. Сазонова. Кўрсатилган асар, 247-бет.

[33] Шуманай райони 1950, Ленинобод райони эса 1970 йилда тузилган.

[34] Д. С. Насыров. О языке узбеков-аральцев, «Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР», 1973, № 4, стр. 68.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихий ном (ҚҚАССРдаги баъзи ўзбек қариялари эсида ўтмишдан хотира сифатида сақланган «Араллы» номи) бор, холос. Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам К. Л. Задихина: «Ҳозирги кунда шимолий ўзбекларнинг уруғларга мансублиги ўз мавқеини йўқотган,... ҚҚАССРдаги ўзбек аҳолиси ўзларини фақат «ўзбек» деб атамоқдалар»[35], — деган эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳозирги пайтда, ўзбек шевалари орасида, маълум уруғ-қабилаларга, этник гуруҳларга оид шевалар сақланиб қолмаган. Шунга кўра, биз Д. С. Носиров «Орол ўзбекларп шеваси» деб атаган шевани Қўнғирот шеваси (Қўнғирот районидаги ўзбек шеваси) деб атадик.

Д. С. Носиров мазкур шеванинг қорақалпоқ тилидан ва унинг Шимолий диалектидан фарқланадиган қуйидаги хусусиятларини кўрсатган[36]. 1) *ш>с (қашық, джаш//ққалп. қасық, жас);* 2) *ч>ш (чымчық//ққалп. шымшық);* 3) *нл>лл (қатыллар//ққалп. қатынлар);* 4) баъзи сўзлар ўзагида *-лал>-ғал* диссимиляцияси учрайди: *бағалар//ққалп. балалар*; 5) кўрсатиш олмошлари *шу, шол//ққалп. со, сол;* 6) *мен, сен* олмошлари жўналиш келишиги қўшимчасини олганда *маңа, саңа//ққалп. маған, саған;* 7) *тағыйна* боғловчиси мавжуд//ққалп. *тағы;* 8) феълнинг бўлишсизлик формаси ва сўроқ юкламаси *-ма//-ме//ққалп. -ма//-ме, -ба//-бе, -па//-пе*; 9) қариндошлик терминларида специфик хусусиятлар бор: *қәле//хәлә//ққалп.* дайы апа (хола), *әммә//ққалп. әжапа* (амма), *ата* (ота) ққалп. *ата* (бобо). Д. С. Носиров булардан бошқа хусусиятлар қорақалпоқ тилига ўхшайди деб ҳисоблайди.

Д. С. Носиров томонидан келтирилган фактларнинг барчаси қўнғирот шевасида мавжуд. Бу ўринда фақат бир нарсага аниқлик киритмоқ зарур.

ҚҚАССРдаги барча қипчоқ шеваларига хос хусусиятлардан бири ўзбек адабий тилидаги *болалар//ққалп.*, нўғой, қозоқ. *балалар* сўзининг *бағалар//бағала* тарзида талаффуз этилишидир.

Бағалар формасининг вужудга келиши ҳақида қуйидагича фикрлар бор:

1. Е. Д. Поливанов *болалар* сўзининг *бағалар* тарзида талаффуз қилинишини диссимиляция ҳодисаси (*-лал->-ғал-*) деб қарайди[37]. (Д. С. Носиров ўз ишида мана шу фактни қайд этган). Биз «Манғит шевасидаги ассимиляция ва диссимиляция ҳодисалари» (ЎзТАМ, 1959, № 3, 53-бет) номли мақоламизда бу фикрга қўшилмаган эдик.

2. Ф. А. Абдуллаев фикрича, *болалар* сўзидаги ўзакдан *л* ундоши тушган, чўзиқлик ҳам, икки унлининг қатор келиши ҳам қипчоқ шеваларига хос эмас, шунга кўра ўзакдаги *а—ә* унлилари ўр-

---

[35] К. Л. Задыхина. Кўрсатилган асар, стр. 33.

[36] Д. С. Насыров. Кўрсатилган мақола, стр. 68—69; Ўша автор. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система, АДД., Нукус, 1975, стр. 39.

[37] Е. Д. Поливанов. Некоторые фонетические особенности каракалпакского языка, стр. 17.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасида аввал бир нафас товушн *ҳ* пайдо бўлиб, сўнг у жаранглашган: *балалар>баалар>баҳалар>бағалар* бўлган[38].

3. А. Ғ. Ғуломовнинг кўрсатишича, *бола* сўзининг кўплик *(-лар)* қўшимчаси олгандаги *бағалар* формаси ҳам «... одатдаги кабидир, бироқ фарқ шундаки, бу ўринда у *бола* сўзининг монголча формасига қўшилади (*бағалар* — болалар)»[39].

Бизнингча, б а ғ а л а р ҳақидаги бир-бирига зид бўлган юқоридаги фикрлардан, фақат А. Ғ. Ғуломовнинг фикри тўғрндир. Фактларга мурожаат қилайлик:

1. Ўзбек адабий тилида *бола*//ўзбек шеваларида: *бɔлə, бала, ба : ла, балɔ*//туркий тилларда: *бала, пала...*//санскрит. *bala.* Бу сўз кўплик қўшимчаси олганда ўзбек адабий тилида: *болалар*//ўзбек шеваларида: *баллар, ба : ллар, бɔллə, балдар, бағалар* тарзида бўлади. Қиёсланг: уйғур. *балилар*//туркм. *балалар, чагалар*//қирғиз. *балдар*//олтой., шор... *палдар*//татар. *балалар...*

2. Монгол, бурят-монгол тилларида кичик, кичкина, ёш гўдак, митти, кичкинтой бола маъноларида *бага* (баға) — кўплиги *багад* сўзи қўлланади (МРС, 53; БМРС, 78—79) Қиёсланг: сариқ уйғур. *пага;* қолмиқ. *багъ;* дунсян. *га*[40].

3. Тунгус-манжур тилларида, масалан, эвенкийлар тилининг Подкамен-тунгус диалектида *ба* — кичик бола; ўша тилнинг Сим ва Баргузин диалектларида *ха* — қариндош, қон-қариндаш[41]; удэгей. *ха* — туғишган ака, опа; РСл (П, 1657) *ха* (Сой.) ака.

Демак, монголча *бага* сўзи асли *ба+га* бўлиб, кичик қариндош маъносидадир. *Болалар* сўзида ҳеч қандай *-лал->-ғал-* диссимиляцияси бўлмаган, *-лар* аффикси монголча *бага* (баға) сўзи*га* қўшилган ва бу сўз б а ғ а л а р тарзида Хоразм области ва ҚҚАССРдаги қипчоқ шеваларида сақланиб қолган.

II. ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари билан қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тиллари ўртасидаги фонетик ва морфологик ўхшашлик ва ноўхшашликлар фақат юқорида қайд этилганлардан иборат эмас, улар жуда ҳам кўп. Масалан, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларида ва текширилаётган шеваларда эгалик категорияси аффикслари қарийб бир хил кўринишга эга:

-м, -ым//-им	*-мыз//-миз, -ымиз//-имиз*
-ң, -ың//-иң	*-ңыз//-низ, -ыңыз//-иңиз*
-сы//-си, -ы//-и	*-сы//-си, -ы//-и*

Бу тиллар ва шеваларда ўзбек адабий тилидаги ҳурмат фор-

[38] Ф. А. А б д у л л а е в. Узбек тилининг Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961, 146-бет.

[39] А. Ғ. Ғ у л о м о в. Ўзбек тилида кўплик категорияси, Тошкент, Ўздавнашр, 1944, 12-бет.

[40] Б. Х. Т о д а е в а. Дунсянский язык, М., Изд-во Восточной л-ры, 1961, стр. 114.

[41] Эвенкийско-русский словарь, М., Гос. Изд-во иностранных и национальных словарей, 1958, стр. 591.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маси билан алоқадор *-нглар, -лариng, -лари* аффикслари қўлланмайди.

Шунингдек, келишик аффикслари нинг кўрсаткичлари ҳам деярлп бир хил. Қиёсланг:

Ққўзб. (қипчоқ):
Қар. к. *-ниң//-ның, -диң//-дың, -тиң//-тың* (-нинг)
Туш. к. *-ни//-ны, -ди//-ды, -ти//-ты, -н(ни)*
Жўн. к. *-гә//-га, -кә//-қа, -на//-нә, -а//-ә* (*-га; -қа, -ка*).
Ўр. п. к. *-дә//-да, -ндә//-нда, -тә//-та* (*-да*)
Чиқ. к. *-дән//-дан, -тән//-тан, -нән//-нан, -н-нән//-н-нан* (*-дан*).

Ққалп., нўғой, қозоқ (фонетик фарқлар мустасно):
Қар. к. *-ниң//-ның, -диң//-дың, -тиң//-тың*
Туш. к. *-ни//-ны, -ди//-ды, -ти, -ты, -н.*
Жўн. к. *-ге//-ға, -ке//-қа, -не//-на, -е//-а.*
Ўр. п. к. *-де//-да, -нде//-нда, -те//-та.*
Чиқ. к. *-ден//-дан, -нен//-нан, -н-нен//-н-нан, -тен//-тан.*

Қозоқ тилида биргалик келишиги (*-мен//-бен//-пен*, баъзан *-менен//-бенен//-пенен*) мавжуд, лекин нўғой, қорақалпоқ ҳамда ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида (шунингдек, ўзбек адабий тилида ҳам) бу келишик деб ҳисобланмайди.

Айрим сонлар фонетик фарқларга эга. Ққўзб.: *үч, беш, сәккиз, алтмыш, миң//ққалп.*, нўғой., қозоқ.: *Үш, бес, сегис, алпыс, мың.*

Қ. қўзб. йл. *йетти, йигирмә, йетмиш*
Қозоқ. *жеті, жиырма, жетпіс*
Нўғой. *ети, йырма, етпис*
Ққалп. *жети, жигирма, жетпис*

Қозоқ тилидаги *немене* (нима), *дәнеме* (ҳеч нима), *осы* (шу) сингари олмошлар ҳамда *кҮтә, аса, оғада* (жуда), *орасан* (жуда ҳам), *нақ, дәл* (худди, айнан) каби равишлар текширилаётган шеваларда ишлатилмайди.

Қозоқ, қорақалпоқ тилларидаги *бара жатыр, келе жатыр,* нўғой тилидаги *бара-ятыр, келе-ятыр* сингари ҳозирги замон феъллари ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида *баратыр//ба : тыр, келатыр//кийатыр...* тарзидадир.

Келаси замон феълининг қорақалпоқ тилидаги *-ажақ//-ежак*, нўғой тилидаги *-аяқ//-еек*, ққўзб. *-аджақ//-джақ, -әджәк, -чақ...* қозоқ тилида учрамайди ва б.

III. 1. Ўзбек адабий тилида ва ўзбек тили шеваларида ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларида *бала* (бола), *ай* (ой), *орын* (ўрин), *алты* (олти), *ойна-* (ўйна), *ал- (ол-), көп* (*кўп*), *тил, мен, сен* сингари умумтуркий лексик қатламга оид минглаб сўзлар бор. Мазкур тиллардаги сўзларнинг кўпчилиги эса айрим фонетик фарқларга эга: *баш* (бош) — *бас, пычақ* (пичоқ) — *пышақ, ач* (оч) — *аш;* ўзб. ад. *мушук*//ққўзб., ққалп.: *пышық*//қозоқ., нўғой.: *мысық;* ўзб. ад.: *ер, юрак, йўлдош, яра, йиртиқ, илон, йилқи*// нўғой.: *ер, юрек, йолдас, яра, йыртық, йылан, йылқы*//ққ. ўзб.: йл. *йер, йүрәк, йолдаш, йара, йыртық, йылан, йылқы*//қозоқ., ққалп.: *жер, жүрек, жолдас, жара, жыртық, жылан, жылқы.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Шу факт характерлики, қозоқ ва ўзбек адабий тилларидаги бир қатор лексик параллеллар ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида бошқача кўринишга эга. Қиёсланг:

Ққўзб. йл.	Қозоқ.	Ўзб. ад.	Ққўзб. йл.	Қозоқ.	Ўзб. ад.
йаргы	ара	арра	кәрбич...	қыш	ғишт
ашкәди	асқабақ	ошқовоқ	джоррап	байпақ	пайпоқ
зәңги	саты	шоти	гәччи	ешкі	эчки
гәшир	сәбіз	сабзи	зорға	әрең	аранг
сҮйлин	қырғауыл	қирғовул	иркилмәк	аялдау	ҳаялламоқ
чөкич	балға	болға	йап	арық	ариқ
нәл	тағa	тақа	қумалақ	қи	қий
ғоччақ	сабаз	шоввоз	қуйашлама	кҮнгей	кунгай
гәзән-	оқтал-	ўқтал-	хатыллар	қатын-қалаш	хотин-халаж

Шунингдек, *мешкей* (мечкай), *куп* (хўп), *қулақшын* (қулоқчин), *қолаңса* (қўланса), *қашаған* (қочағон), *қынап* (ғилоф), *ожар* (ўжар), *үңгір* (унгур), *қария* сингари сўзлар ҳам текширилаётган шеваларда бошқача шаклларда қўлланади.

3. Бу каби ҳолат ўзбек адабий тили билан қозоқ тилининг диалект ва шевалари ўртасида ҳам мавжуд: *лаббай* (лəппай, 228)[42], *норин* (нарын, 252), *танҳо* (тәнҳа, 324), *тоға* (тағa, 312), *кеннюйъ* (кеннаі — келин ойи, 153), *улфат* (үлпәт, 361), *патир* (пәтир, 270), *пиёла* (иияла, 272), *лаган* (леген, 228), *зах* (зәк, 36), *қўшиқ* (қошық, 209), *ашула* (37), *атала* (33), *дазмол* (дезмал, 87), *жуволдиз* (жуалдыз, 128), *бас* (бәс, 60), *дўппи* (топы, 336), *замбил* (зәмбіл, 136), *қанор* (қанар, 189), *белкурак* (белкүрек, 64), *жуда* (жудә//жуда//жүде, 130), *лунги* (лөңгі, 229), *бир пас* (бірпәс, 78)[43].

Яна қиёсланг: *сағир* (сағыр, 278), *сарпо* (сарпай, 286), *оташкурак* (әтешкүр, 46), *ботмон* (батпан, 58), *аспак* (еспек, 102), *жувоз* (жуаз, 128), *кавак* (кәуәк, 147), *капғир* (кепкір, 153), *ғўзапоя* (қозапая, 203), *похол* (пағал, 266), *ҳужра* (өжірі, 263), *мушт* (муш, 246), *шавла* (шәуле, 389), *чертак* (шертек, 394), *шолча* (чалша, 366), *чориқ* (чарық, 367), *чайла* (шәйлә, 388) ва б.

Ўзбек адабий тили билан қозоқ тили ва шевалари ўртасидаги бу хил лексик параллелларнинг мавжуд бўлиши қозоқларнинг ҳам-

[42] *Қаранг:* Қазақ тілінің диалектологиялық сөздігі, Алматы, «Ғылым», 1969, Қавс ичида ўша луғатнинг бети кўрсатилди.

[43] Бу хил лексик параллеллар жуда кўп бўлиб, улар фақат ЎзССР, ҚҚАССР, ТуркмССР ёки ҚозССРнинг Чимкент областидаги қозоқлар нутқидагина эмас, балки Олмаота, Қизилўрда, Жамбул, Оқтўба, Кустанай, Гурьев ва бошқа областларда истиқомат қилаётган қозоқлар тилида ҳам учрайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

да ўзбек тили қорлуқ, қипчоқ лаҳжаси вакилларининг маълум бир тарихий даврларда сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан яқин муносабатда бўлганликлари билан изоҳланади.

4. Қозоқ ва ўзбек адабий тилларида учрамайдиган, бироқ ҚҚАССРдаги (умуман Хоразмдаги) ўзбек шеваларида ва қорақалпоқ тилида ҳамда қозоқ тилининг бир қанча шеваларида қўлланадиган хилма-хил ва ниҳоятда кўп лексик параллеллар мавжуд:

а) Фонетик ўзгаришсиз қўлланадиган сўзлар: *ақтық* (невара, 20), *әк* (оҳак, 41), *батбат* (қумга ботиб кетадиган кпчик калтакесак, 57), *дайы* (тоға, 81), *кәт* (кровать, 147), *қарабура* (сув оқимини тўхтатиш учун қўлланадиган тўсиқ), *қарық* (жўяк, 196), м ә п (наф, 236), *салма* (ариқча, 181), *атыз* (пайкал, 34), *далан* (йўлак, 82), *патырат* (жанжал, тартнбсизлик, 267), *қапы* (эшик, 191), *раш//ыраш* (ариқнинг икки ён четидаги тупроқ уюми, 276), *мут* (текин, 246) ва бошқалар.

б) Фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган сўзлар. Қиёсланг: Ққ. ўзб. — қозоқ шевалари: *бөрәк* (чучвара) — *бөрек* (71), *дайав* (бақувват) — *даяу* (84), *дәгиш* (дарё қирғоғининг ўпирилиб тушиши) — *дегіш* (87), *ҳава//ава* (ҳа) — *ауа* (35), *пайапыл* (кўприкча) — *баяпыл* (59), *дәрис* (гўнг) — *деріс* (89), *тумчә* (чойдиш) — *дүмше* (94), *дигирчәк* (ғилдирак) — *дігірішік* (95), *зағама* (кепчик) — *зағыма* (134), *джигилдәк* (майда жийда) — *жігірдек* (133), *ийджан* (овқат номп) — *ижан* (140), *күндә* (омоч) — *күнде* (174), *күртә* (кийим номи), — *күрте* (176), *сүлгі* (сочиқ) — *сүлгі* (302), *сықман* (овқат номи) — *сықпан* (306), *сипсә* (супурги) — *сіпсе* (310), *шәңгил* (кружка) — *шәңгіл* (388), *чәгә* (қум) — *шеге* (389), *чолпы* (човли) — *шолпы* (397), *чөгирмә* (қўй терисидан тикилган телпак) — *шөгерме* (399), *чиңгирик* (жўхорипоя) — *шіңгірік* (410), *биджәнә//мүджәнә*... (данак, мағиз) — *мөжене* (243), *отырышма* (зиёфат) — *отырыспа* (263)... ва б.

5. ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида, шунингдек қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларида бир хил (ўхшаш) бўлган айрим сўзлар ўзбек адабий тилида бошқача кўринишга эга: *бал* (асал), *мурт* (мўйлов), *нық* (маҳкам), *өтирик* (ёлғон), *сәң—сең* (муз), *тақыйа — тақыя* (дўппи), *сәрмә- — серме-* (ўқтал-);

Ққўзб.: *бавыр* (жигар), *ғопта* (қутича), *қарувлы* (кучли), *чийә* (олча, гилос), *зил* (оғир) ∾ қозоқ.: *бауыр, қобди, қарулы, шие,* з і л//нўғой.: *бавыр, қобда, қарувлы, шие, зил//ққалп.: бауыр, қобдый, қаруўлы, шийе, зил.*

Яна қиёсланг: Ққ.ўзб.: *әдән* (пойгоҳ, *пол*), *кәсир* (зиён), *гәззик* (навбат), *гәйдә* (гоҳа), *ул* (ўғил) ∾ қозоқ.,—ққалп.: *еден, кесір — кесир, кезек—гезек, кейде—гейде, ул.* Шунингдек, *дара* (алоҳида), *бағана* (боя), *тамақ* (овқат), *сырмақ* (фуфайка), *сырық* (хода) ва б.

6. ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида ва қозоқ тилида мавжуд бўлган (ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган) айрим сўзлар маъно жиҳатдан фарқланади. Қиёсланг: Ққ. ўзб. — қозоқ.: *ақтық* (невара) — *ақтық* (охирги), *чечә* (янга) — *шеше* (она), *паң* (эси

www.ziyouz.com kutubxonasi

паст) — *паң* (такаббур), *қарындаш* (қариндош) — *қарындас* (сингил...), *томпақ* (пакана) — *томпақ* (лўппи...), *чымылдық* (пашшахона) — *шымылдық* (парда), *ырай* (хохиш, истак) — *рай* (аҳвол, ҳолат), *вөткәл* (битта ёғоч ёки тахта ташланган кўприкча) — *өткел* (кечув), *арна* (канал) — *арна* (ўзан) ва б.

7. Нўғой тилида татар, бошқирд тилларидаги баъзи сўзлар билан ўхшаш бўлган, бироқ қозоқ, қорақалпоқ ҳамда ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида қўлланмайдиган анчагина сўзлар мавжуд: *бек* (жуда), *дүги* (гуруч), *сабан* (омоч), *сенек* (паншаха), *савыт* (идиш), *мамық* (пахта), *азбар* (оғил), *билев* (қайроқ), *йигерли* (ишчан) ва б.

8. Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида ва қорақалпоқ тилида (шунингдек Хоразм-ўғуз лаҳжаси ҳамда туркман тилида) мавжуд бўлган жуда кўп сўзлар қозоқ, нўғой адабий тилларида (ўзбек адабий тилида ҳам) деярли учрамайди: Қиёсланг.: Ққ. ўзб. — ққалп.: *дәгишмә* (ҳазил), — *дегишпе, күррә* (хўтик), — *гүррә, йап//джап* (ариқ) — *жап, гүджүм* (қайрағоч) — *гужум, мөлтәк* (томорқа) — *мөлдек, ғав* (яхши) — *ғаў, изий* (зах) — *изей, замырық* (қўзиқорин) — *замаррық, кәпчә* (кичик белкурак) — *кепше*, шунингдек п а й ғ а з ы (совға), *зәңги* (нарвон), *дүкәрт* (кичик қайчи), *салма* (ариқча), *патас* (ифлос) — *пәтик* (шип), *дасмал* (қозон-товоқ сочиғи), *қайым* (қулай) ва б.

9. Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларига нисбатан қорақалпоқ, айниқса нўғой тилида рус тилидан ўзлашган сўзлар кўпроқдир. Қиёсланг.: Ққ. ўзб. — ққалп.: *тәңкийт* — критика, *буйрық* — приказ, *тәрджимә* — перевод, *ыттыпақ* — союз, *майдан* — площадь, *тилхат—расписка, рәйис//ирйис — председатель, ырақам — цифр, малыйа* — финанс, *тәртийп* — дисциплина, *ыйдара* — канцелярия, *кеңсе;* шунингдек, ққалп., нўғой.: закон, запас, расход, заговорщик — заговоршы, забастовка ва б.

Қ и с қ а ч а х у л о с а л а р: 1. ҚҚАССРдаги, умуман, Хоразмдаги ўзбеклар ҳамда қорақалпоқ, қозоқ, нўғой халқлари составида қипчоқ, қўнғирот, қангли, уйшун, қитай сингари йирик туркий қабилаларнинг бўлиши ва мазкур халқларнинг аждодлари Дашти Қипчоқда, Амударё, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги, Орол бўйларидаги ерларда биргаликда ҳаёт кечирганликлари уларнинг тилларида ҳам ўз изини қолдирган.

2. Хоразм шеваларида ва қорақалпоқ тилида (туркман тилида ҳам), шунингдек кўпгина қозоқ шеваларида жуда кўп лексик параллелларнинг мавжуд бўлиши бу халқларнинг ўтмишида Хоразм-Орол-Сирдарё лингвистик ареали мавжуд бўлган дейишга имкон беради.

2. Е. Д. Поливановнинг Шимолий Хоразм шевалари «қозоқлашган»дир деган фикрини лингвистик фактлар тасдиқламайди. Қозоқ тили билан Шимолий Хоразм шевалари ўртасидаги ўхшаш лингвистик фактлар, умуман туркий тиллардаги бир-бирига ўхшашлик бир тилнинг бошқа тилга таъсири билан эмас, балки

www.ziyouz.com kutubxonasi

С. Е. Малов кўрсатганидек[44], тилларнинг оддий ўхшашлиги, бир типлиги, бир системалиги билан изоҳланади.

3. Сўз бошида *й* ёки *дж* ундошининг ишлатилишига кўра ҚҚАССРдаги *й*-ловчи ўзбек шевалари нўғой тили ва унинг қора нўғой диалектига, *дж*-ловчи шевалари эса соф нўғой диалектига яқин туради.

4. Қорақалпоғистондаги ўзбек (қипчоқ) шевалари ўз лингвистик хусусиятлари жиҳатдан қорақалпоқ тилининг шимолий-шарқий (ёки шимолий) диалектига нисбатан жануби-ғарбий (ёки жанубий) диалектига яқиндир.

5. ҚҚАССРдаги *й*-ловчи ўзбек шевалари қозоқ тилидан фарқ қиладиган жуда кўп лингвистик белгиларга эга. Шунга кўра, бу шевалар қозоқ тилига (умуман, қипчоқ-нўғой подгруппасидаги тилларга) нисбатан татар тилига (қипчоқ-булғар подгруппасидаги тилларга) яқинроқдир.

ҚҚАССР ДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ТАТАР, БОШҚИРД ТИЛЛАРИ ВА ШЕВАЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари (хусусан, қипчоқ тип шевалари) билан бошқирд, татар тиллари ва шевалари ўртасида анчагина фонетик, морфологик ва айниқса лексик ўхшашликлар мавжуд. Бундай бўлиши табиий, чунки, татар, бошқирд тиллари ҳам, ҚҚАССРдаги ўзбекларнинг қипчоқ шевалари ҳам туркий тилларнинг қипчоқ группасига тааллуқли.

1. Татар ва бошқирд халқлари билан Хоразм воҳасидаги халқларнинг тарихий-этник алоқалари жуда қадим замонлардан бошланган.

Таниқли бошқирд этнографи Р. Г. Кузеевнинг кўрсатишича[45], бошқирд халқининг тарихий шаклланиш жараёни Сирдарё ва Орол денгизи атрофларида бошланган бўлиб, қадимги бошқирд қабилалари группаси худди шу ерларда, печенег қабилалари орасида ташкил топган. Бошқирдларнинг йирик қабилаларидан бири буржанлар VI асрдаёқ Амударё бўйларида (ҳозирги Хива районида) Хосрав I Анушировн (531—579 й.)га қарши ҳарбий юришларда иштирок қилганлар. VII—VIII асрларда ҳам бажгард ва буржанлар Орол атрофида, Сирдарё, Амударё бўйларида кўчиб юрганлар. Ўша пайтларда (умуман, IV—VIII асрларда) Амударёга қуйиладиган Кофарниҳон ва Ваҳш дарёлари оралиғида, Шуман ҳамда Хутталян вилоятлари ўртасида Вашгирд вилояти бўлган. Манбалардан Шуман вилоятининг ҳокими туркий халқлар-

[44] С. Е. Малов. Каракалпакский язык и его изучение, сб. «Каракалпакия», т. II, Л., Изд-во АН СССР, 1934, стр. 205.

[45] Р. Г. Кузеев. Происхождение башкирского народа (этнический состав, история расселения), М., 1974, стр. 134, 426, 507.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан эканлиги, Вашгирд вилоятининг маркази эса Вашгирд (Файзиобод яқинида) бўлганлиги маълум[46].

Фикримизча, бу ўринда *Вашгирд,* шубҳасиз, *бошқирд (бажгард, бажгурд...)* номи билан алоқадор: *бажгурд>Вашгирд.*

Шу факт ҳам жуда характерлики, жануби-шарқий бошқирдлар ва еттита қабилани ўз ичига олган энг йирик ай (айли) группа бошқирдлари VII—IX асрларда Сирдарё ва Орол атрофидаги даштларда, печенег-ўғуз-қипчоқ қабилалари орасида ташкил топган. Шу туфайли ҳам айли бошқирдларининг уруғ-қабила этнонимларида *ўзбек, сарт, бухар, қорақалпоқ, қизилбош, туркман* номлари мавжуд[47]. Ай (ой) бошқирдларининг ўзи эса, эҳтимол, Шимолий Хоразмдаги ўзбек уруғларидан бири бўлган *қəмəр — ой* (русча луна) номи билан алоқадордир. Бошқирдларнинг *қыпсақ, қаңлы, қатай, тамъян, бишул, миң* (манғыт), *таз* каби қабилалари ҳамда бошқирд халқининг иккинчи номи бўлган *эштек* (иштяк) Қорақалпоғистондаги ўзбекларнинг уруғ-қабила номлари орасида учрайди.

Шу факт ҳам эътиборга сазоворки, Амударё районидаги манғитлик кексалардан баъзилари биз билан суҳбатда *«тийрəмиз Ағадил, оналты көчə маңғытмыз», «Маңғыт əсилдə ədилджайық деген джайдан кегəн»*, — дедилар. Бу ўринда *Ағадил* — Оқ эдил// татар. *Агыйдел//*бошқирд. *Ағи-ел* (Бөлая); *Ədилджайық — Ədил// Идел* (Волга); Джайық — Яик (Урал) дарёлари эканлигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Умуман, бошқирдларнинг бир қанча уруғ-қабила номлари Қорақалпоғистондаги (шунингдек, Хоразмдаги) ўзбекларнинг уруғ-қабила номларига (айрим ҳолларда уруғ-қабила номларига оид топонимларга) ўхшашдир. Қиёсланг (мисолларнинг биринчи ўриндагиси ҚҚАССРдаги ўзбекларга, иккинчиси бошқирдларга оид)[48].

1 — 2	1 — 2
Қыпчақ — Қыпсақ	Хытай//Қытай — Қатай
Қаңлы — Қаңлы	Қармыш — Қармыш
Балғалы — Балға	Ырғақлы — Ирэкте
Найман — Найман	Таз — Таз
Барын — Барын	Тама — Тамйан
Уйшун — Уйшун	Түйəчи — Дөя
Сарылар — Сарʏы//hары	Көлчи — Куль
Эштики — Иштяк//Эштек	Қырқ там — Қырқ өйлө
Кəрəйит — Гəрə...	Маңғыт — Миң (мингат)

[46] В. Г. Гафуров. Таджики (древнейшая, древняя и средневековая история), М., 1972, стр. 216, 226, 307; яна 328 бетдан кейин берилган «Средняя Азия в VII—VIII вв.» картасига қаранг.

[47] Р. Г. Кузеев. Кўрсатилган асар, 200-бет.

[48] Бошқирдларнинг уруғ-қабила номлари Р. Г. Кузеевнинг юқорида кўрсатилган асаридан (188, 290, 313, 368, 466, 468-бетлардаги жадваллардан) олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1 — 2	1 — 2
Бешувлан — Бешул	Қәмәр (Ой) — Ай, Айлы
Қушчы — Қошсо	Сарт — hарт
Тоғыз — Туғыз	Қара қыпчак — Қара қыпсақ

Бу ўринда келтирилган қиёслардан *Қаңлы, Найман, Барын, Қармыш* сингари кўпчилик уруғ-қабила номларининг ҳеч қандай ўзгаришсиз, *Эштики — Эштек, Түйәчи — Дөя* сингари этнонимларнинг эса айрим фонетик-морфологик фарқлар билангина учраши яққол кўриниб турибди. *Тама — Тамъян, Маңғыт—Миң, Кәрәйит — Гәрә* номлари кучли фонетик ўзгаришлар билан учраса-да, улар ҳам аслида этимологик жиҳатдан бир-бирларига мос келади[49].

Ҳозирги пайтда татарларда бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек халқларидаги сингари уруғ-қабила номлари йўқ. Татарлар СССРнинг, умуман Европа ва Осиёнинг жуда кўп жойларига тарқалган бўлиб, улар одатда Астрахань татарлари, Урал татарлари, Ишим татарлари каби жой номлари билан аталади.

Совет Иттифоқидаги татарлар тил жиҳатдан, аввало, Волгабўйи ва Сибирь татарлари деб иккита йирик гуруҳга ажралади[50]. Волгабўйи татарлари мишарлар, тептарлар ва Қозон татарларидан (буларнинг ҳар бири яна бир қанча майда гуруҳчалардан); Сибирь татарлари эса Тоболь, Тавриз, Тар, Тюмень, Томск, «Бараба», «Қозонлик» ва «Бухорлик» татарлари группаларидан иборат.

Маълум даврларда, баъзи бир тарихий сабабларга кўра, татарларнинг бир қисми ўзбеклар орасида, айрим ўзбек гуруҳлари эса татарлар орасида яшаганлар ва, ҳатто, ўтроқлашиб қолганлар. Масалан, Хива хонлигида Россиядан келган кўпгина татарлар, бошқирдлар, тептар ва мишарлар бўлганлиги маълум[51].

XVI—XVII асрларда эса маълум сиёсий-иқтисодий сабаблар туфайли Хоразм воҳасидаги (шу жумладан ҳозирги ҚҚАССР территориясидаги), шунингдек Бухоро, Тошкент ҳамда Фаргона водийсидаги ўзбекларнинг бир қисми Сибирга бориб, Тюмень областининг Тоболь, Тюмень, Дубровно, Байкалово, Вагай, Ялутор; Омск областининг Тар, Тавриз каби районларида (Сибирь татарлари орасида) ўтроқлашиб қолган[52]. Улар узоқ вақтларгача ўз она тилини (ўзбек тилининг ўзлари мансуб бўлган шеваларини) сақлаганлар (бу шеваларга оид айрим лингвистик фактлар ҳозир-

[49] Р. Г. Кузеев. Кўрсатилган асар, 165, 307, 466-бетлар; Ахмад Ишаев. Мангит сўзининг этимологияси ҳақида. ЎзТАМ, № 2. 1958, 63—65-бетлар.

[50] Ф. С. Фасеев. Краткий грамматический справочник татарского языка, Татарско-русский словарь. М., 1966, стр. 811.

[51] История Каракалпакской АССР, т. I, Ташкент, 1974, стр. 135.

[52] Сибирда ўтроқлашиб қолган ўзбеклар тарихи Ҳ. Зияев томонидан батафсил ёритилган. *Қаранг:* Ҳ. Зияев. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI—XIX асрлар), Тошкент, 1962; Ўзбек халқи составига кирган уруғ-қабилалардан кўпчилиги қадимдан бу территорияда кўчиб юрган. *Қаранг:* Дашти қипчоқ ўзбеклари, ЎзСЭ, № 3, Тошкент, 1972, 577-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги кунда ҳам мавжуд). Бироқ кейинчалик «асрлар давомида татарлар билан ёнма-ён яшаш туфайли улар аста-секин ўз қабилавий хусусиятларини йўқотганлар ва ўз она тили бўлган ўзбек лаҳжасини тамомила унутганлар»[53]. Натижада, этник компонент сифатида, Ғарбий Сибирь татарлари составига қўшилиб кетганлар. Шу сабабли ҳам улар расмий ҳужжатларда ўзларини татар деб юритадилар[54], ўз она тилини маҳаллий тил, татар тилини эса адабий тил деб ҳисоблайдилар.

Б. Османалиева ўзининг бир мақоласида[55] Сибирдаги ўзбеклар тилини «Ўзбек тилининг Бухоро диалекти» деб ҳисоблайди. Бироқ Сибирда ўзбек тилининг «Бухоро диалекти» йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. «Сибирдаги бухороликлар» деган тушунча умумий бўлиб, унинг таркибига Ўрта Осиёдан Сибирга бориб қолган турли хил миллат вакиллари кирган ва, шубҳасиз, булар орасида хилма-хил шеваларда сўзлашувчи ўзбеклар кўпчиликни ташкил этган. Умуман, Сибирда ўзбек тилининг «Бухоро диалекти» ҳам, «сибирлик ўзбеклар шеваси» ҳам йўқ, фақат Ғарбий Сибирдаги татарлар диалектида ўзбек тили элементлари бор, холос (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

Ҳозирги пайтда (1970 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якуни бўйича) Ўрта Осиёда бошқирд миллатига мансуб 31,5 минг аҳоли бўлиб, улардан 21 минги Ўзбекистон ССРда (шу жумладан, Қорақалпоғистон АССРда ҳам) яшайди.

Юқорида кўрсатилган аҳоли рўйхати бўйича Ўрта Осиё республикаларида яшаётган татарларнинг сони 750 мингдан ортиқроқ бўлиб, улардан 574 минги ёки 76,4 проценти Ўзбекистондадир. ҚҚАССРда 7622 киши, Хоразм областида эса 7167 киши татар миллатига мансуб.

Шу факт характерлики, Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи татарлардан 6927 киши ўзбек тилини ўз она тилиси деб ҳисоблайди[56].

II. Ўзбеклар билан татар, бошқирд халқлари ўртасидаги юқорида қайд этилган турли хил алоқалар (хусусан, тарихий-этник алоқалар) уларнинг тили ва хилма-хил шевалари ўртасида лингвистик ўхшашликларнинг мавжуд бўлишига сабаб бўлган.

Биз қуйида Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари билан татар, бошқирд тиллари ва шеваларидаги муҳим фонетик, морфологик, лексик ўхшашликлардан айримларини кўрсатиб ўтамиз[57].

---

[53] Бу ҳақда қаранг: Г. А. Ахатов. Диалект западносибирских татар, Уфа, 1963, стр. 23; Д. Г. Тумашева. Язык сибирских татар, ч. II, Изд-во Казанского университета, 1968, стр. 12—13.

[54] Ҳ. Зияев. Кўрсатилган асар, 318—319-бетлар.

[55] Б. Османалиева. Иранские элементы в тюркских языках, Сб. «Источники формирования тюркских языков Средней Азии и Южной Сибири», Фрунзе, 1966, стр. 278.

[56] Х. С. Салимов. Население Средней Азии, Ташкент, 1975, стр. 100, 104; И. Р. Муллажанов. Ўзбекистон аҳолиси, Тошкент, 1974, 53—56-бетлар.

[57] Татар, бошқирд тиллари ва шеваларига оид мисоллар қуйидаги асарлардан олинди: Татарско-русский словарь, М., 1966; Современный татарский

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фонетик ўхшашликлар. ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида ва ҳозирги татар, бошқирд тилларида қеч қандай фонетик ўзгаришсиз қўлланпладиган анчагина сўзлар бор: *бал* (асал), *маймыл* (маймун), *арба* (арава), *ары* (нари), *тап* (доғ), *тап* (худди), *ул* (ўғил), *әллә* (ё, ёки), *қалай* (қандай) ва б.

Қипчоқ группасидаги тилларга хос тубандаги сингари ундош товушларнинг ўтиши мавжуд: **ғ>в** — **сығыр*>Ққ. ўзб. *сыйыр*// татар. *сыер*//бошқирд. *һыйыр; *бағла*>Ққ. ўзб.: *байла*//татар., бошқирд. *бәйлә; *бағыр*>татар. *бауыр*//бошқирд. *бәүыр;* **г>й** — **тег*>Ққ. ўзб., татар. *тий-*//бошқирд. *тей- *түгүн*>Ққ. ўзб. *түйүн*//татар. *төен*//бошқирд. *төйөн.* Шунингдек, **п>б, қ>ғ, қ>х, к>г** ва б.

Айрим сўзлар охирида *қ, к* ундошларн туширилиб талаффуз этилади. Қиёсланг:

Девон.	Ўзбек.	Ққўзб.	Татар.	Бошқирд.
ачїғ	аччиқ	аччы	ачы әче	әсе
ісік	иссиқ	ыссы	эсси	эҫе
қатїғ	қаттиқ	қатты	қаты	қаты
тарїғ	тариқ	тары	тары	тары
эллик	эллик	элли	илле	илле
сарїғ	сариғ	сары	сары	һары
қуруқ	қуруқ	қуры	коры	қоро

Татар тилидаги баъзи сўзларнинг биринчи бўғинида *и* унлиси билан қўлланган сўзлар биз ўрганган шеваларда ҳам, бошқирд тилида ҳам, татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектида ҳам *ә* унлиси билан ишлатилади. Ққ. ўзб., бошқирд., Ғарбий Сибирь диалекти: *кәмә* (кема), *кәрәк* (керак), *кәтмән* (кетмон), *кәм* (кам), *шәкәр* (шакар), *кәләп* (калава)∾татар. *кимә* (диал.), *кирәк, китмән ,ким, шикәр, киләп.*

Қуйидаги унлилар мослиги мавжуд: *о//у* — Ққ. ўзб. *бой* (бўй), *ойна-*(ўйна-), *оймақ* (ангишвона)∾татар, бошқирд.: *буй, уйна-, уймоқ;* **ө//ү** — Ққ. ўзб. *көл* (кўл), *өпкә* (ўпка), *көпир* (кўприк) ∾ татар., бошқирд.: *күл, үпкә, күпер.* **и//э—е** — Ққ. ўзб. *ким, тил, иш*//татар., бошқирд.: *кем, тел, эш;* **э—е//и** — Ққ. ўзб. *кели* (ўғир), *беш,* элли (эллик) ∾ татар., бошқирд.: *киле, биш, илле;* **э//и** —

литературный язык, М., 1969; Татар теленең диалектологик сүзлеге, Қазан, 1969; Д. Г. Тумашева. Көнбатыш Себер татарлары теле, Қазан, 1961; Г. Х. Ахатов. Диалект западносибирских татар, Уфа, 1963; С. М. Исхакова. Лексика сибирских татар, АКД, Ташкент, 1970; Башкирско-русский словарь, М., 1958; Башқорт һөйләштәренең һүзлеге, I—II, 1967, 1970; Н. Х. Ишбулатов. Диалекты и говоры башкирского языка (краткие очерки), Сб. «Вопросы башкирского языкознания», Уфа, 1972; Т. М. Гарипов. Башкирско-татарские языковые параллели, Сб. «Языковые контакты в Башкирии», Уфа, 1972.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ққ. ўзб. *гәшир* (сабзи), *кәндир* (кендир), *сәккиз* (саккиз) ∾ татар., бошқирд.: *кишер, киндер, сигез//һигез;* **ү//ө** — Ққ. ўзб.: *күл* (кул), *гүл* (гул), *йүрәк* (юрак) ∾ татар, бошқирд.: *көл, гөл, йөрәк.*

Айрим сўзлар бошида *җ (дж)* ундоши қўлланиши жиҳатдан татар адабий тили ўзбек тилининг *дж*-ловчи шеваларига ўхшаш. Қиёсланг: Ққ. ўзб. джл. — татар.: *джип* (ип) — *җеп, джетмиш* (етмиш) — *җитмеш, джыйылыш* (йиғилиш) — *җыелыш, джер* (ер) — *җир, джең* (енг) — *җиң.*

Татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектида *җ*-лашиш йўқ. Г. Ахатовнинг кўрсатишича[58], бу диалектда *б, д, ж, җ, з, ҳ* ундошлари қўлланмайди, улар ўрнига *п, т, ш, ч, ц, с* ундошлари ишлатилади. *Ц*-лашиш мазкур диалектнинг асосий фонетик хусусиятларидан бири. Масалан, Ққ. ўзб. — Ғарбий Сибирь диал.: *дигирчәк* (ғилдирак) — *тәгәрцәк, чаққан — цаққан, чочқа — цуцқа, қочқар — куцкар, чай—цай.* Яна қиёсланг: **п—ф:** *джуван* (жавоб) — *чауаф, йип* (ип) — *йөф, азап* (азоб) — *асаф* ва б.

Бошқирд тилида *җ (дж)* ундоши йўқ. Тарихан *ч, з* ундошлари ҳам бўлмаган. Бошқирд тилининг ўзига хос *ҫ, з, һ* ундошлари ўзбек шеваларида *ч, з, с* ундошларига мос келади. **ч—с:** *чалбар* (шим) — *салбар, чай — сәй, пычақ — бысақ;* **с—һ:** *сыйыр* (сиғир) — *ныйыр, сиңли — һең ле, сув — һыу;* **с—ҫ** *рас//ырас* (рост) — *раҫ, қысқа — қыҫқа, уста — оҫта;* **з—з:** *кийиз* (кигиз) — *кейез, қазы — қазы, зор—зур;* **дж-й:** *джүн—йөн, джан — йән, джәннәт—йәннәт, джама : т — йәмәғәт, джаллы* (жонли) — *йәнле* ва ш. к.

Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида ва бошқирд тилининг шарқий диалектида *-ып (-иб)* аффикси билан ясалган *алып* равишдоши *бар, кел, кет* сингари кўмакчи феъллар билан бирикканда *ап, әп, ә* тарзида қисқаришга учрайди: *апке — әкел* < алып кел, *апқайт* < *алып қайт, әппер* < алып бер//бошқирд (Ай-миас, Қизил шеваларида): *әпки — әкил* < алып кил, *апқайт* < алып қайт, *әпир* < алып бир.

Морфологик ўхшашликлар. ҚҚАССРдаги қипчоқ тип ўзбек шеваларида ҳамда татар ва бошқирд шеваларида ч и й ә (олча) ∾ татар. ч и я//бошқирд. с е й ә; т а қ ы й а//т а қ й а (дўппи) ∾ татар, бошқирд. т а қ ъ ы я; и й ә р (эгар) ∾ татар. и я р//бошқирд. э й ә р; ө л ә н (Бер. ўт—рус. трава) ∾ татар, бошқирд. Ү л ә н; б е л б а в (белбоғ) ∾ татар, бошқирд. *билбау* сингари отлар; *ақсав* (оқимтир) ∾ татар. *аксау*//бошқирд. *ақһыу; бийик* (баланд) ∾ татар. *биек*//бошқирд. *бейек; үлкән* (катта, улкан) ∾ татар., бошқирд. *өлкән* каби сифатлар ҳамда *әрле-берли* (нари-бери) ∾ татар., бошқирд. *әрле-бирле; бөтән* (бошқа, ўзга) ∾ татар. бошқирд. *бүтән; тек* (фақат) ∾ татар., бошқирд. *тик; тағы* (тағин), *менән* (билан) шаклидаги бошқа сўз туркумларига оид сўзлар кўплаб учрайди.

Бу тиллар ва шеваларда олтита (*-ның, -ны, -ға, -дан, -да* фонетик вариантлари билан) келишик бор. Татар тилида ва Қорақал-

---

[58] Г. Х. А х а т о в. Диалект западносибирских татар, Уфа, 1963, стр. 60.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ноғистондаги ўзбекларнинг қипчоқ шеваларида келишик аффикслари қарийб бир хил.

Татар талида қаратқич келишиги *-ның//-нең*, тушум келишиги *-ны//-не*, *-н* тарзида (*д*, *т* ундошлари билан бошланувчи формалар йўқ).

Тавсиф этилаётган шеваларда ҳам, татар тилида ҳам жўналиш келишиги *-ға//-гә*, *қа//-кә*, *-на//-нә*, *-а//-ә*; чиқиш келишиги *-дан//-дән*, *-тан//-тән*, *-нан//-нән*, *-ннан//-ннән*; ўрин-пайт келишиги *-да//-тә*, *-та//-тә*, *-нда//-ндә* шаклидаги аффиксларга эга.

Мисолларни қиёслаш: ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларида:

Бош. к. *алма* (олма), *чийә* (олча), *ат* (от), *сүт* (сут), *баласы, көзиң*

Қар. к. *алманың, чийәниң, аттың, сүттиң, баласының, көзиңниң*

Туш. к. *олманы, чийәни, атты, сүтти баласын*(ы), *көзиңни*

Жўн. к. *алмаға, чийәгә, атқа, сүткә, баласына, көзиңә*

Ўр. к. *алмада, чийәдә, атта, сүттә, баласында, көзиңдә*

Чиқ. к. *алмадан, чийәдән, аттан, сүттән, баласыннан, көзиңнән*

Татар тилида:

Бош. к. *алма, чия, ат, сөт, баласы, күзең*

Қар. к. *алманың, чиянең, атның, сөтне, баласының, күзеңнең*

Туш .к. *алмага, чияне, атны, сөтне, баласын, күзеңне*

Жўн. к. *алмага, чиягә, атқа, сөткә, баласына, күзеңә*

Ўр. к. *алмада, чиядә, атта, сөттә, баласында, күзеңдә*

Чиқ. к. *алмадан, чиядән, аттан, сөттән, баласыннан, күзеңнән*

Татар тилининг Ғарбий Сибирь шеваларидаги чама сон ҳосил қилувчи *-лаған//ләгән* аффикси текширилаётган шеваларда *-лаған//-ла : н*, *-ләгән//-лә : н* тарзида қўлланади.

Хоразм шеваларидаги *-(а)жақ* (фонетик вариантлари билан) аффикси татар тилида *-(а)чак*, бошқирд тилида *-(а)сақ* шаклларида; *-ғалы//-ғәли*, *-қалы//-кәли* аффикси эса бошқирд тилининг шарқий, татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектида *-ғале//-гәле*, *-қалы//-кәле* формаларида ишлатилади.

Татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектига таллуқли бўлган айрим қишлоқларда сўроқ юкламасининг *-мең* формаси бор. Масалан: *кәплән утырасысмаң* (татар. *сөйләшеп утырасызмы?*), *йақшымаң?* (татар, исәнмесез?). Бу хил хусусият Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида ҳам мавжуд.

Ўзбек тили ва шеваларидаги айрим морфологик хусусиятлар Сибирдаги чулим татарлари (ёки туркий чулим) тилида ҳам учрайди. Масалан, ҚҚАССРдаги айрим қипчоқ шеваларида *мен* олмоши қаратқич, жўналиш келишиги қўшимчаларини олганда *ме : ң*, *ма :* кўринишига эга. Худди шундай ҳолат *(ме : нг, ма :)* чулим татарлари тилида ҳам мавжуд[59].

---

[59] А. П. Дульзон. Чулымско-тюркский язык, Языки народов СССР, т. II, Тюркские языки, М., 1966, стр. 451.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиёс тариқасида шу факт характерлики, туркий чулим тилидаги ҳозирги замон феъл формалари тусланишларидан бири ўзбек тилининг Паркент, Тошкент шеваларидаги тусланишга ўхшаш[60]. Қиёсланг:

Паркент	Чулим
мəн бəрвəттъм	*мāн па : рвот'им*
сəн бəрвəптънг	*сāн па : рвот'инг*
у бəрвəттъ	*ол па : рвот'и*

А. П. Дульзоннинг кўрсатишича *па : рвот'им* < *парыпот'им*. Бунда *от-* — ўтирмоқ феълидир[61].

ҚҚАССРдаги ўзбекларнинг *й*-ловчи қипчоқ шеваларидаги *ойнаватыр* (ўйнаяпти) формасига чулим татарлари тилида *ойнаптыр* ёки *ойнапjād'и* (хакас тилида эса *ойнап одыр*) формаси тўғри келади. Шунга кўра ўзбек шеваларидаги *-вəт, -ватыр, -атыр*... этимологик жиҳатдан фақат *йат-, йатыр-* билангина эмас, балки *от-, отыр-* феъли билан ҳам алоқадордир[62].

Лексик ўхшашликлар. Маълумки, татар ва бошқирд сўзлашув тиллари булғар ҳамда қипчоқ қабила тилларининг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлган ва кейинчалик, Олтин Ўрда халқлари составида ривожланган. Сўнгра Қозон, Сибирь, Астрахань хонликлари даврида ва бу хонликлар Россияга қўшилгандан кейин ҳар иккала тил ҳам узил-кесил шаклланган. Бу тарихий лингвистик жараён бирлиги туфайли мазкур тиллар кўп жиҳатдан, айниқса лексик жиҳатдан, бир-бирларига анча ўхшаш бўлиб қолган[63].

Татар, бошқирд тиллари лексикасинн статистик усулда таҳлил этган Т. М. Гариповнинг кўрсатишича, ҳар иккала тил учун умумий бўлган сўзлар 96 процентни ташкнл этади[64]. Бироқ, бу ўринда, татар ва бошқирд тилларидаги лексик ўхшашликлар проценти анча ошириб кўрсатилганга ўхшайди. Маълумки, бошқирд тили лексикаси чорвачилик, асаларичилик, овчилик сингари соҳаларга оид терминларга ниҳоятда бой бўлиб, уларнинг кўпчилиги татар тилида учрамайди[65].

---

[60] Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962, 169-бет; А. П. Дульзон. Кўрсатилган асар, 454-бет.

[61] А. П. Дульзон. Кўрсатилган асар, 454-бет.

[62] Н. А. Баскаковнинг кўрсатишича, *джат-//джатыр-*>*ат-//атыр-*>*отыр-*; Н. А. Баскаков. Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, М., 1952. стр. 368.

[63] Шунга кўра татар ва бошқирд тиллари, биргаликда, туркий тилларнинг қипчоқ группасига (бу группанинг қипчоқ-булғар группачасига) тааллуқлидир. *Қаранг:* Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, М., 1969, стр. 269, 282—285.

[64] Т. М. Гарипов. Лексикостатическое отношение тюркских языков Урало-Поволжья. Сб. «Языковые контакты в Башкирии», Учен. записки Башкирского гос. ун-та, вып. 50, серия филол., № 20 (23), Уфа, стр. 266, таблица III.

[65] А. А. Юлдашев. Башкирский язык, Языки народов СССР, т. III, Тюркские языки, М., 1966, стр. 190.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Татар тили лексикасини қиёсий-статистик метод асосида тадқиқ этган Ф. С. Фасеевнинг қайд этишича, татар ва бошқирд (шунингдек, ўзбек, уйғур, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, қумиқ, нўғой) тилларидаги умумтуркий ўзак сўзлар ўртача 75—85 процентни ташкил қилади[66].

Дарҳақиқат *баш* (бош), *бала* (бола), *ай* (ой), *урин* (ўрин), *тел* (тил), *йөрәк* (юрак), *ил* (эл), *алты* (олти), *ике* (иккн), *мин* (мен), *иртә* (эрта), *ал-* (ол-), *уйна-* (ўйна-), *күп* (кўп), *шул* (шу). ҳамда (мисолларнинг биринчи ўриндагиси татар, иккинчиси эса бошқирд тилига оид) *пычак — бысак* (пичоқ), *жир — ер* (ер), *жиде — ете* (етти), *кирәк — кәрәк* (керак), *ач — ас* (оч), *әнә — ана* (ана), *бу — был* (бу) сингари умумтуркий лексик қатламга оид минглаб сўзлар татар, бошқирд ҳамда ўзбек адабпй тиллари ва шеваларида, айрим фонетик фарқларни ҳисобга олмаганда, деярли бир хил формаларда ишлатилади. Шу туфайли ҳам хорижий олтойшунос А. Рауннинг лингвистатистик ҳисобларига кўра, ўзбек ва татар тилларида 78 процент, ўзбек ва бошқирд тилларида эса 76 процент лексик ўхшашликлар мавжуд[67].

1. Ҳозирги ўзбек, татар ва бошқирд адабий тилларидаги *дала, арпа, яра, ая-* (аямоқ) ҳамда *балта* (болта), *баба* (бобо), *ата* (ота), *килен* (келин), *бажа* (божа) сингари сўзлар ҳар учала тил учун ҳам муштарак ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, ўзбек ҳамда татар адабий тилларида қўлланиладиган (бошқирд адабий тилида учрамайдиган) ва, аксинча, ўзбек ва бошқирд адабий тилларида ишлатиладиган (татар адабий тилида қўлланмайдиган) бир қанча сўзлар бор. Масалан, а) ўзбек — татар.: **челак** — *чиләк, илдам, елдам,* **чарс** — *чарыс,* **ўзгача** — *үзгәчә,* **ўзгармас** — *үзгәрмәс,* **чумчуқ** — *чыпчык* **махмур** — *макмыр,* **манти** — *манту,* **сомса** — *сумса;* б) ўзбек.-бошқирд.: **улоқ** — *ылак,* **ғунажин** — *қонажын,* **ғунон** — *қонан,* **қўра** — *кура,* **чўлтоқ** — *сонтак,* **сўйил** — *һуйыл,* **коса** — *каса,* **қурға-**(қурғамоқ) — *қурға-,* **вайрон** — *вайран* ва б.

Бироқ, булардан ташқари, ўзбек шевалари билан татар, бошқирд адабий тиллари ва шеваларидагина учрайдиган ёки ўзбек адабий тили ва шеваларида ҳамда бошқирд, татар шеваларида мавжуд бўлган ёинки татар, бошқирд ва ўзбек адабий тилларида қўлланмайдиган, фақат ушбу тилларнинг шеваларидагина ишлатиладиган анчагина сўзлар ҳам мавжуд.

2. Ўзбек адабий тили ва унга асос бўлган Тошкент, Фарғона тип шевалари билан бошқирд тилининг жанубий ва, хусусан, шарқий диалектлари ўртасида бир қатор лексик параллелликлар мавжуд. Қиёсланг:

---

[66] Ф. С. Фасеев. Опыт сравнительно-статистического исследования лексики татарского языка. Сб. Вопросы татарского языка и литературы, вып. 4, Казань, 1969, стр. 46.

[67] Бу маълумот Т. М. Гариповнинг юқорида кўрсатилган мақоласидан (266-бетдаги 4-жадвалдан) олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

а) ўзб. ад.—бошқ. (жан. диал.): **ҳануз** — *ҳануз*, **оғиз** (оғиз сути) — *уғыз*, **чалпак** — *сәлпәк*.

б) ўзб. ад.—бошқ. (шарқ. диал.): **дангал** — *дәңгәл*, **ўғри** — *уғры*, *касофат* — *касафат*, **тўғри** — *тугри*, **ўғлон** — *уғлан*, **муддат** — *мөззәт*, **вакил** (вакил ота) — *уқыл//үкел*, **ҳўл** — *нүл*, **сари** (кўмакчи) — *сәри*, *қайла* ва б.

Бундай ҳолат ўзбек адабий тили ҳамда ўзбек тилининг таянч шевалари билан татар тилининг Ғарбий Сибирь (ёки шарқий) диалекти ўртасида ҳам учрайди. Қиёсланг.: ўзб. ад. — Ғарбий Сибирь диал. **оббо** — *аппа*, **ёруғ** — *йарық*, **ёвғон** — *йауған*, **йўргак** — *йүргәк*, **қуруқ** — *қорық*, **мишиқ** — *мышық*, **тариқ** — *тарық*, **шокоса** — *шәкәцә//шәкәшә*, **норин** — *нарын*, **арра**—*әррә//әрә*, **ақалли** — *әкәле*, **яктад** — *йәктә*, **ёнғоқ** — *йаңақ*, **болға** — *палға*, **пайпоқ** — *пайпақ*, **невара** — *нәбәрә//нәүәрә*, **кошки** — *кашки*, **атайлаб** — *атайлап* ва б.

Умуман, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *қўй, қўчқор, эчки, кабутар//каптар, хўроз, дастурхон, иморат, ярим, гап* сингари сўзлар татар адабий тилида бошқача шаклда бўлгани ҳолда Ғарбий Сибирдаги татар шеваларида худди ўзбек тилидагидек кўринишга эга (албатта, фонетик фарқлар бундан мустасно).

Хуллас, ўзбек адабий тилида, шунингдек, ўзбек тили шеваларида қўлланадиган кўпгина сўзлар Ғарбий Сибирда ўтроқлашиб қолган ўзбекларнинг ҳозирги авлодлари нутқида ҳам сақланмоқда. Қиёсланг.:

Ўзб. ад.	Ққ. ўзб. (Бер.)	Ғарбий Сибирь.	Татар.
олис	алыс	алыс	ерақ
ёмон	йаман	йаман	начар
яғрин	йаврын	йаурын	иң башы
ёстиқ	йастық	йастық	мендәр
нон	нан	нан	икмәк
пахта	пахта	пақта	мамық
қулф	қулып	қолып	йозақ
дарвоза	дарваза	тарбаса	зурқапқа
маст	мәс	мас	исерек
рост	рас,,ырас	рас	дөрес
кенжа	кенджә//кәнджә	кинцә	төпчек бала

Бироқ бу хил сўзларнинг Ғарбий Сибирь шеваларида қўлланиш даражаси ва территориал тарқалиши бир хил эмас. Масалан, Сибирда, айниқса Ялуторов ва Тара районларида, ўзидан катта ёшдаги кишиларга *әкә* (ака), *апа//апай* (опа) деб мурожаат қиладилар. Овқат номларидан *нарын* (норин) Тара районининг Қирғоп; *йауған* (ёвғон) сўзи Тобол ва Бойкалово районларининг Лойтомоқ, Қўкранди; *қатлама* сўзи эса Вагай районининг Қичикуват

www.ziyouz.com kutubxonasi

овулларидагина қўлланса, *көрөц* (гуруч), *пәтер* (патир), *шөшпәрә* (чучвара), *қаныт* (қанд) каби сўзлар Ғарбий Сибирдаги деярли барча шеваларда қўлланади[68].

3. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари билан татар, бошқирд адабий тилларидаги кўпгина лексемалар ҳеч қандай семантик ўзгаришларга учрамай (фақат айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда) пшлатилади. Қнёсланг. Ққ. ўзб.—татар., бошқирд.: *шувмақ* (сирғанмоқ)—*шуу//шыуыу; чөкич//чөкиш//чөккич* (болға)—*чүкеч//сүкеш;* йумуш (Бер.—иш)—*йомыш//йомош; иммә* (Манғ., Хўж., Бер. —ҳашар, кўрпа тикиш ҳашари)—*өмә: иләктирмәк* (Бер.—қўлга киритмоқ) — *эләктерү//электереү; абынмақ* (қоқилмоқ, сўринмоқ), *абыну//абыныу; азмақ* (Хўж. — ёмон йўлга кирмоқ, бузилмоқ) — *азу//азыу; аптырамақ* (Тўртк., С. бий. — эсанкирамоқ, гангимоқ,, янглишмоқ) — *аптырау; башмақ* (Манғ., Хўж., 1-2 яшар бузоқ) — *башмак тана//башмақ; балакәй* (Бер. — кичик размер) — *бәләкәй; йуха* (Тўртк., С. бий., Қ. бой. — очкўз) — *юха; мыйық* (Бер. — мўйлов) — *мыек//мыйық; монча* (ҳаммом) — *мунча//мунса; отырғыч* (Хўж. — стул) — *утырғыч//ултырғыс; тыш* (Бер., Манғ. — ташқари) — *тыш; топса* (Хўж. — бўсағa) — *тупса* (диал.)~*тупһа; йумрық* (Бер., Манғ. — мушт) — *йодрык//йозроқ.*

Текширилаётган шевалар билан бошқирд адабий тили ва шеваларида учрайдиган лексик параллеллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Ққ. ўзб.-бошқирд.: *ғопта* (қутича — коробка) — *қумта; дасмал* (қозон сочиғи) — *тастамал* (сочиқ); *ылай* (лой) — *ылай* (ўтиб бўлмайдиган ботқоқлик). Яна қиёсланг: Ққ. ўзб.-бошқирд (диал.): *созма* (резина) — *һузма; тутанақ* (қуёнчиқ — рус. припадок) — тотанақ; *шу ғурлы* (шу қадар) — *шу ғурзы; кеңсә* (Бер., Хўж.— канцелярия) — *кәнсә; әлбәтрәк* (яхшироқ) — *әлбәт қырылғыр* (қарғиш); *бүтәв* (1. бутун, бўлинмаган; 2. бепушт хотин) — *бетәү* (бошқирд. ад. — ярылмаган, бөтөн).

Бу ўринда мана шу *бүтәв//бетәү*... сўзи билан алоқадор бўлган бир чалкаш фикрга тўхталиб ўтиш зарур. Р. Г. Ахметьянов татар тилидаги баъзи от номлари ҳақида сўз юритиб,... *bedew* сўзи қорақалпоқ ва нўғойларда фақат бадавий (араб) отларнигина эмас, балки туғмайдиган хотин маъносини ҳам билдиради. Афтидан, шимолий кенгликларга урчитиш учун олиб келинган араб биялари бепушт бўлиб қолган[69], — деб кўрсатади.

Аввало шуни айтиш керакки, *бедәв//бедав* (от) бепушт эмас, наслдор от. Ққ. ўзб. *бедәв* — чопқир, наслдор, от; туркман. *бедев*— бақувват, наслдор от; озарбайжон (Газах диал.) *бәдәј* — чопқир, наслдор от. Умуман, *bedew* (бадавий оти) ҳамда *bedew* — бепушт (хотин) тамомила бошқа-бошқа ўзакларга оид сўзлардир.

---

[68] Татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектидаги бошқа лингвистик хусусиятлари ўзбек тили ва шеваларига қиёсланган ҳолда ўрганилган. *Қаранг:* А. Ишаев. Ғарбий Сибирда ўзбек шевалари борми?, ЎзТА, 1968, № 5, 54—57-бетлар.

[69] Р. Г. Ахметьянов. Некоторые названия лошадей в татарском языке, СТ., 1975, № 2, стр. 72.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида *бутәв//битәв* — бутун, туташ (уруғочи мол ва аёллар жинсий органининг бутун ҳолидаги ҳолати). Жанубий Хоразм (Урганч, Хива, Хонқа) шеваларида *бутәв* 1. бўлинмаган, бир бутун (нарса); 2. эрга тегмай, қизлигича умр ўтказган аёл киши[70]. Қорақалпоқ тилидаги *бедеў*... 2. бепушт (хотин) аслида *питеў* (ҳамма томондан бекилган)[71] сўзидандир. Демак,

1. *bedew* < араб. بدوى

2. *bedew* (<bütäw//bitäw) <pitew (закрытый со всех сторон).

ҚҚАССРдаги (умуман Хоразм воҳасидаги) ўғуз тип ўзбек шевалари билан татар, бошқирд адабий тиллари ва шевалари ўртасида ҳам бир оз лексик параллеллар мавжуд. Қиёсланг:

Ққ. ўзб. (Тўртк. С.бий)	Ўзб. ад.	Татар.	Бошқирд.
йумақ	калава	йомгак	йомғақ
сиплик	супуринди	чүплек	сүплек
эт	гўшт	ит	ит
дөрт	тўрт	дүрт	дөрт
чуван	чипқон	чуан	сиқан
бычқы//пычқы	арра	пычкы	бысқы
гәвәрджин көгерчин	кабутар, каптар	күгәрчен	күгәрсен

Тўрткўл-Сарибий шеваларидаги *күлтә* (боғ, пичан боғи), *дығырық//дығрық* (жин кўча), *атав* (орол), *орам* (кўча), *дәрис//дәрс* (гўнг) сўзлари татар, бошқирд адабий тилларида *көлтә, тыкрык — тыкрык, атау, урам, тирес — тирес* шаклларида; *йалың* (аланга) *дөнмәк* (ўзгармоқ, айнимоқ), *йалаң* (ҳамиша), *ашақ* (паст) сўзлари эса татар тили диалектларида *йалын, дүнү, йалан, ашақ* тарзида учрайди.

ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари билан татар адабий тили ўртасида ҳам бир қанча лексик параллеллар мавжуд. Қиёсланг. Ққ. ўзб.-татар.: *барлы* (бадавлат, бой) — *барлы, байақ//байавуқ: байавуқ кетведи, ҳели кемәди* (Б. боз. — боя) — *бая үк; гөгәйин* (Тўртк. — С. бий) ~ *көгәвин//көгәйин* (Бер. — сўна, бўка) — *кигәвин; қырчын* (қирчанғи, кал) — *кырчын; сүлгі* (сочиқ) — *сөлге*; *дәли* (тентак) — *тиле*; *тамақсав* (еб тўймас, хўра) — *тамаксау.*

Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари билан татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектига тааллуқли шевалар ўртасидаги лексик ўхшашликлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиши билан ажралиб туради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ғарбий Сибирга бориб ўтроқлашиб қолган ўзбеклар орасида хоразмликлар (шу жумладан, ҳозирги ҚҚАССР территориясидаги ўзбекларнинг аждодлари ҳам)

[70] Ф. А. Абдуллаев. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари, Тошкент, 1961, 30-бет.

[71] Каракалпакско-русский словарь, М., 1958, стр. 533.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган. Ғарбий Сибирдаги *Хўжайлан, Қуллар, Шиқлар* каби овул номларп, шунингдек *Ўрозмат, Қолбой, Йўлдош, Ражаб* сингари исмлар, шубҳасиз, Хоразм топонимикаси ва ономастикаси билан алоқадор.

ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари билан Ғарбий Сибирдаги татар шевалари учун муштарак бўлган қуйидаги лексик ўхшашликлар юқорида айтилган фикрга яққол далилдир.

Мисолларни қиёсланг:

Ққ. ўзб.	Ўзб. ад.	Ғарбий Сибирь диал.	Татар.
дәвет	сиёҳдон	тәүәт	кара савыты
сыйа	сиёҳ	сыйа	язу карасы
мәл	маҳал	мәл	вакыт
мама	бувви	мама	әби
мурт	мўйлов	морт	мыек
ық	оқим	ық	агым
айағойын	рақс	айағуйын	бию
нәрәстә	норасида	нәрәситә	сабый
чымылдық	пашшахона	чымылдық	чыбылдык
ачығавыз	ватрушка	ачық авыз	пәрәмәч
зә:р	заҳар	сәр	агу
тап	худди	тап	нәкъ
бай	эр	бай	ир
тумақ	қулоқчин	томақ	колаклы бүрек
унашы	угра ош	онаш	токмач
чалчық сув	ифлос сув	цалцық су	пычрак су
майлық	салфетка	майлық	кул сөрткеч

Мана шу охирги *майлық* (салфетка) сўзини С. М. Исхакова: «...ўзбек адабий тилида *қўлқоп*; ўзбек тилининг Ўш шевасида *мийалақ;* татар адабий тилида *тастымал, кул сөрткеч*»[72], — деб кўрсатган. Ҳақиқатда эса ўзбек адабий тилидаги *қўлқоп,* Ўш шевасидаги *мийалақ* (шунингдек, Андижон шевасидаги *бъйиәлә́й),* татар, бошқирд тилларидаги *биялә́й — бейәлә́й* (русча, рукавицы, варежки)дир. Қорақалпоғистондаги (умуман Хоразмдаги) ўзбек шеваларида ҳамда қозоқ, қорақалпоқ тилларида *майлық,* қирғиз. *майлық,* уйғур. *майлиқ* — қўл ёғини артадиган кичик сочиқ — салфеткани билдиради.

Қорақалпогистондаги ўзбек шевалари (умуман ўзбек шевалари) билан татар, бошқирд адабий тиллари ва шеваларида параллел ишлатилаётган айрим сўзлар семантик ўзгаришларга учраган. Қиёсланг: Ққ. ўзб.-татар., бошқирд.: *ақтық* (невара) — *актык//ақтық* (кенжа, охирги); *малай* (хизматкор) — *малай* (ўғил, ўгил бо-

[72] С. М. Исхакова. Лексика сибирских татар, АКД., Ташкент, 1970, стр. 14.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ла); *тақмақ* (Тўртк., Бер. — вайсақи) — *такмак//тақмақ* (лапар); *чер* (фольк. ғам, алам) — *чир//сир* (касал); *бөлә* (опа-сингилнинг болалари) — бошқирд. *бүлә* (иевара); *алагайым* (бегам, бепарво) — бошқирд. *алагайымга* (беҳуда); *эмгәк* (меҳнат, дардисар) — бошқирд (диал.): *имгәк* (касал).

Яна қиёсланг:

Ққ. ўзб.	Ғарбий Сибирь диал.
ч е ч ə (янга)	*цицә* (опа, хола)
әбә (Хўж.—она)	әбә (ота, опа; хола, амма)
адрасман (исириқ — гармала)	*атрасман* (бот. қариқиз — рус. лопух мелкий)
черкәй (майда пашша)	*цергәй* (чивин)
күртә (болаларнинг пахталик кўйлаги)	*көртә* (бишмәт — пальто)
қавун (қовун)	*қауын* (бодринг)
мийә (мия)	*мийә* (пешона)
айыл (айил)	*айыл* (эгар)
көгирт (гугурт)	*күгерт* (момақалдироқ)
йылдам (илдам)	*йылтам* (секин)

Қисқача хулосалар: 1. Тарихий-этник ва бошқа фактлар ўзбек ва бошқирд қабилаларидан баъзиларининг илк шаклланиш даврларидан бири Орол бўйлари ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқими ўртасидаги ерларда содир бўлганлигини кўрсатади. Шунга асосланиб, ўзбек-қипчоқ ҳамда бошқирд тили шеваларининг дастлабки шаклланиш босқичларидан бирида Амударё-Орол-Сирдарё лингвистик ареали мавжуд бўлган дейиш мумкин.

Умуман, Волгабўйи халқлари билан Ўрта Осиё халқларининг (шу жумладан, Хоразм воҳасидаги халқларнинг) қадим замонлардан бери давом қилиб келаётган турли-туман алоқалари ўзбек ҳамда татар, бошқирд тиллари ва шеваларида муштарак лингвистик хусусиятларнинг кўпайишига сабаб бўлган.

2. Қорақалпоғистондаги ўзбек (қипчоқ) шевалари татар тилининг ғарбий (мишар) диалектига нисбатан ўрта ва хусусан шарқий (Ғарбий Сибирь) диалектларига анча яқин.

3. Хилма-хил шеваларда сўзлашувчи ўзбекларнинг Ғарбий Сибирга бориб ўтроқлашиб қолиши ҳамда бу ердаги маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши туфайли татар тилининг шарқий диалектида ўзбек тили ва шеваларига (шу жумладан, Хоразм воҳасидаги ўзбек шеваларига) оид бир қанча фонетик, морфологик, хусусан лексик хусусиятлар мавжуд. Лекин татар тилининг Ғарбий Сибирь диалектидаги ўзбек тили ва шеваларига ўхшаш лингвистик фактларнинг барчаси XVI асрдан сўнг (Ғарбий Сибирга ўзбеклар бориб қолгандан кейин) вужудга келган эмас, чунки мазкур линг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вистик хусусиятларнинг айримлари Сибирдаги туркий халқлар (кейинчалик ўзбек халқи составига қўшилган уруғ-қабилалар) тилида қадимдан мавжуд бўлган.

4. Қорақалпогистондаги ўзбекларнинг *й*-ловчи қипчоқ шевалари (умуман, ўзбек тилининг *й*-ловчи қипчоқ шеваларп) баъзи муҳим лингвистик хусусиятларига кўра қипчоқ-нўғой подгруппасидаги тилларга нисбатан бошқирд ва, хусусан, татар тилига яқин туради.

ҚҚАССР ДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ҚУМИҚ, ҚОРАЧОЙ-БАЛҚАР, ҚАРАИМ, ҚРИМ-ТАТАР ТИЛЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Қумиқ, қорачой-балқар, қараим ва қрим-татар тиллари, Н. А. Баскаков таснифига кўра, туркий тиллар қипчоқ группасининг қипчоқ-половец подгруппасига тааллуқли[73].

Маълумки, бу тиллар булғар, хазар ва, хусусан, қипчоқ (половец) тиллари асосида ташкил топган бўлиб, кейинчалик турли хил қабила, халқ тиллари таъсирига учраган. Шу сабабли ҳам мазкур тилларда ва уларнинг шеваларида ўзаро ҳамда қипчоқ группасидаги бошқа тиллардан фарқланадиган ранг-баранг лингвистик хусусиятлар жуда кўп. Масалан:

а) Қараим, қумпқ, қрим-татар тиллари туркий тилларнинг *й*-ловчи, қорачой-балқар тили эа *дж-ловчи* (*джол, джоқ, джыл*) группасига оид.

б) Қорачой-балқар тилининг балқар диалектида *кец* (кеч), *кац* (қоч), *цац* (соч) каби *ц*-ловчилик ҳамда *зол* (йўл), *зер* (ер), *зоқ* (йўқ), *зыл* (йил), *зуз* (юз), *заз* (ёз, ёз-), *хурзун* (хуржун) сингари *з*-ловчилик хусусиятлари мавжуд[74].

в) Қумиқ тилида *генг* (кенг), *геч* (кеч), *гөк* (кўк), *гуз* (куз), *гуч* (куч), *гийим* (кийим), *гиши* (киши) каби *г* ундошп билан бошланадиган кўпгина сўзлар бор[75].

г) Қараим тилидаги (шеваларидаги) бир қатор сўзлар уч ва ундан ҳам кўпроқ вариантларда учрайдики, уларнинг ҳар бири мустақил тил ёки диалектларни эслатадн: *дағ//таө//тағ* (тоғ), *оғул//овул//оғыл* (ўғил), *даш//тас//таш* (тош), *беш //бэш//бэс* (беш), *карыш//қарыш//қарыс* (қарич), *қуш//куш//кус* (қуш), *йаш//йас//йэш* (ёш), *бичак//бичах//быцак//бычак//пычақ* (пичоқ), *сычан//шычан//шичан//цыцан//сычқан* (сичқон) ва б.[76].

---

[73] Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, М., 1969, стр. 272—273.

Шу нарсани эслатиб ўтиш лозимки, ҳозирги пайтда умумхалқ қараим тили йўқ. 1970 йилги аҳоли рўйхати бўйича Литва ССР, Украина ССР ва бошқа жойларда яшаётган қараимлар 4600 кишидан иборат бўлиб, уларнинг фақат 12,8 процентигина қараим тилини ўз она тили деб ҳисоблайди. *Қаранг:* Население СССР 1973, Статистический сборник, М., 1975, стр. 39.

[74] Ш. Х. Акбаев. Фонетика диалектов карачаево-балкарского языка, Черкесск, 1963, стр. 70—71.

[75] Кумыкско-русский словарь, М., 1969, стр. 93—110.

[76] Караимско-русско-польский словарь, М., 1974, стр. 152, 168 ва б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

д) Қорачой-балқар тилида феъллар 1-ш. ва 2-ш. эгалик аффикслари билан тусланганда, ўша аффикс охиридаги *-н* ундоши тушиб қолади: *барама* (бораман), *бараса* (борасан), *кетеме* (кетаман), *кетесе* (кетасан), *келгенме* (келганман) ва ш. к.

е) Қорачой-балқар тилида ўзбек, қозоқ, чуваш сингари этнонимлар *-лы//-ли* аффикси қўшилган ҳолда *узбекли, казахлы, чувашлы, лезгинли, хакаслы* тарзида қўлланади ва б.

Қипчоқ-половец тилларига оид баъзи фонетик морфологик, лексик хусусиятлар айрим ўзбек шеваларида (жумладан, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида ҳам) учрайдики, биз булардан энг муҳимларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз[77].

I. Қумиқ, қорачой-балқар, қараим, қрим-татар тилларида саккиз унли (*а, е, ы, и, о, ө, у, ү*) фонема бор, *ә* унлиси йўқ. Бу жиҳатдан мазкур тиллар ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларидан, умуман, тўққиз унлига эга бўлган қипчоқ шеваларидан фарқ қилади. Қиёсланг:

Ққ. ўзб. йл.	Қум.	Қ.-балқ.	Қр.-тат.	Қар.
кәрәк (керак)	герәк	керек	керек	т. керек
кәмә (кема)	геме	кеме	кеми, геми	т. кеме
тентәк (тентак)	темтек	тентек	тентек	г. тэнтэк
йипәк (ипак)	йибек	джибек	ипек	г. ибек, йибек
йүрәк (юрак)	үрек	джүрек	үрек	қ. йүрек
күрәк (курак)	күрек	күрек	күрек	г. кирэк, керэк
әләк (элак)	элек	элек	элек	г. элек, йэлэк

Яна мисоллар: Ққ. ўзб.: *бөдәнә* (бедана), *бешбәтәр* (беш баттар), *эшәк* — қум., қар.: *бөдене, беш бетер//бес бетер, эшек;* Ққ. ўзб.: *сөйләшмәк* (сўзлашмоқ), *сәвәп* (сабаб) — қр.-тат.: *сөйлешмек, себеп* ва ш. к.

Қиёсланаётган объектларда айрим сўзлардаги *ғ* ундоши *в* ундоши тарзида қўлланади. Қиёсланг:

---

[77] Қумиқ, қорачой-балқар, қараим, қрим-татар тиллари ва шеваларига оид фактлар қуйидаги асарлардан олинди: Кумыкско-русский словарь, М., 1969; Н. К. Дмитриев. Грамматика кумыкского языка, М.—Л., 1940; А. Г. Магомедов. Кумыкский язык, Языки народов СССР, II, Тюркские языки, М., 1966, стр. 194—212; Русско-карачаево-балкарский словарь, М., 1965; Ш. Х. Акбаев. Фонетика диалектов карачаево-балкарского языка, Черкесск, 1963; М. А. Хабичев. Карачаево-балкарский язык, Языки народов СССР, II, Тюркские языки, М., 1966, стр. 213—233; Караимско-русско-польский словарь, М., 1974; К. М. Мусаев. Грамматика караимского языка, М., 1964; Э. В. Севортян. Крымско-татарский язык, Языки народов СССР, II, Тюркские языки, М., 1966, стр. 234—259. Қрим-татар тили, умуман, қипчоқ тилларининг мазкур подгруппаси етарли даражада тадқиқ этилмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ққ.ўзб.	Қум.	Қар.	Қ.-балқ.
тав (тоғ)	тав	тав	тау
сав (соғ)	сав	сав	сау
бав (бог)	бав	бав	бау
авыр (огир)	авур	авыр..	ауур
авыз (огиз)	авуз	авыз...	ауыз

ш ундошининг *с* ундоши, *ч* ундошининг эса *ш* ундоши тарзида талаффуз этилиши учрамайди: Ққ. ўзб., Қум., қ.-балқ.: *беш, ш, баш* (бош), *алтмыш* (олтмиш) ~ қозоқ.: *бес, іс, бас, алпыс;* Ққ. ўзб.: *кеч, күч, пичән*//қум.: *геч, гүч, бичен* ~ қозоқ.: *кеш, күш, пішен;* Ққ. ўзб.: *қочқар, ағач, чыра*//қ.-балқ.: *қочхар, агач, чырақ* ~ қозоқ.: *қошқар, ағаш, шырақ.*

Айрим сўзлар охирида *қ* ундошининг тушиб қолиш ҳодисаси мавжуд. Қиёсланг:

Ққ.ўзб.	Қум.	Қ.-бал.	Қр.-тат.	Қар.
аччы (аччиқ)	аччы	ачы	ачы	т. ачы
қуйы (қудуқ)	қуйу	қуйу	қуйу	г. куйув
қатты (қаттиқ)	қатты	қаты	қаты	қаты
қуры (қуруқ)	қуру	қуру	қуру	куру
толы (тўлиқ)	толу	толу	толу	толу

Яна мисоллар: Ққ. ўзб.: *тары* (*тариқ*), *сары* (*сариқ*), *элли* (эллик) ~ қум., қ.-балқ.: *тары, сары, элли;* Ққ. ўзб.: *ыссы* (иссиқ), *тири* (тирик), *йылы* (илиқ) ~ қар.: *исси, тири, йылы*//*йыллы*//*илы* ва б.

Қорачой-балқар адабий тили ва бу тилнинг таянч (*ч*-ловчи) диалекти ҳамда қрим-татар тилининг шимолий диалекти д ж о қ, *джол, джер, джылан, джара* (қум. *ер, йол, йоқ, йылан, йара*) каби сўзлар бошида *дж* ундошининг ишлатилиши жиҳатдан Қорақалпоғистондаги *ж* (дж)-ловчи ўзбек шевалари билан қарийб бир хил.

Қорачой-балқар тилида айрим сўзларнинг метатезага учраганлиги ҳамда баъзи сўзлар бошида *й* ундошининг туширилиб талаффуз этилиши характерли ҳодиса:

а) *асхақ* (оқсоқ), *ашхылық* (яхшилик), *бачха* (богча), *ачха* (ақча), *ашхам* (оқшом);

б) *оғары (йоғары* — юқори), *аман* (йаман — ёмон), *ахшы*//*ашхы (йахшы* — яхши) ва б.

II. ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида кўплик формаси *-лар*//*-лэр*; қумиқ, қрим-татар ва қараим тилларида *-лар*//*-лер* (қараим тилининг Тракай диалектида *-лар*//*-ляр*) кўрпнишларига эга. Текширилаётган шевалардаги ҳамда қумиқ, қорачой-балқар тилларидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

н ундоши билан тугаган отларга *-лар...* аффикси қўшилганда *нл>лл* прогрессив ассимиляцияси содир бўлади. Ққ. ўзб., қумиқ.: *душмаллар* (душманлар), *қазаллар* (қозонлар), *хатыллар//қатыллар* (хотинлар); Ққ. ўзб.: *қойаллар* (қуёнлар), *оқығаллар...* (ўқиганлар), *пичәллик* (пичанлик) ~ қ.-балқ.: *қойалла, оқуғалла, бичеллик.*

Сон категориясининг қорачой-балқар тилидаги *-ла//-ле* (а т л а, *и т л е* (отлар, итлар) формалари қипчоқ группасидаги бошқа тилларда (шунингдек, ўрганилаётган қипчоқ шеваларида ҳам) учрамайди. Бироқ, ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига тааллуқли Тўрткўл —Сарибий шеваларида *-ла//-лә* (<*-лар//-ләр*) аффикси мавжуд.

Келишик аффикслариниг қўлланиши жиҳатдан қипчоқ-половец подгруппасидаги тиллар ўзаро ҳамда ўзбек тилининг қипчоқ шеваларига асосан ўхшаш бўлса-да, бир қадар фарқ қилувчи томонлари ҳам бор. Бу фарқларга кўра, қараим ва қрим-татар тилларини 1-группа; қумиқ, қорачой-балқар тилларини эса 2-группа деб ажратиб, буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

	Ўзб. ад.	1-группа		2-группа
		Қр.-тат.	Қар. (Тракай)	Қум., Қ.-балқ.
Бош. к.	—	—	—	—
Қар. к.	-нинг	-пың//-ниң	-ыын//-ын, -нун//-нюн	-ны//-ни
Туш. к.	-ни	-ны//-ни	-ны//-ни, -ну//-ню	-ну//-ню
Жўн. к.	-га(-қа, -ка)	-қа//-ке, -ға//-ге	-ха, -гя, -кя (-ка, -ға, -ге, -ке)	-га//-ге
Ўр. к.	-да	-да//-де, -та//-те	-да//-дя, -та//-тя	-да//-де
Чиқ. к.	-дан	-дан//-ден, -тан//-тен	-дан//-дян, -ден, -тан//-тян	-дан//-ден

Эслатма: Қорачой-балқар тилида жўналиш келишигининг *-ха, -на//-не, -ңа//-ңе, -а//-е* аффикслари ҳам бор.

1-группадаги тилларда ва ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларида қаратқич ҳамда тушум келишикларининг аффикслари *-ның//-ниң, -ны//-ни...* тарзида (фарқланган ҳолда) қўлланса, 2-группадаги тилларда бу келишик формалари фарқланмайди. Бу жиҳатдан қумиқ, қорачой-балқар тиллари ўзбек тилининг қорлуқ ва ўғуз лаҳжасидаги Тошкент, Фарғона; Хива-Урганч, Тўрткўл-Сарибий шеваларига ўхшаш.

1-группадаги тилларда ва ўрганилаётган шеваларда ўрин-пайт ва чиқиш келишигининг *т* ундоши билан бошланадиган вариантлари бор, лекин 2-группадаги тилларда бу хил вариантлар йўқ.

Жўналиш келишигининг *-на//-не, -а//-э* вариантлари бўлганлиги жиҳатдан ўзбек тилининг қипчоқ шевалари қорачой-балқар тилига яқин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қорақалпоғистондаги *й*-ловчи ва *дж*-ловчи ўзбек шевалари қаратқич, тушум келишикларининг *д, т* ундошлари билан бошланадиган *-диң//-дың, -тиң//-тың; -ди//-ды, -ти//-ты* вариантлари борлиги билан қипчоқ-половец подгруппасидаги тиллардан фарқ қилади. Сонлар ўхшаш, лекин Ққ. ўзб., қ.-балқ.: *төрт*//қумиқ., қр.-татар. қараим.: *дөрт;* Ққ. ўзб. йл.: *сәккиз, тоққыз*//қум., қар., қ.-балқ.: *сегиз, тоғуз*//қр.-татар.: *секиз, доқуз.*

Ўзбек адабий тилида, ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларида ва қумиқ, қорачой-балқар, қараим, қрим-татар тилларида *мен, сен, биз, сиз, бу, ким, не* олмошлари фонетик ўзгаришларга учрамай қўлланади. Шунингдек, *мен, сен* олмошлари жўналиш келишиги қўшимчаси олганда (*мен+га, сен+га*), текширилаётган қипчоқ шеваларида ҳам, қорачой-балқар, қрим-татар тилларида ҳам *маңа, саңа* формаларида бўлади.

Текширилаётган шеваларда ва қрим-татар тилида феълнинг *-йатыр ,-аджақ//-эджэк (-ятыр, -аджақ//-еджек*) формалари мавжуд ва б.

III. Қипчоқ-половец подгруппасидаги тилларнинг (жумладан, қараим ва қрим-татар тилларининг) лингвистик, хусусан лексик хусусиятлари қипчоқ группасидаги бошқа тилларга нисбатан етарли даражада ўрганилмаган, бу тилларга оид баъзи муҳим масалалар ҳанузгача аниқ ва узил-кесил ҳал этилмаган. Масалан, тадқиқотчиларнинг бир қисми қараим тилида Тракай (Литвада), Галич (Украинада) ва Қрим диалектлари бор десалар, бошқа тадқиқотчилар бу тилда Қрим диалекти йўқ, у қрим-татар тили билан ассимиляциялашиб кетган деб ҳисоблайдилар ва б.[78].

Лексик жиҳатдан шу факт ҳам характерлики, қипчоқ группасидаги бошқа тилларга нисбатан қипчоқ-половец подгруппасидаги тиллар славян, ибер-кавказ ва бошқа туркий бўлмаган тиллар таъсирига кўпроқ учраган. Бу таъсир фақат тилда эмас, бошқа соҳаларда ҳам учрайди. Масалан, қараимлар Улуг Октябрь революциясига қадар яҳудий динининг караизм мазҳабига мансуб бўлган. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар қараим сўзининг этимологиясини қадимги яҳудий тилидан изоҳлайдилар[79]. Масалан, К. М. Мусаевнинг кўрсатишича, караим (қараимлар ўзларини қарай//карай, қарайлар//карайлар деб юритадилар) — караизм диний ақидасига, яъни Таврот (Библия)да ёзилганларга эътиқод қилувчи (қадимги яҳудийча *кара* — ўқимоқ, *караим* — ўқувчилар; русча «читающие») маъносини ифодалайди[80]. Агар бу этимологияни тўғри деб фараз қилсак, у ҳолда баъзи туркий халқлардаги «қорн, қорий (қипчоқ)» деб юритилувчи уруғ номини ҳам «қори, қорий» (бу сўз арабча бўлиб, аслида қадимги яҳудий тилидаги

---

[78] Караимско-русско-польский словарь. М., 1974; К. М. Мусаев. Кўрсатилган асар, 37-бет.

[79] Макс Фасмер. Этимологический словарь русского языка, т. II, М., 1967, стр. 191 (Бунда Цеттерстеннинг қадимги еврей. *karaï*, кўплиги *karaïm* деган фикри келтирилган).

[80] К. М. Мусаев. Кўрсатилган асар, 5-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«кара» билан алоқадор) — ўқувчи (Қуръон ўқувчи) дейиш мумкин. Бироқ бу ўринда, «қори, қорий»<қора (табулаштирилган метасемия). «Қори, қорий» сингари «қарай» (карай) этнонимининг ҳам «ўқувчилар» билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Фикримизча, бу этноним туркий халқлардаги, аниқроғи гагауз, қрим-татар, туркманлардаги *герей*, бошқирдлардаги *гэрэ, гэрэй-қипчоқ* қозоқлардаги *керей* (қора герей), монголлардаги *кирей* (кирэй)[81] сингари уруғ-қабила номи билан алоқадордир. ҚҚАССРдаги ўзбекларнинг уруғ-қабила номлари орасида *кәрәйит* этноними мавжуд бўлиб, у аслида юқоридаги *керей//герей<кереи(т)* билан боғлиқ. Демак, *герей//керей>гарай//карай>Карай//Қарай.*

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қумиқ, қорачой-балқар, қараим, қрим-татар тиллари билан ўзбек тили, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси, жумладан, ҚҚАССРдаги ўзбек-қипчоқ (шунингдек, қисман ўғуз) шевалари ўртасида бир қанча лексик ўхшашликлар (ва ноўхшашликлар) мавжудки, улардан айримлари қуйидагилардир:

1. Ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларида ҳамда қумиқ, қорачой-балқар, қараим, қрим-татар тилларида *эшик, турна, тил, келин, эчки, тешик; қалын, улақ, қучақ, қарын, қара, балта, қачан, балчық, узақ* сингари юзлаб сўзлар маъноси ва структураси жиҳатдан қарийб бир хил. Яна мисоллар. Ўзб. ад., қар.: *зарар, туруп, темир, ит, ун;* ўзб. ад., қ.-балқ.: *арпа, кийим, тил, тасма, ишчи;* ўзб. ад., қум.: *уруш, нечик, йигирмә, етмиш, сув;* ўзб. ад., қр. тат.: *кир, бурун, тарих, эчки, йигит* ва б.

Бу хилдаги ўхшаш лексемалар қаторига қумиқ, қорачой-балқар тилларида *ата* (ота), *ана* (она), *эр, қатын* (хотин), *баджа* (божа), *қыз* (қиз), *гелин//келин* сингари қариндошлик терминлари ҳам киради. Лекин қумиқ, қорачой-балқар тилларида қариндошликни ифодалаш учун ўзбек тили ва шеваларидагидек таснифий система эмас, балки тавсифий система характерлироқ. Шу туфайли Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг қариндошлик номенклатураси мазкур тиллардаги қариндошликни ифодалаш усулидан бир қадар фарқ қилади.

Қиёсланг:

Ққ. ўзб.	Қум.	Қ.-балқ.
чавлық (чевара)	**уланыны яшыны уланы**	уландан тууғанны джашы
	қызыны яшыны уланы	қыздан тууғанны джашы
ақтық (набира)	уланыны уланы (қызы)	(туудуқ)
	қызыны қызы (уланы)	(туудуқ)

[81] Р. Г. Кузеев. Кўрсатилган асар, 69, 114, 466—467-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ққ. ўзб.	Қум.	Қ.-балқ.
джийән (жиян)	эр қардашыны уланы (қызы)	қарнашдан тууган
	қызардашыны уланы (қызы)	эгечден тууған
ини	гиччи эр қардаш, ини	кичи қарнаш
сиңли// сиңил	гиччи қызардаш	гитче эгеч
апа (опа)	уллу қызардаш	тамады эгеч

Айрим сўзлар ўзбек адабий тили билан ҳозирги қипчоқ-половец тилларида ўхшаш бўлпб (фонетик фарқлар бундан мустасно), ўрганилаётган шеваларда эса бошқача кўринишга эга. Мисоллар: ўзб. ад.: *хўтик, эчки, ҳануз, чучвара, ҳаммом*//қум.: *қодуқ, эчки, ғануз, дюшбере*; қ.-балқ.: *хаммам* ~ Ққ. ўзб. *кўррә, гәччи, ҳели, бөрәк, монча.*

2. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари билан қумиқ, қараим, қорачой-балқар, қрим-татар тилларида ўхшаш бўлган кўпгина лексемалар ўзбек адабий тилида (шунингдек, ўзбек тилининг қорлуқ лаҳжасида) бошқача формаларда учрайди. Масалан:

Ққ. ўзб.	Қум.	Қ.-балқ.	Қр.-тат.	Қар.
чөкич (болға)	чекүч	чегүч	чекүч	т. чекүч, г. цекиц
ачқыч (калит)	ачғыч	ачхыч	ачқыч	т. ачхыч, г. ацкыц
тувар (совлиқ)	тувар (мол)	тууар (мол)	тувар (мол)	тувар (мол)
қонақ (меҳмон)	қонақ	қонақ	қонақ	т. конах, г. конак
йапрақ (барг)	япырақ	джапырақ	йапрақ	т. йапрах, г. йапрак,
йумуш (иш)	йумуш	джумуш	йумуш	т. йумуш
көпир (кўприк)	көпүр	көпүр	копыр	көпүр...

ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларида ва қумиқ тилида ҳеч қандай ўзгаришсиз ҳамда айрим фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган лексемалардан намуналар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) *чалдырыш* (чалкаш)	*пайламақ* (бўлишмоқ)
чуғул (чақимчи)	*бел* (белкурак)
кели (ўғир)	*айық* (ҳушёр)
ийис (ҳид)	*арқайын* (хотиржам)
топар (гуруҳ)	*дав* (жапжал, даъво)
нас (ифлос, пасткаш)	*савғат* (совға)
манат (сўм)	*парахат* (тинч)
ичкичи (ароқхўр)	*хыйлы* (анча, хийла)
ага (ака)	*увурт* (лунж)
2) *гоз* (ёнғоқ) — қоз	*ҳарымақ* (чарчамоқ) — арымақ
лабыр (лангар) — лабар	*айа* (кафт) — ая
темрəв (темираткн) — темирев	*пəрч* (қаттиқ ҳолат) — берч
чийə (олча) — жие	*гəзəнмək* (ўқталмоқ) — гезинмек
ызғар (ҳўл) — изғар	*ҳəйкəл* (фольк. тумор) — ҳайкел
дəли (телба) — дели	*ғəли* (гилам) — хали
гəззик (навбат) — гезик	*жоррап* (пайпоқ) — чорап
палпыс (ифлос) — палхус	*қыйар* (Хўж. — бодринг) — хыяр
айув (айиқ) — аюв	*авсыл* (оқсил касали) — авсул

Қорақалпогистондаги ўзбек шевалари билан қумиқ тили ўртаида мавжуд бўлган лексик ўхшашликлар қипчоқ-половец подруппасидаги бошқа тилларда ҳам учрайди. Лекин, шу билан бир аторда, бу тилларнинг ҳар бирида шу подгруппадаги бошқа тилларда учрамайдиган ёки камроқ учрайдиган айрим лингвистик хуусиятлар ҳам бор. Масалан, қорачой-балқар тили *дж*-ловчи бўлани сабабли ҚҚАССРдаги *дж*-ловчи ўзбек шевалари билан қаийб бир хил бўлиб, бу жиҳатдан улар Қорақалпоғистондаги *й*-овчи ўзбек шеваларидан ҳамда қумиқ, қараим, қрим-татар тиллаидан фарқ қилади. Қиёсланг:

Ққ. ўзб. джл., Қ.-балқ.	Ққ., ўзб. джл. — қ.-балқ.
а) *джорға* (йўрға)	б) джүгән (юган) — джүген
джурт (юрт)	джүрək (юрак) — джүрек
джаңы (янги)	джумуртқа (тухум) — джумуртха
джүк (юк)	джамғыр (ёмғир) — джацур
джыртық (йиртиқ)	джумран қазық (юмронқозиқ) — джубран
джастық (ёстиқ)	

www.ziyouz.com kutubxonasi

Текширилаётган шеваларда ва қорачой-балқар тилида бир хил кўринишга эга бўлган айрим сўзлар ўзбек адабий тилида бошқача формада қўлланади. Мисоллар: ққ. ўзб. — қ.-балқ.: *чибин* (пашша — русча муха), *бийик* (баланд), *ийнэ — ийне* (нина), *өтрик — өтүрүк* (ёлгон), *чолпы — чолпу* (човли), *көпчин — көбчек* (ёстиқ), *көпир — көпүр* (кўприк) ва ш. к.

Қорачой-балқар шеваларида ва ўрганилаётган шеваларда *ыстакан, ышкап, ысталба, ыразы, ырайон, испирт, ыскылат* сингари ўзлашган сўзларнинг протезага учраган ҳолда талаффуз этилиши деярли бир хил.

Қуйидаги сўзлар ҚҚАССРдаги ўзбек *й*-ловчи шеваларида ҳамда қараим тилида (асосан Тракай диалектида) бир хил кўринишга эга: а) *йарқанат* (кўршапалак), *балақ* (шим ёки иштон почаси), *бал* (асал), *ақтық//ахтық* (невара), *аррақ* (нарироқ), *йумруқ* (мушт), *маңлай* (пешона), *йумуш* (иш), *йарлы* (камбағал), *йапрақ*... (барг) ва ш. к. б) *дэп — даф* (чилдирма), *әлэм — алам* (байроқ), *аш—аш//ас* (овқат); в) *йаван* (қишлоқ) — *йабан* (дашт), *джүббэ* (болалар кийими) — *джүбэ* (уст кийим), *зыйаңкэр* (зиён, зарар етказувчи) — *зыйанкяр* (исрофгар) ва б.

Бу хил хусусият текширилаётган шевалар билан қрим-татар тили ўртасида ҳам мавжуд. Қиёсланг, Ққ. ўзб. — қр.-тат. *ба : р* (баҳор) — *баар, чанақ* (коса) — *чанак, са : т//сэ : т* (соат) — *саат, бирдэй* (бир хил) — *бирдай, йары* (ярим) — *яры, ғоз* (ёнғоқ) — *қоз, йаңы* (ҳозир) — *яңы;* шунингдек, *ағач* (ёғоч, дарахт), *тимтик* (тикка), *мынавы* (мана бу), *анавы* (ана бу, ана у), *йатсаңа* (ётсанг-чи) — *ятсана* ва б.

Қрим-татар тилининг жанубий (қисман ўрта) диалекти ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасига (ҚҚАССРдаги Тўрткўл-Сарибий ҳамда Жанубий Хоразм шеваларига) анча яқин. Қиёсланг. Тўртк.-С. бий. қр.-тат (диал.): *о : дынджы* (ўтинчи) — *одунджы, гизлэ* (яшир) — *гизла, ғоч* (қўчқар) — *қоч, гэмэ* (кема) — *геми, булаш-* (булғаш-) — *булаш. а : джы* (аччиқ) — *аджджы, дүнүңги* (анови кунги) — *дүнки* ва б.

Яна қиёсланг: Тўртк., С. бий — қум.: *гэзмэк* (кезмоқ) — *гезмек, гэлин* (келин) — *гелин, гэлмэк* (келмоқ) — *гелмек, гетмэк* (кетмоқ)— *гетмек, гөк* (кўк), *гөз* (кўз); *салынчақ* (арғимчоқ), *эт* (гўшт), *дөрт* (тўрт) ва ш. к.

Қараим тилида (айниқса унинг Қрим диалектида) ҳамда Хоразм-ўғуз шеваларида параллел учрайдиган сўзлар анчагинадир. (мисоллар «Караимско-русско-польский словарь»дан олинди): *даг* (тоғ), *дал* (тол ходаси), *дағыт* (тарқат), *даш* (тош), *йазық* (гуноҳ), *сычан* (сичқон), *саваш* (уруш, жанг), *оғул//оғыл* (ўғил), *товшан//тавшан* (қуён), *үчәк* (том) — *үчәк//үчяк* ва б.

Келтирилган фактлар Н. А. Баскаковнинг мазкур группадаги тиллар қипчоқ тилларига оид асосий хусусиятларни сақлаган ҳолда, бошқа қардош тилларни ўзига сингдириб юборганлиги натижасида, ўғуз ва қисман булгар тилларига оид баъзи хусусиятлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га ҳам эга бўлган[82], — деган фикрнинг тўғри эканлигига яққол далилдир.

Хуллас, қипчоқ-половец подгруппасидаги тиллар *э* унлисининг қўлланмаслиги жиҳатдан ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларидан ҳамда татар, бошқирд тилларидан фарқ қилади.

Қозоқ, қорақалпоқ ва нўғой тилларидаги *с* ундоши ўрнига *ш* ундошини ҳамда *ш* ундоши ўрнига *ч* ундошини ишлатиш жиҳатдан қипчоқ-половец подгруппасидаги тиллар ҳамда Қорақалпоғистондаги ўзбек (қипчоқ) шевалари бир хил.

Кўпгина лингвистик хусусиятларига кўра, қумиқ тилининг бўйнак ва хасаюрт, қорачой-балқар тилининг *ч*-ловчи (қорачой-баксак-чегем), қараим тилининг тракай, қрим-татар тилининг шимолий ва қисман марказий (ўрта) диалектлари бу тилларнинг бошқа диалектларига нисбатан ҚҚАССРдаги ўзбек (қипчоқ) шеваларига анча яқин.

Қараим тили рус, украин, поляк сингари славян тилларининг, қумиқ тили Догистон тилларининг, қорачой-балқар тили эса осетин, кабарда, черкас, абхаз тилларининг озми-кўпми таъсирига учраганлиги сабабли Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларидан, умуман, қипчоқ группасидаги бошқа тиллардан фарқ қиладиган айрим лексик хусусиятларга эга.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари билан қипчоқ группасидаги туркий тиллар ўртасидаги лингвистик ўхшашликларнинг мавжуд бўлишида мазкур тиллар ва шеваларда сўзлашувчи халқларнинг иқтисодий, маданий, хусусан, тарихий-этник алоқалари муҳим роль ўйнаган.

2. ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари билан қипчоқ группасидаги туркий тилларда (қорақалпоқ, нўғой, бошқирд, қозоқ каби тиллар ва айниқса бу тилларнинг айрим шеваларида) учрайдиган лингвистик ўхшашликлар (жумладан, жуда кўп миқдордаги лексик параллеллар) мазкур тиллар ва шеваларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида Хоразм (Амударё) — Орол — Сирдарё лингвистик ареали мавжуд бўлганлиги билан изоҳланади.

3. Сўз бошида *й* ёки *дж* ундошининг ишлатилишига кўра, ҚҚАССРдаги *й*-ловчи ўзбек шеваларн бошқирд, қумиқ, нўғой, қараим, татар тилларига (татар тилининг Ғарбий Сибирь, мишар диалектларига, Бараба татарлари тилига), қрим татарларининг жанубий диалектига; *дж*-ловчи шевалар эса қорачой-балқар тилига, татар тилининг ўрта, нўғой тилининг соф нўғой, қорақалпоқ тилининг жанубий, қрим-татар тилининг шимолий диалектларига яқин туради. Кўриниб турибдики, бу жиҳатдан Қорақалпоғистондаги

[82] Н. А. Баскаков. Введение в изучение тюркских языков, М., 1969, стр. 274.

www.ziyouz.com kutubxonasi

й-ловчи ва *дж*-ловчи шевалар билан қозоқ, қорақалпоқ тиллари ўртасида катта тафовут бор.

4. Баъзи муҳим фонетик белгиларига кўра, масалан, *ч* ундошининг *ш* ундоши, *ш* ундошининг эса *с* ундоши ўрнида ишлатилмаслиги (*ч*>*ш*, *ш*>*с* йўқлиги) жиҳатдан ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари қипчоқ-булғор ҳамда қипчоқ-половец подгруппаларидаги тилларга ўхшаш бўлиб, қипчоқ-нўғой подгруппасидаги тиллардан фарқ қилади. Шунингдек, қипчоқ-нўғой, қипчоқ-половец тилларидаги *е* унлиси ўрнига *ə* унлиси қўлланиши жиҳатдан Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари қипчоқ-булғар подгруппасидаги тилларга анча ўхшашдир.

5. Профессор Е. Д. Поливановнинг Шимолий Хоразм (шу жумладан Қорақалпоғистондаги ўзбек) шеваларининг «қозоқлашган»лиги ҳақидаги фикрини қпёсий лингвистик фактлар тасдиқламайди. ҚҚАССРдаги ўзбек шевалари айрим лингвистик хусусиятларига кўра, қозоқ тилига нисбатан қорақалпоқ ва нўғой тилларига бир қадар яқин туради.

6. Ғарбий Сибирга бориб ўтроқлашиб қолган ўзбеклар орасида хоразмликлар (шу жумладан, ҳозирги ҚҚАССР территориясидаги ўзбекларнинг аждодлари) ҳам бўлган. Ғарбий Сибирда ўзбек тилининг «Бухоро диалекти» ёки «сибирлик ўзбеклар шеваси» йўқ, фақат Ғарбий Сибирдаги татарлар диалектида ўзбек тили ва шеваларига хос элементлар бор, холос. Бироқ бу элементларнинг, аниқроги Ғарбий Сибирь татар диалектидаги ўзбек тили ва шеваларига ўхшаш лингвистик фактларнинг барчаси бу ерларга ўзбеклар бориб қолгандан кейин (XV—XVI асрлардан сўнг) пайдо бўлган эмас, чунки мазкур лингвистик хусусиятларнинг айримлари сибирдаги туркий халқлар (кейинчалик ўзбек халқи составига қўшилган уруғ-қабилалар) тилида азалдан мавжуд бўлган.

7. Ўтмишдаги ўзбек уруғ-қабилалари, этник гуруҳлари — барчаси ҳозирги пайтда, ўзбек миллати составига қўшилиб кетган. Шу сабабли, ўзбек шевалари синхроник планда текширилар экан, уруғ-қабила номлари билан эмас, балки шевалар тарқалган жой номлари билан аталиб, тадқиқ этилгани маъқул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ЛУҒАТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛУҒАТНИИГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА БИР НЕЧА СЎЗ

Луғатга бош сўз сифатида қуйидаги сўз-терминлар киритиладн[1].

1. а) ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган, фақат шеваларга хос соф диалектизмлар: *мыт//мут//му : т* (бепул, текин), *ғоз* (ёнғоқ), *сархым//сархум* (кружка), *лапа//ла : па* (конверт) ва б.; б) шевалар учун характерли бўлган аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар: *қуйашлама* (офтобрўя), *этләс* (гўштдор, семиз), *гуруңләшмә* (суҳбат), *чақырышма* (меҳмондорчилик); в) компонентларнинг адабий тилда бўлиши, бўлмаслигидан қатъий назар адабий тилда учрамайдиган, фақат шевалардагина қўлланадиган қўшма, жуфт ва жуфт бирикмали сўзлар: *унашы* (угра ош), *әйинағач* (обкаш), *гөнә-гөкси* (эски-туски), *ғарып-қасар* (етим-есир),

2. Адабий тилдаги сўзларга фонетик жиҳатдан ўхшаш бўлса ҳам, шеваларда бошқача маънода (ёки маъноларда) қўлланадиган сўзлар: *бай* (эр), *атақлы* (унаштирилган қиз), *аташдан* (ўчоқ олди). Луғатда бу хилдаги сўз-терминларнинг адабий тилдаги маънолари кўрсатилмади.

3. Турли хил фонетик ҳодисалар (товушлар алмашиниши, ортиши, тушиши, сўзларнинг торайиши, метатеза ва б.) туфайли кучли ўзгаришларга учраган сўзлар: *лүппә-лүп* (лимма-лим), *ақ-қалмақ* (олиб қолмоқ), *үйрәк* (ўрдак) ва б. Бироқ шевалардаги камроқ фонетик ўзгаришларга учраган *сары* (сариқ), *гөв : вәр* (гавҳар), *сав* (соғ) каби сўзлар луғатга киритилмади.

Луғатга киритилган бош сўзларнинг алифбо сираси қуйидагича: а, ә, б, в, г, ғ, з, э(е), ж, з, и, ы, й, к, қ, л, м, н, ң, о, ө, п, р, с, т, у, ү, х, ҳ, ч, ш.

Полисемантик бош сўзларнинг маънолари 1, 2, 3 каби рақамлар билан берилди: *лан//лән* 1. *вет.* ҳайвонларда эпидемия туси-

[1] Луғат учун материаллар ҚҚАССРнинг Амударё, Хўжайли, Қўнғирот, шунингдек, қисман, Шуманай ва Ленинобод, ҳамда Беруний, Тўрткўл районларидаги шаҳар ва овулларда яшовчи ўзбеклардан — ишчи, колхозчи, совхозчи ва пенсионерлардан шахсий кузатиш, суҳбатлашиш, шахсан ёзиб олиш (шу жумладан, магнитофон лентасига ёзиб олиш), сўроқлик-анкеталар бўйича сўраш орқали тўпланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни олган касаллик (куйдирги, манқа, ўлат ва б.); 2. *мед.* фалаж, шол касали.

Ҳар бири бош сўз сифатида берилган омонимлар I, II, III сингари рим рақамлари билан кўрсатилди.

Бош сўзнинг шеваларда учрайдиган фонетик вариантлари (агар улар ўша бош сўздаги каби товуш билан бошланган бўлса) бир-бирлардан//ёки ≈ (параллеллик белгилари) билан ажратилган ҳолда берилди. Бошқа хил товушлар билан бошланган формалар эса алоҳида бош сўз сифатида берилиб, қ. ишораси билан аввал қайд этилган сўзга ҳавола этилди.

Бош сўз сифатида берилган баъзи сўз-терминларнинг эскирганлиги, кўчма маъноси, қайси соҳага оид эканлиги, зарур ўринларда қайд этилди: *сарҳаң* (Хўж.) *эск.* қалъа атрофидаги мудофаа иншоотларини қўриқлашга жавобгар амалдор.

Сўз бошида чўзиқ унлиси бўлган бош сўзлар, чўзиқ бўлмаган бош сўзлар охирида берилди. Масалан, *ə* унлиси билан бошланувчи сўзлар тугагач, *ə:* унлиси билан бошланган сўзлар келтирилди. Сўз ўртасида чўзиқ унлиси бўлган сўзлар чўзиқ бўлмаган унлилардан кейин *(гоч//го : ч* тарзида) жойлаштирилди.

Бош сўздан кейин шу бош сўз учрайдиган объектлар номи қисқартирилган ҳолда, қавс ичида берилди; шеваларнинг барчасига (ёки кўпчилигига) оид бўлган бош сўзларнинг қайси объектларда учраши кўрсатилмади. Шевалар луғатида жуда кўп майда объектларни кўрсатишдан кўра, уларни шева ва шева группалари номи билан умумлаштириб берган маъқул. Шу сабабли, бош сўз бир қанча кичик объектларда учраган тақдирда улардан энг йириги бош объект сифатида қайд этилди.

а

аба (Хўж.) — она: абам джоқ, иштə.
абай (Хўж., Қўнг., Манғ.) — дўқ, пўписа.
абақламақ (Манғ.) — омади келмоқ, иши юришиб кетмоқ.
абджөш (Тўртк., С. бий) — маска узумдан қилинган майиз.
абылайсан (Хўж., Манг.) — кўп ёққан ёмғир.
абырджы I — баҳор ва кузда (Амударёда) муз парчаларининг оқиб туришн: дəрйə абырджы, өтип бомыйды (Манг.)
абырджы II (Бер., Тўртк.) — паст сифатли қоракўл тери.
абысəрəң I (Хўж.) — нимжон, запф, дармонсиз, ожиз: дым абысəрəң əкəн.
абысəрəң II (Хўж.) — хаёлпараст, фантазёр.
абқур//абқур қазув (Хўж.) — *эск.* ўз аригини ўзи қазимоқ: абқур қазув бул өзининң джабыңды қазувга айтылады.
ав I (Бер.,Хўж., Қўиг.) — балиқ тутадиган тўр.
ав II (Манғ., Хўж., Қўнг., Бер.) — иштон оғи.
ав III (Бер., Манг., Хўж.) — эй, не (ҳайрат, таажжуб; мурожаат, ундов): ав, Джүмəкə, нешитиватырсаң? (Манг.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ава//авва I—ҳа, ҳа шундай, тўғри : барып гәлдиңми? — ава (С. бий); **авваң** (ҳурмат маъносида).

ава II (Тўртк., С. бий) — овул, қишлоқ: аваға варамиз (С. бий).

авәк (Қ. бой) — *эск.* чиғир устунининг айланиб туриши учун қазилган чуқурча: ҳазыр энди чыгырам йоқ, авәкләрә : м йоқ.

авған (Бер.) ∞ **авғән** (Тўртк.) — сифатсиз, нави ўзгарган қоракўл тери.

авзалалық//авзалачылық (Бер., Манг., Хўж.) ∞ **ағзалалық** (Тўртк., С. Бий) — келишолмаслик, бир-бири билан аҳил бўлмаслик, бир фикрга кела олмаслик: авзалачылық боған йердә иш болама? (Манғ.).

авзачық I (Манғ., Бер., Хўж.) ∞ **ағзачық** (Тўрт., С. бий) — сергап, вайсақи, сир сақламайдиган одам; бефаҳм.

авзачық II (Манғ., Бер., Хўж.) ∞ **ағзачық** (Тўртк., С. бий) — беляши (қийма солиб, бир томонини сал очиқ қолдириб, товода пиширилади ган сомса).

авзыбирчилик (Манг., Бер., Хўж.) ∞ **ағзыбирчилик** (Қ. бой) ∞ **ағызбиллик** (С. бий) — ҳамжиҳатлик, бирдамлик, бир-бирини қўллаш.

авзы толган (Қўнг.) — беш яшар қўй.

авыз (Тўртк., С. бий) — оғиз сути (янги туққан сигир сути); **авыз бәрәк** — оғиз сутидан пиширилган юпқа, катта сомса.

авық-йавық//алыс-йавық (Тўртк., С. бий) — узоқ-яқин: то : йымыза авық-йавықдан ка : н адам гәлди (Тўртк.).

авыртмақ (Бер., Манг.) — от, эшак, туя устига юкни икки ёқлама тенг қилиб солмоқ.

авышмақ I — ортиб қолмоқ: пулым авышып қалды (Хўж.); авышчақ зат йоқ (Манг.); **авышық** — ортиқча; **авыштырмақ** — орттирмоқ; **ич авышмақ** — куюнмоқ, ачинмоқ: бийчарага дым ичим авышты (Бер.); **эси авышмақ** — эси паст бўлиб қолмоқ.

аврамчылық I (Бер.) — огирчилик; кулфат: йурт башына аврамчылық түшмәсин (Қуллар овули).

аврамчылық II (Бер.) — бузуқилик, бузукчилик: хан үйләимәсә, йуртта аврамчылық болады (Шимом).

аврув (Манг., Бер., Хўж., Қўнғ.) — касал.

авсыл //авсул I (Манг., Бер.) — апқов, гўл, овсар (одам).

авсыл//авсул II (Манг., Бер.) — *вет.* оқсил касали (қорамол, туя ва чўчқаларда бўладиган юқумли касал).

аға — 1. ака: атам, ағам, мән дарйага балық тутмайа барвәдик (Тўртк.) 2. (Қўнг.) ота : ағасы отрақ, апасы джүгрәк, баласы қошықчы, қызы ойынчы; 3. ёр, маҳбуб; 4. ёши каттароқ эрларга ҳурмат билан мурожаат қилиш.

ағабий — 1. жўрабошп: теңгурлардың зыйапатында агабийдиң айтқаны-айтқан, дегәни-дегән (Манғ.); 2. базмни бошқарувчи шахс.

ағайә//а : ғайә (Тўртк., С. бий., Ш. хон) — оға-ини, ака-ука: бы мәни а : ғәйәм (С. бий).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ағары//ағры (Қўнғ.) ∾ **ағры//ары** (Тўртк., Бер.) ∾ **ары** (Манғ., Хўж.) — *эск.* 1. оғир ва енгил ўлчов бирликларига эга бўлган кичик оғирлик ўлчови: **40 ағры** (Қўнғ.) — 5 кг ∾ (Хўж.) 2,5 кг; **бир ағыр//ары** (Бер.) — 23 мисқол; 2. юза ўлчови.

ағывоз — тухумнинг оқ қисми: қарый бува мэйэктиц агывозын өзи йийди, сарывозын баласына бередди (Манг.)

ағызбиллик I (Тўртк., С. бий., Ш. хон) — туфдон (нос тупирадиган идиш).

ағыз исқамақ (Тўртк., С. бий) — синаб кўрмоқ, бирор нарсани билиб олмоқ: бы сапар варып агзыны исқан гөр (Тўртк.).

ағыз йағламақ (Тўртк., С. бий) — 1. алдамоқ, амалга ошмайдиган гап билан овутмоқ: йўзинэн өтэволмийи, қуры агыз йагламаган (Ш. хон.); 2. пора бермоқ: агзын йагламасаң и : шиц битмийди (С. бий).

ағыз салмақ (Тўртк., С. бий) — 1. гап отмоқ, бирор гап айтмоқ: дэймэйэн йе : рэ ағыз салма (Тўртк.). 2. олмоқ, олиб емоқ: қанта: ағыз салавэрийнчэ, нан йесоң вомыймы? (С. бий).

ағламақ (Тўртк., С. бий) — йигламоқ.

ағрам (Тўртк., С. бий) — оғирлик, вазн.

ағуйли қылмақ (Бер., Хўж., Қўнг., Манг.) — бадарға қилмоқ.

адағарба//адагарва — ёш болаларни юришга ўргатиш учун қилинган уч гилдиракли ёғоч аравача.

адағлы (Тўртк., С. бий) — ушаштирилган (қиз): йаңақы қыйз бирэвэ адағлы.

адыққан (Тўртк., С. бий) — машҳур, атоқли, ном чиқарган.

адырасман//адрасман (Хўж., Қўнг., Манг.) — *бот.* исириқ.

адрамкэш (Қ. бой) — чарм, чипта кабиларни тикиш учун қўлланадиган катта, узун (10—15 см), учи илмоқли жуволдиз.

адрацкэш (Хўж.) — пастроқ, текис (ер).

азавлақ (Тўртк., Бер., Ш. хон) — озми-кўпми: энди азавлақ кунимиз қалган, балам (Бер.).

азазыл (Тўртк., Бер.) — 1. золим, зўравон; айёр, мугомбир; 2 **дин.** Азроил.

азғантай//азғантый//азыкэм (Манг., Хўж., Бер.) ∾ **азымчық** (Хўж.) — оз-моз, озгина.

азғын I — ёзги нав қовун; ранги саргиш, бешак қовуннинг озган тури.

азғын II (Хўж., Қўнг., Манг.) қ. **абырджы** II.

азықмақ — мед. шишмоқ, яллиғланмоқ.

азық-тулық (Қўнғ., Хўж., Бер.) — озиқ-овқат:... азық-тулық, қорэджэтти көп алды (Қўнғ.).

азмақ — ёмон йўлга кирмоқ, бузилмоқ: джагалы кийим тозмыйды, ағалы қыз азмыйды (Хўж.).

азман — бичилган, ахта қилинган (ҳайвон).

азув йарған (Манғ., Хўж.) — олти яшар от.

айа (Манғ., Хўж., Бер) ∾ **а : йа** (Тўртк., С. бий) ∾ **алақан** (Қўнг.) кафт: айама сап көрдим (Қ. бой); айамда боса джалыйман, ағамда боса тилиймэн (Б. том); **айадай — кичик, кафтдек.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

айазламақ — шамолламоқ, совуқ тегмоқ: айазлап қаған экон (Қ. бой).
айайер (Манг. ,Хўж.) — текис, экин экишга яроқли ер.
айақ — охир, сўнг: шу айнинг айағы дым сувық болды (Қ. чоқ).
айақ ачмақ (Тўртк., С. бий) — тетапоя бўлмоқ: баламыз айақ ачма : қа башлады (С. бий).
айақ көпир — кўприкча (арава юрмайдиган кичик кўприк).
айақламақ — битирмоқ, тугатмоқ: пахсаны айақлагансоң, бир атала ичәрмиз, ҳазыр қойып тур (Қ. чоқ).
айақлашмақ I (Бер., Тўртк., Манғ.) — 1. *этн.* сўйилган мол гўштини тенг миқдорда бир нечта бўлак (уюм) қилиб, чўп билап қуръа ташлаб, бўлишиб олмоқ; 2. сўйилган мол гўштининг ҳақини нақд пул тўлаб ўзаро бўлишиб олмоқ.
айақлашмақ II — жой торлигида бошни қарама-қарши томонларга қўйиб бирга ётмоқ: күндүзи тайақлашар, кечәси айақлашар (Манғ.).
айақ салма — насос ёрдамисиз ўзи оқиб келадиган ариқча.
айақ салмақ — пишиб етилган маҳсулотнинг йигиб-териб олинишини бошлаб юбормоқ.
айақ сув — дарё, анҳор ёки каналдан оқиб келадиган сув.
айбағар (Қўнғ.) — кунгабоқар.
айбана пулы — *эск.* ариқ қазишда норманп бажармаган қишлоқ (овул) қазувчилардан олинадиган пул солиғи: қазувда авлымыз көп айбана пулы төләгән (Хўж.).
айбықаддам (Хўж.) — *эск.* уятсиз, беор, ҳаёсиз: айбықаддам адамлар көбәйсә дунйа бузулады.
айғыр джер (Хўж., Қўнғ.) — *кўч. м.* жуда яхши ер: айғыр джер — джердиң маңлайы (Қўнғ.).
айғырламақ (Бер.) — қоракўл терига дастлабки ишлов бермоқ: қозы тери ғайыр чәгәдә айғырланады (Б. боз).
айғыр тишләгән (Бер., Тўртк.) — уч ёшга тўлган урғочи той.
айғырча (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — *кўч. м.* шўх, ёш йигит, ёш ўғил бола.
айдын — қамиш ўсган кўлдаги очиқ (қамиш бўлмаган), жуда чуқур жой.
айық — ҳушёр, спиртли ичимликдан ичмаган ёки ичса ҳам маст бўлмаган (одам): айықмысан, мәсмисән? — ҳели айықман, берәвөр (Қ. бой.); **айық йер** — экилиб, турган, суғорилган ер.
айылмақ — 1. спиртли ичимлик ичгандан кейин ўзига келмоқ, ҳушёр бўлмоқ: ахшам көп боған әкән, бүгүн айылдым (Қ. бой); 2. тузалмоқ, соғаймоқ.
айырмақ — 1. ёрмоқ: бүгүн мынав вотылларды айырамыз (Ж. тов); 2. ажратмоқ: қатын айырув аңсат иш әмәс (Хўж.).
айыш (Тўртк.) — озодлик; ёруғлик: сән мәни айыша чықардың... дәпти.
айқыллы-уйқулы — айқаш-уйқаш; бәрисин айқылы-уйқылы этип йибәрдиң (Қ. бой.); 2. катак-катак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айламма//айналма — *кўч. м.* гирдоб: айламмада айламмыйдав кəмəниз (Манғ.).
аймақ — жазоламоқ, урмоқ, қаттиқ саваламоқ.
айна — 1. дераза: айнаны ачып қойың (Бер.); 2. кўзгу.
айнағап (Хўж., Қўнғ.) — *эск.* кўзгу, тароқ соладиган халтача.
айнағы (Бер.) ∾ **анйағы** (Манғ., Хўж.) — парги томони.
айнықсарақ (Бер., Манғ.) — бошқачароқ.
айпара — 1 .ўз хотинига мурожаат; хотин: бизиң айпарага гəп таппа (Манғ.); 2. хотин-қизларга мурожаат.
айралмақ (Манғ.) — 1. ажрата олмоқ: қатынын айралмай джўрипти (Б. том). 2. фарқламоқ, фарқини билмоқ: бизəрдиң тилləрди айралмай джўрипсизмə? (Қ. чоқ).
айраты — бошқанинг, бировниңг кийими: айраты кийип ай болдым, алып кетти шай болдым (Манғ.).
айры I — икки ўркачли туя, айри туя.
айры II — паншаха: **айры тайақ**—икки тишли ёғоч паншаха; **айрағач** (Хўж.) айри сопқон, рогатка.
айры III — таппон (карта ўйинида).
айтым//айтув (Хўж., Қўнг., Манг.) — халқ оғзаки ижодининг назмий бир жанри — қўшиқ: айтым айтып бир джылав джылады (Б. том).
ақ — сут-қатиқ: уйытқыга аз-маз ағыңнан бер (Манғ.).
ақаба — ариқдан оқаётган озгина сув; ариқ охиригача оқиб борган озгина сув: сува : м кəм, ақаба ичип отырмыз (Б. том.).
ақавачқан (Хўж., Қўнғ.) — 1. шўрлаб, ёрилиб кетган (ер); 2. *мед.* пес.
ақаппақ (Тўртк., С. бий) — оппоқ.
ақбаш//ахбаш — 1. фақат боши оқ наслдор қорамоллар: ақбаш сыйыр (Хўж., Манғ.); 2. *бот.* Оқбош (шоль-шоль ойларида оқ рангда гуллайдиган ёввойи ўсимлик).
ақбүйир (Манғ.) — қорин остининг ўртаси оқ рангда бўлган моллар.
ақгүл (Бер., Манғ., Хўж.) — қора рангдаги аъло нав қоракўл тери.
ақый (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — 1. бир кўзига оқ тушган киши; ақый адам күнгə қарыйалады (Манғ.); 2. гилай.
ақыйқ (Қўнғ., Шум.) — дангаса, ишёқмас.
ақыləвəл//ақləвəл (Бер., Манғ.) — ақл ўргатувчи: мениң бир хатыным бар, ақыləвəлимəм, иш буйуратуванымам шу дийдн ləвəнт (Бер.).
ақкəрт — оқ чит: джақында вон мийтир ақкəрт аведим (Қ. чоқ).
аққалмоқ (Тўртк.) — олиб қолмоқ: баланы аққалды, бермəди (Қ. қиз).
аққаш — кузги нав қовун; майда тўрли, ранги оқ-кўкимтир, ширин қовун.
аққын (Бер., Манғ.) ∾ **аққыш** (Қўнғ.) — сувнинг тез оқиб турган жойи.
аққула (Хўж., Қўнғ.) — *эск.* хирмон кўтарганда камбағалроқ одамга (қадимда муллага) бериладиган дон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ақлав (Тўртк., С. бий.) — бўйинтириқ.
ақлама (Хўж., Қўнғ.) — оқ жўхори: атқа ақлама бер (Қўнғ.).
ақлық I — *этн.* 1. тўй, маросимларда бериладиган оқ чит парчаси; 2. пойгага юборириладиган отлар бўйнига боғланадиган чит.
ақлық II (Қўнғ.) ∾ **ақтық** (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) ∾ **ахтық** (Тўртк., Ш. хон.) — набира.
ақлық III — *қ.* **ақ**.
ақлық-джавлық//ақлық-шавлық (Қўнғ.) ∾ **ақтық-чавлық** (Бер., Манғ., Хўж.) ∾ **ахтық-чувлық** (Тўртк., С. бий.) — невара-чевара.
ақма — *мед.* йиринг оқиши (ярадан, қулоқдан йиринг оқиб туришп).
ақнават — ёзги нав қовун; ранги оқ (оқимтир-сарғиш), пўчоғи тўрсиз, юпқа; шакли узунчоқ, ширин қовун.
ақра (Тўртк., Бер., Хўж.) ∾ **ахыра** (Қ. бой) — *эск.* чуқур ариқ тағидан олинган тупроқни бошқа бир кишининг яна ҳам юқориға иргитиши учун ариқ қирғоғи ўртасига қилинган йўл, текис жой (унда юриш, қадам қўйиб туриш мумкин).
ақрап//ахрап — *эск.* ақраб (октябрь ойи): ақрапта сувығ урмаса, ахрәттә : м сувығ урмыйды (Манғ.).
ақрын (Бер.) — аста-секин: ишти ақрын ишлийвәрәсән (Шимом.).
ақсақпәргәр (Манғ.) — *эск.* циркуль: қаңылтырды ақсақпәргәр минән өлчәп кәсәтуғын эдик.
ақсу : р (Тўртк.) ∾ **ахсур** (Бер.) — гулининг таги қора, усти оқиш қоракўл тери.
ақтаба (Манғ.) — шўр, аччиқ.
ақтақыр — экин экилмаган тақир (ер).
ақтанав (Бер.) — тумшуги оқ рангли мол; тумшуғи оқ от.
ақтумшуқ//ахтымшық (Хўж.) — 1. ётти-саккиз яшар қўй; 2. қариган мол.
ал (Бер., Манғ., Хўж.) — ҳа; хўш; ал, әвәсә мен кеттим (Манғ.).
алабә : р (Хўж.) — эрта баҳор: алабә : рдә эккәнимиз көгәрмәди.
ала вағырды — ғала-ғовур, вағир-вуғур.
алагүлүк — *вет.* туяларнинг ёппасига қирилиб кетадиган касаллиги.
алағай-булағай (Тўртк.) — аралаш-қуралаш.
алағайым II — бегам, бепарво; солда: дым алағайым әкәнсән (Манғ.).
алағайым II — тўс-тўполон: ҳәммә джақ алағайым болды қалды (Хўж.).
алағайым III — юрак ўйноғи: джүрәгим алағайым боп турыпты (Қ. чоқ).
алағайым IV — ҳаво бузилиши, ҳавонинг айниб туриши.
алакәсәк (Хўж., Манғ.) — суғорилаётганда сув текис тўлмасдан кесаклари кўриниб турган пайкал.
алақыйқас — олаговур, қий-чув, тўс-тўполон: ийт ийәсин, пышық бийкәсин билмийди, алақыйқас боп кетти (Манғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

алақчын — 1 ўтов ўртасида ўт ёқиладиган (тўртбурчак шаклида ёғочдан ишланган, атрофида одамлар ўтирадиган) жой; 2. ўчоқ олди.

алан//алаң I — 1. ангиз (ҳосили йиғиштириб олинган ер): джазлық аланға малды джибәр (Хўж.); 2. қўриқ, бўз ер; 3. (Хўж., Манғ.) яланглик.

алан//алаң II — сув оқмайдиган эски ариқ ўрни.

аланғап (Тўртк., Бер.) — яланглик.

алапасырды — олағовур, тўполон, қий-чув, шовқин-сурон.

алапота — *бот.* семиз ўт: тырмыджақ, қылбой, алапота дегән отлардан гөммәгә салып джийдиләр, дым мазалы болады (Қ. чоқ.).

аларман — олувчи, оладиган шахс; харидор.

аласалмық//арасалмық — пайт, фурсат, бир лаҳза, бир зум, кўз очиб юмгунча: шу аласалмықта бир қойды көтәргән (Бер.).

ала сур — сур қоракўлнинг энг паст тури.

алатав (Хўж., Қўнг.) — пўстин этагига тутилган чит жияк.

алахәммә — кузги қовун, қишда сақланади, пўчоғи қалин, ранги сариқ, шакли юмалоқ-узун, катта (30—35 кг) қовун.

алача (Бер. Тўртк., Манг.) ~ **алаша** (Қўнг.) — жун ва пахта нпларн аралаштириб тўқилган палак.

алаша (Бер., Қўнг.) — зотлн от билан оддий байталдан пайдо бўлган бўйи пакана от.

аләккә — ёзги қовун, гурбакнинг бир хил нави, ранги кўкимтир, магзи серсув, юмшоқ, оғирлиги 5—6 *кг* гача борадиган қовун.

албырамақ//алвырамақ — 1. довдирамоқ; саросимага тушмоқ: келин келди деп албыраған, бурунлари салбыраған, қайненәсинә бир салам (Б. боз.); 2. алаҳламоқ.

алғәрәз//әлғәрәз (Хўж., Манг., Бер.) — *фольк.* хуллас, ниҳоят; шундай қилиб: алғәрәз, йигит шол начарга үйлөниб, мурат мақсатына йетәди (Бер.).

алданчық — овунчоқ; балалы боиты, йахшы болды, вәзинә алданчық (Манг.).

алдары (Манг., Қ. чоқ.) — илғор.

алдычы (Хўж.) — пода, сурув олдида юрадиган мол.

алджашмақ (Хўж.) — янглишмоқ; алжимоқ.

алым (Тўртк., Бер.) — ўзига тегишли улушини олиш: нә дурыпсан, алымыңы алда гет (Г. суп).

алымсақ (Бер., Тўртк.) — 1. порахўр: оның алымсықлығы бар дәмәсән (Ш. хон); 2. олғир (эгаси бермаса ҳам йўлинн топиб олиб кетадиган шахс).

алыпсатар — чайқовчи: милиссийәләр бүгүн базарда алыпсатарлардың бәрнн ұшап апкетти (Манг.).

алыштырық (Манг., Бер.) — тутантириқ: алыштырық қойып йақ... (Манг.).

алыштырмақ I — алмаштирмоқ: қаны са : тларны алыштырамызма? (Шимом).

www.ziyouz.com kutubxonasi

алыштырмақ II — 1. ёқмоқ, ёндирмоқ: пеш пысқып йатмасын, алыштырып йибәр (Қ. бой); 2. ёндириб олмоқ.
алыштырмақ III — суҳбатни жонлантирмоқ: гүрүчни алыштырып йибәрди.
алқым I (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — бўйин, бўйиннинг олд томони: алқымына джабышды (Қўнғ.).
алқым II (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — оёқ кийимнинг уст томони.
алма-гәззик (Манғ., Бер.) ∾ **алма-гәзик** (Хўж., Қўнғ.) — навбат, навбатма-навбат.
алмағавақ (Хўж., Қўнғ.) — *бот.* томоша қовоқ (жичик, олмага ўхшаш болалар ўйнайдиган қовоқ).
алмайышлы (Қ. бой) — уқувли, келишувчп.
алмас — хавфсиз устаранинг тиғи (рус. лезвие).
алмурт (Манғ., Хўж., Қўнғ.) ∾ **алмурут** (Тўртк.) — *бот.* нок.
алпайым (Хўж.) — одобли, хушмуомала; содда, дилкаш, меҳнатсевар.
алтатар — *эск.* револьвер: йелкәдә бешатар, белдә алтатар (Қ. чоқ).
алчақ (Тўртк., С. бий.) — чаққон, эпчил, уддабурон.
амалабир//аманабир — 1. э, шима (эътироз, норозилик): амалабир асман йыгылып йергә түштимә, не болды? (Манғ.); 2. гўё, гўёки, шекилли.
амдамлы//андамлы//андамлывала (Манғ., Бер., Хўж.) ∾ **аннамлы** (Тўртк.) — яхши, жуда яхши, тузук.
ангүддүк (Қ. бой) — онгсиз, эс-ҳушини йўқотган: не, ангүдүк боп қалдың, тыртым отырысаң?
анйақ-мынйақ (Манғ.) — у ёқ бу ёқ: анйақ-мынйаққа үңиләбермә.
айнер-мынйер (Манғ., Хўж.) — у ер-бу ер: айнер-мынйергә баралмыймыс, мынав бағалар минән чувалышып (Манғ.).
антықа (Тўртк.) — аъло навли сур, қоракўл тери.
антық-мантық (Хўж., Қўнғ.) — унақа-бунақа.
антув (Хўж., Қ. чоқ) — ант, қасам: ғәрәз антув ичәди (Қ. чоқ).
антурған — 1. аблаҳ, малъун, лаънати; 2. қасамхўр.
аң (Бер., Хўж., Қўнғ.) ҳайвон, йиртқич ҳайвон: **аң авламақ** — ҳайвон, йиртқич ҳайвонни овламоқ.
аңармақ I — уддаламоқ, эпламоқ; бажара олмоқ.
аңармақ II — қараб турмоқ, назорат қилмоқ.
аңаррақ (Манғ., Бер.) — нарироқ: аңаррақ тур (Манғ.).
аңатаң (Тўртк., С. бий) ∾ **аңтаң** (Манғ., Бер., Хўж.) — ажабланиш: **аңтаң болмақ** — ҳайрон бўлмоқ, тонг қолмоқ.
аңғыз (Манғ.) **аңыз** (Хўж., Қўнғ.) ∾ **аңңыз** (Бер.) — ҳосилн йиғиштириб олинган ер.
аңғызламақ (Манғ.) — айнимоқ, ҳидланмоқ.
аңдымақ (Тўртк., С. бий) ∾ **аңлымақ** (Манғ., Бер., Хўж.) — пойламоқ.
аңызлы (Хўж.) — онгли; кучли, ғайратли.
аңры (Тўртк., С. бий)/∾ **ары** (Манғ., Бер.) — нари; у тарафга.
аңчы (Бер., Хўж.) — овчи; мерган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аңшырмақ (Тўртк., С. бий.) — билмоқ, идрок қилмоқ.
апа (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) — 1. она; 2. опа; 3. аёлларга ҳурмат маъносида мурожаат.
апабийи (Тўртк., Бер., Манғ.) — 1. опоғ ойи; 2. келинойи; 3. аёлларга мурожаат.
апайа (Тўртк., С .бий) — опа-сингил, опа-сингиллар.
апывайы (Хўж.) — оддий, содда, бегараз: апывайы адам экэн; вошы апывайы сөзгэ : м ачувланып джўрипсэмэ?
апыш (Тўртк., С. бий) — *анат.* икки оёқ оралиғи, чот: йиқылып гэтмэйин дэп, апышымы айырып дурдым (Тўртк.).
апқор (Хўж., Қўнг.) — *эск.* ариқдан фойдаланганлик учун ҳар бир уругдан ундириладиган солиқ.
апқурт — оёқ кийимнинг орқа томонига қўйилган чарм.
аптырамақ I (Тўртк., С. бий) — янглишмоқ, адашмоқ.
аптырамақ II (Тўртк., С. бий) — алаҳсирамоқ.
араламақ (Тўртк., С. бий) ~ **арачаламақ** (Манғ., Бер., Хўж.) — орага тушмоқ, ажратиб қўймоқ, яраштирмоқ.
аран I (Тўртк., Бер.) — 1. *эск.* охур; 2. молхона, отхона.
аран II (Тўртк., Бер.) — *кўч. м.* кепг, катта: авзыңды арандай ачып мана не доғ этэсэн (Бер.).
араста (Хўж., Қўнг.) ~ **араста//арәстә** (Бер., Манғ.) ~ **а : рәстә** (Тўртк., С. бий) — 1. озода, тоза, покиза; 2. йиғиштирилган, саранжом-саришта қилинган уй, ҳовли ва б. ҳ.
арачачы (Хўж.) — урушган ва жанжаллашганларни бир-бири билан яраштирувчи шахс: арачачы аралашмаса вәләр эдиң.
арбаймақ (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — кермоқ, ёймоқ, талтаймоқ.
арғалы (Хўж., Қўнғ.) — *эск.* ёввойи қўчқор.
арғы нариги: **аргы бет//арғыйқ//арйақ** — нариги томон.
ардақлы (Бер., Хўж.) — 1. ҳурматли; машҳур; 2. севикли, қадрдон.
ардана — боласидан ажралган мол (кўшагидан ажралган туя, бузоғидан ажралган сигир ва б.).
арджа (Тўртк., С. бий) — **арджа//арча** (Бер., Хўж., Манғ.) сандиқ.
арзық (Тўртк., Бер.) — сифатсиз, маҳаллий ганч.
ары *қ.* **ағары I. қырқ ары** (Манғ., Хўж.) — 2,5 кг: қырқ ары бүрүнч сап палав пиширдик (Манғ.); **бир ары** (Бер.) — 12,5 грам; 2. **қырқ ары йер** — 500 метр квадрат ер.
арықтурақ (Хўж., Қ. чоқ.) — жуда ҳам ориқ, озғин (одам).
арымақ—чарчамоқ: ақыллы арымайды, алтын чиримийди (Манғ.).
арыш I — шоти (арава шотиси): вөгизинә күчи джетмөгэн арышын төбәләйди (Хўж.); **күндә арыш** — омочни бўйинтуруққа бирлаштирувчи узун ёғоч.
арыш II — бут орасы: аршыңны айырыи йибәрәмән, бала, тек тур (Бер.).
арышламақ (Қ. бой) — хом терига туз ва қатиқ билан ишлов бермоқ.
арқа I — 1. насл; авлод: бизләрдиң ата-буваларымыз бы йергә кегәннән бери беш-алты арқа айланған (Манғ.); 2. ота-она, қариндош-уруғ; ҳомий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

арқа II — шимол: **арқа йақ** — шимол томон: арқа йақта тыңқырдаған сәсләр бар (Бер.); **арқа-батыш** (Хўж., Қўнғ.) шимоли-гарб; **арқа-чығыш** (Хўж.) шимоли-шарқ.

арқадаш — узоқ қариндош: волар бизәргә арқадаш болады (Бер.).

арқайын — бамайлихотир, бемалол: маңа қарама, арқайын ишлийвәр (Қ. бой). 2. беғам, бепарво: дым арқайын адам (Хўж.). 3. бирор кимсага суянмоқ, ишонмоқ: кимгә арқайынсан, Риймгә арқайынмысан? (Бер.).

арқалы — жинни (асабий касалга йўлиққан киши).

арқаллық — тирқиш: арқаллықтың эки джагын арбаның эки аршына байлыймыз (Хўж.).

арқашмақ (Бер., Тўртк.), — орқасига миндириб кўтармоқ: балаңды арқаштырып кет, мен үйдә бомыйман (Бер.).

арна — апқор, катта ариқ; Амударёдан сув оладиган катта канал.

арнамақ (Хўж., Бер.) — атамоқ, бағишламоқ.

арнапы — кичик, юмалоқ жийда: арнапы джигилдәкдән үлкәррақ (Бер.).

артықмач — ортиқ, ортиқча: пыландан артықмачына муқапат берәдн (Хўж.).

арув (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — 1. чиройли, гўзал: айдан арув, күннән сулув (Қ. чоқ); 2. тоза, покиза: арув сақлар сув сени (Манғ.).

архарғоч (Тўртк., Бер.) — боши ва пешопасида иккитадан шохи бўлган урушқоқ қўчқор.

асыл-асыл — *мед.* ўзини-ўзи осиб ўлдириш касали.

асымлық (Манг., Хўж., Қўнғ.) — масаллиқ (гўшт).

асқар — *фольк.* баланд: **асқар тав** — баланд тог: ...асқар дегәни бийик тав дегәни, джазып қой.

асмақ (Манг., Хўж., Қўнг.) — овқатга уннамоқ, овқат пиширмоқ: апа, қазан асып джибордим (Қ. чоқ).

асма шорва — ёғ солмасдан гўшт ва пиёзни сувда қайнатиб пиширилган шўрва.

астардеш (Тўртк., С. бий) — пахтасиз тикилган чопон: астардеш гийип гәлвәди (С. бий).

астыртын (Бер., Хўж., Қўнғ.) — яширинча, зимдан, махфий равишда.

ата (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — 1. бобо: бизәр бувамызды ата деймиз, тувған атамызды әкә деймиз (Қ. чоқ); 2. катта ёшдаги эрларга ҳурмат билан мурожаат қилиш.

атав — орол, оролча: қырқ гежә-гүндүз атавда йашырынып отырған (У. боғ).

атағыз (Тўртк., С. бий) — **атавуз//атавыз** (Хўж., Қўнғ., Бер., Манғ.) омбур: үйә: гирип, атагыз алып чық (С. бий).

атақламақ (Бер.) ≈ **аташтырув** (Хўж.) — *этн.* бешиккерти: йаш вағында қулағын тншләтип атақлап қойады (Б .боз.).

аталық — *эск.* 1. бегларбеги; 2. (Манғ.) мероб.

атан — бақувват, бичилган туя.

атанақ — катак: атанақ дәптар кәрәгәди (Манг.).

атанақламақ (Манғ.) — мавж урмоқ: сув атанақлап кетти.

атанмақ — шуҳрат қозонмоқ: атаныр йүргән мәргән эдим (Б. боз.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

атары (Ш. хон) — зоол. қизил ари.
атăшдан (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — ўчоқ олди (ўчоқнинг ғишт қўйиб сувалган, чўғ туралиган қисми).
аташкир (Манғ., Бер., Тўртк.) — оташкурак.
аҭыз — экин майдони, пайкал: вой атызға эккәлләрим ғавача (Манғ.). **қавын атыз** — полиз.
атымкөс — экин майдонининг паст-баландини текислаш.
атйатақ (Манғ.) — отхона: атйатақта нар түйәни сойдылар (Қ. бой).
аткөник (Бер., Манғ.) — отбоқар: әкәм аткөник бош ишлийди (Манғ.).
атқарын (Бер.) — қорни осилган, орқа томони кўтарилган қўй.
атлав//атлавуч (Хўж., Бер., Қўнғ.) — пишкак.
атлама (Манғ.) — чатнаган белкуракнинг орқа томонига қоқилган тунука: уста, мынав белди атлама этип бер (Қ. бой).
атламақ — сакрамоқ: шу йаптана : м атлыйалмыйсама? (Манғ.).
атлық (Хўж.) — эваранинг боласи.
ахмал (Бер.) — бехабар: **ахмал болмақ** — бехабар қолмоқ.
ача I — 1. икки нарсанинг бир-биридан ажралган жойи; 2. уча (мол шохининг ўртаси): сыйырдың ачасына урсаң сүти кәмәйәди (Қ. бой); 3. паншаха, айри тишларининг оралиғи.
ача II (Манғ.) — *кўч. м.* пешона: ачаца йазылганы шу чыгар, балам; **ачанда йоқ** — шўр пешона (Манғ.).
ачав (Манғ., Бер.) — оч қорин: ачавга ичәсәң,— деди доқтыр (Ж. тов).
ачар — калит: Үйдиң ачарын джоғатып қойған қошыйман (Хўж.).
ачичәк — *анат.* ҳаром ичак (молнинг истеъмол қилинмайдиган ичаги).
ачылышмақ I — кайфияти яхшиланмоқ, касалдан тузала бошламоқ.
ачылышмақ II — дилкашлик қилмоқ, кўнгил очиб гапирмоқ; ўзини эркин ҳис этмоқ: ҳеч қысыммай ачылышып отырыңлар (Бер.)
ачымтыл//ачқылт//ачқылтым — нордонроқ, шўртангроқ, аччигроқ: араҕ ичгәнсоң сәл ачымтыл боғана : м билиммәй кетәди (Қ. бой).
ачырқамақ (Хўж.) — оч қолмоқ.: дым ачырған қалады.
ачқыламақ — варақламақ: кытапты ачқылыйбергәнчә оқысаң бомыйма? (Қ. чоқ).
ач тылласур (Бер., Тўртк.) — жунининг таги оч жигарранг, учлари эса сомон рангли қоракўл тери.
ачүрә (Хўж.) — очофат, мечкай, еб тўймас.
ашақ (Тўртк., С. бий) — ост, бирор нарсанинг пастки қисми.
аш-овы (Тўртк., Бер.) — озиқ-овқат, ош-сув: йигит аш-овына ҳәммә нәрсәни совды, үйдә ҳечнәрсә қалмады (Бер.).
а : л (Тўртк., С. бий) — қизил, қирмизи.
а : лөпкә (Тўртк., Бер., Манг.) — *мед.*, ўпка сили: чәгәвәрин а : лөпкә боғаммысан диймәнав, мынча өскирәсәң (Манғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

әббән//әббәң I — пушта (қовуп уруғи ташланган ер).
әббән//әббәң II — белкурак, дастасини маҳкамлаш учун қоқиладиган темир: авзыңминән әббән қақма (Манғ.).
әбгәр//әбигәр I (Хўж., Манғ.) — камбағал; жулдур **кийинган** одам.
әбгәр//әбигәр II (Хўж., Манғ.) — сарсон, сарсон-саргардон, овора.
әбгәр III (Бер.) — бутунлай, обдон: бирәви йарым йаланғач, бирәви әбгәр йаланғач әкән (Б. боз).
әвәләмән — бекинмачоқ (болалар ўйини): **әвәләмән-дүвәләмән** — болаларнинг яширинмачоқ ўйнаганда (чек ташлаш маъносида) айтадиган сажли жумланинг бош қисми: әвәләмән-дүвәләмән, қара қойның саны минән, саңқы пйттнң қапы минән (Манғ.).
әвәң — овсар, анқов, бефақм.
әвәрәк (Тўртк., С. бий) ∾ **әрәбәк//әрәвәк** (Хўж. ,Манғ., Бер.)∾ **әрәбек** (Қўнғ.) — *эск, этн.* булоқи (буруи исирғаси).
әвәсә (Хўж., Манғ.) ∾ **әсә** (Тўртк., С. бий) — 1. бўлмаса, йўқса, акс ҳолда: тезроқ бар, әвәсә кеч қаласан (Манғ.); 2. ундай бўлса, у ҳолда, бундай бўлгач: әвәсә, мен кеттим (Хўж.); **әвәсәне** — бўлмаса нима, йўқса нима.
әвәч — икки-уч ёшдаги қўйлар.
әвирмәк (Тўртк., С. бий) — совурмоқ, тозаламоқ.
әвмәс (Манғ., Бер., Тўртк.)∾ **әвмәс//әвмәсәр** (Хўж.) — сусткаш, ланж, тепса тебранмас, лапашанг.
әврақ (Қўнғ.) — арвоҳ.
әгирт (Бер., Тўртк.) — товуқнинг чала ташланган тухуми.
әгләнмәк — кечикмоқ, кечга қолмоқ.
әдәвүр//әйдәвир (Хўж., Бер., Қўнғ., Қ. чоқ) — 1. бирмунча, бир қадар, анча, унча-мунча: әйдәвир балық ушлап кепти (Қ. чоқ); 2. бир амаллаб, зўр-базўр, амал-тақал қилиб.
әдән (Бер., Тўрт., Манғ., Хўж.)—пойгоҳ (уй, хонанинг эшик томонидаги қисми): әдәннән тавылса, төргә өтмә (Манғ.); нәмәрттиң төриннән мәртниңән мәрттиң әдәни йахшы (Қ. чоқ).
әдийәләмәк (Хўж.) — ардоқламоқ: воны не әдийәлийверәсән?
әдиси (Хўж.) — усули, йўли, йўл-йўриғи: күрәштиң өз әдиси бар, билмәсәң күрәшалмыйсан (Қулон).
әдрәймәк (Манғ.) — бақрайиб қараб турмоқ: не әдрәйип турыпсан? (Б. том).
әджәп — хўб, майли: әджәп, аға, мән барып келәмән (Бер.).
әджәптәвир — ғалати, аллақандай: кәвним әджәптәвир боп турыпты (Манғ.).
әджәр//әджер (Хўж., Қўнғ.) — ҳусн, чирой : әджәри йаман әмәс (Қиёт).
әджвә//әджүвә — 1. ифлос, кир: мынав бала дымам әджвәго (Қ. бой); 2. камбағал, юпун, хору зор бўлиб қолган шахс.

www.ziyouz.com kutubxonasi

әджиғоджақ (Хўж.) — овқатни тез, пала-партиш, очкўзлик билан ейдиган шахс: дым әджиғоджақ әкәнсәнго, әрәсәтп минән джийбер.

әджир (Тўртк., Бер.) — жазо: адамларға бергән азабы үчүн әджирини тартыватыр (Бер.).

әзазыл (Хўж., Қўнғ.) — мастон кампир: мәргәнниң әзазыл әммәси барәкән (Хўж.); 2. золим; қ. **азазыл.**

әзайы-әндам (Бер., Тўртк.) — аъзойи бадан.

әйимбаш (Тўртк., С. бий) — кийим-бош: баллара әйимбаш гәрәк (С. бий).

әйин (Тўртк., С. бий) — елка: әйнимә гөтәриб йүвәр (Ш. хон).

әйинағач (Тўртк., С. бий) — обкаш: әйинағачында сув гөтәрә көвзәм чүшти (Ш. хон).

әйирмәк (Тўртк., С. бий) — йигирмоқ; чарых әйирип гүпимиз өткән (С. бий).

әйрәм — оқар сувнинг қайрилиб оқадиган чуқур жойи.

әкә (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — 1. ота; 2. ака (бобоси ота, отаси ака).

әкә-тоқа (Тўртк., С. бий) — қалин дўст.

әкәлмәк (Хўж., Қўнғ.) ∾ **әккәлмәк//әккәмәк//әпкәмәк** (Тўртк., С. бий) ∾ **әпкәмәк** (Бер., Манғ.) — олиб келмоқ.

әкләмәк (Хўж.) — ҳатламоқ: босағаны әкләп өт (Қирқ).

әл (Тўртк., С. бий) — қўл: әлимни узаттым балхы тутла: ра, гетмә дәп йығладым өзгә йүртла:ра (С. бий).

әләм (Тўртк., Бер., Манғ.) — әләмиң шарпылдап турсада корәмән сени (Бер.).

әләмчи — Амударёда хавфли жойларни кўрсатиш учун лангарга боғлаб қўйилган сузгичларни қараб юрувчи шахс.

әләнмәк (Тўртк., С. бий) — ёлвормоқ, илтимос қилмоқ.

әләсә (Тўртк., С. бий) — бўлмаса, уидай бўлса.

әләс-қапас — тонг ёришаётган пайт: даңны әләсқапасында и : шә гәтмәсәк волмыйды (С. бий).

әләс-қыйқас (Хўж., Манғ.) — тўс-тўполон, шовқин-сурон.

әләшмә (Тўртк., С. бий) — айб, гуноҳ: ҳеч әләшмәси йоқ (Тўртк.).

әлбәти (Хўж.) ∾ **әлбәтрәк** (Манғ.) — яхшироқ, тузукроқ.

әлдикчә (Бер., Манғ.) ∾ **әлйапар//әлйапқыч** (Хўж.) — ошхўрак, этакча (ёш болалар кийими устидан кийдирнладиган кийим).

әлийәнә//әлйана (Манғ.) — очиқ, очиқ ҳолат: **әлийәнә йүрмәк** — очиқчасига юрмоқ, очилиб-сочилиб юрмоқ.

әллә (Манғ., Бер.) — ё, ёки: әллә қәлийди, әллә қәләмийди деп қысымма (Б. том.).

әлләвҳәләм (Манғ.) — *эск.* эҳтимол.

әлләғалай (Бер., Манғ., Хўж.) — жуда яхши.

әллә-пәллә (Тўртк., С. бий) — ола-кула: гөззи әллә-пәллә волып кетти (Тўртк.)

әлмыдам//әлмудам (Хўж., Манғ.) — ҳамиша, ҳар вақт.

әлпәшләмәк//әпәшләмәк — 1. ардоқламоқ, авайламоқ; 2. аро бермоқ, безамоқ: пай әпәшләдиңав, әри-бери эттә қой (Манғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

әлсүп (Манғ.) — тамом, сўнг, охпр: **әлсүп болмақ** — тамом бўлмоқ, тугамоқ; қўлда ҳеч нарса қолмаслик: сув алмадан соң дым әлсүп боп қалдық (Б. том).
әлҳасыл (Тўртк., Бер.) — хуллас.
әлҳәпис I (Манг.) — э, ээ (таажжуб, ҳайронлик, эътироз): әлҳәпис, шундайам болама, турдық буңа (Манғ.).
әлҳәпис II (Манг.) қ. **әлҳасыл:** әлҳәпис, мурат-мақсатларына йетип, йўз йигирмә йашга киргәнчә йашаган әкәлләр.
әмәк I (Манг., Бер.) — *кўч. м.* 1. ота ёки онаси орқасидан эргашиб юрувчи бола: бы әмәгиңдн зыйапатқа апкеп нешәтәсән? (Манг.) 2. ёрдамчи, шогирд.
әмәк II (Манғ.) — торози тоши ёнпга қўйиладиган қўшимча тош.
әмәкағайилли (Бер., Манг.) — амакивачча.
әмәлбаз (Хўж., Манғ.) — 1. мансабпараст, амалпараст; 2. фирибгар.
әмгәк (Тўртк., С. бий) — меҳнат, заҳмат, қнйинчилик.
әнәлик (Тўртк., Ш. хон) — ўгай она: тутинган она: мәни әнәликим ҳа : зырам бар, доқсана гиргән (Ш. хон).
әнгап (Тўртк., Бер.) — ганч, алебастр.
әндәртап (Манғ.) — текис, бир текисда, расамати билан, бир меъёрда.
әнджи (Хўж.) куч-қувват; эс-ҳуш: бизәрдә энди ҳеч әнджи қалмады.
әнтәр (Манғ.) — анқов, овсар, бефаросат.
әңәк (Тўртк., С. бий) — ияк: әңәкимә бир урды (Ш. хон).
әңиз-тәңиз йыламақ (Бер.) — кўп ёш тўкиб, қаттиқ йигламоқ.
әңилмәк (Тўртк., С. бий) — энгашмоқ, эгилмоқ: сәл әңил, тайақ йуттыңмы? (С. бий).
әпәнәк I — белкурак дастасини банд этадиган мих тагига қўйилган тунука.
әпәнәк II (Манғ.) — *кўч. м.* қовоқ; кўз: нахунамысан, әпәнәгиңни ачып қара (Қ. бой).
әпәнәк III — *кўч. м.* кичик ёшдаги бола: мынав әпәнәкти қара, хут кәттә адамдай боп қарабатыр (Манғ.).
әпәнәкләмәк — пайпаслаб юрмоқ.
әпәнәк пулы (Хўж., Манғ.) — *эск.* ариқ қазишда белкурак ҳисобига олинадиган солиқ: әпәнәк пулы дегән салгыттам төлийтугын әдик (Хўж.).
әпкин (Тўртк., Бер.) — шабада: бир әпкинәм йоқ (Ш. хон).
әпкүн (Тўртк., С. бий) — наридан-бери, апил-тапил.
әпләмә (Тўртк., Бер., Манг.) — наридан-бери, пала-партиш, хўжа кўрсинга: йахшылап үзәт, меннән кеткәнчә, ийәсинә йеткәнчә деп, әпләмә этмә (Манғ.).
әппәрмәк (Тўртк., С. бий) — олиб бермоқ: урадан гәшир әппәриң, палав әтджақман (Г. сун).
әпшәр (Хўж.) — афт-башара: тур джоқ бол, әпшәрпң қурсын.
әрбәт (Тўртк., С. бий) — ёмон: хатыны әрбәт, бирдий кәнсә : йә гәлиб әрин йамаллыйды (Ш. хон).

www.ziyouz.com kutubxonasi

әрвана (Тўртк., Бер.) — икки ўркачли урғочи туя.
әргәнәк (Тўртк., Бер.) — тўсиқ, ғов.
әри — ё, ёки: баласы йаман, әри воқымыйды, әри ишләмийди (Қ. бой).
әрикгүл (Тўртк.) *қ.* **ақгүл.**
әрин (Тўртк., С. бий) — лаб: әрни қымыл-қымыл әтәди, сөллийалмыйды (Тўртк.).
әркәч (Тўртк., С. бий.) — така, серка.
әсвәк (Тўртк., С. бий) ∾ **әспәк** (Бер., Манғ., Хўж.) — 1. сугориладиган ерларга сув тақсимлаш тартиби; 2. ариқ охиригача борган озроқ сув.
әсирәси (Хўж.) — асосан: өзини бәләдә урмас, әсирәси багаларына қыйын.
әсирмәк (Тўртк., С. бий) 1. маст бўлмоқ: әсрип йүрйән әкән, айтмай гәләвәрдим (Тўртк.); 2. кеккаймоқ: джым отыр, әспрәвәрмә (С. бий).
әспәкләмәк сув беришни тўхтатиб қўймоқ: сувымызды джогарыдағылар әспәкләп ташанты (Манғ.).
әспәкчи сувнинг ариқ охиригача боришига жавобгар бўлган шахс.
әспиджаллап чақимчи; икки юзламачи, товламачи: әй қойсаңа, атасы әспиджаллап боған адамның баласы төрәли болама? (Қ. бой).
әсрик (Тўртк., С. бий) сархуш, маст.
әстә-ақырын (Хўж.) ∾ **әстәқырын** (Манғ.) — оҳиста, аста-секин, шошилмай: саңа бирәв мөшәйт әтәмә, әстә-ақырын ишлиғ бер.
әсти (Хўж.) — асло: әсти джаман қоңратларға аралашув кәрәгәмәс.
әтәк (Тўртк., С. бий., Ш. хон) — *кўч. м.* ой кўриш (Тўртк.).
әтәшкир (Хўж.) — *қ.* **аташкир:** вочақтың йасавулы әтәшкирғо.
әтинмәк (Тўртк., С. бий) — зиёфат қилмоқ: бы иш үчүн, а : ға, бизәрә бир әтинәсиз (Тўртк.).
әшәгары (Тўртк., С. бий) — қовоғари.
әшрәпи — 1. нодир, ноёб, камдан-кам учрайдиган (нарса); бы не кампытам әшрәпи болдымы, арджаға сап қойыпсан? (Қ. чоқ); 2. тўтиё; 3. *эск.* кумуш танга.
ә : к (Тўртк., С. бий) — оҳак: ә : к тагына бардылар (С. бий).
ә : ләштирмәк (Тўртк., С. бий) — айбламоқ: ә : ләштирмәңләр әт азрақ эди (С. бий).

Б

баббан — семиз, катта гавдали киши.
бавасыр (Бер., Манғ.) ∾ **ба : ва : сыр** (Тўртк., С. бий) — *вет.* моллардаги гижжа қурти касаллиги.
бавашийхи — ёзги нав қовун: шакли юмалоқ, ранги кўкимтир, магзи қизил рангли қовун.
бавджама (Бер.) ∾ **боғджама** (Хўж.) — 1. бўхча: бавджаманы бавыны байлады қыз, йар-йар (Б. боз); 2. *эск.* товоқ-қошиқ соладиган халтача.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бавыр (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) ∾ **бағыр** (Тўртк., С. бий) — 1. жигар: бавыр джесән көзиң көргич болады (Манғ.); 2. *кўч. м.* жигарим, жигарбанд (яқин қариндош, туғишган).
бағана I (Хўж., Қўнғ., Бер., Манг.) — боя, яқинда.
бағана II — қоракўл тери.
бағана III (Хўж.) — устун, симёғоч, тўсин.
бағат (Манғ.) — эпиладиган яхши ер: **бағат йер** — йахшы йер, упы эккэн йатып йер (Қ. бой).
бағдаш//бардаш (Тўртк., С. бий) — чордона; **бағдаш қурмақ** — чордона қуриб ўтирмоқ.
бағыммақ//бағынмақ (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) — бўйсунмоқ, қарам бўлмоқ: вөлсәмәм мен саңа бағынмыйман (Хўж.).
бағыртлақ — *зоол.* чуррак: бу қарағанларда чағалла, бағыртлақ, джылқычы, джыланчы дегән көп қушлар бар (Қ. чоқ).
бад (Тўртк., С. бий) — шу онда : ҳө : рдә, бадыма шә : рдә гөриң (Тўртк.).
бадабат (Хўж., Бер., Тўртк.) — мақтанчоқ.
бадақ (Бер.) — *эск.* чиғирга сув олинадпган кориз.
бадбур (Тўртк.) — дарча (уй деворига, шип ва тўсин орасига, шамол кириб туриш учун қилинган тешик).
бадыйа//бадйа — катта сопол товоқ.
бадқылық (Тўртк. Бер.) ∾ **бәтқылық** (Манғ.) — бадфеъл.
бадлы (Тўртк., С. бий) — кучли, қувватли.
бадрой (Бер.) ∾ **бәдрөй** (Тўртк.) — бадбашара, хунук: дым бадрой адам.
баджақ (Хўж.) — *эск.* олтиннинг энг қимматли, асл тури.
баджыман//баджман I — тўқай қоровули; **баджман пулы** — тўқайдан ўтин оладиганлардан ундириладиган пул.
баджыман//баджман II — *эск.* Хива хонлигида солиқ йиғувчи бек, закотчи.
базар қаррысы — тўққиз-ўн яшар қўйлар.
базбайағы (Хўж.) — аввалгидек: базбайағы кеп туради (Ж. йир).
базув (Тўртк.) — синчли уйларнинг тахмонлари орасига қўйилган тиргович.
бай — эр: пайдасыз боса байдан без, панасыз боса үйдән (Қ. чоқ).
байавуқ//байақ (Бер.) — боя: шә : ргә байавуқ кетведи, ҳели кемәди (Б. боз); эшигиңә келдим байақ, сениң үчүн йедим тайақ (Бер.).
байбичә (Хўж., Қўнг.) — биринчи, катта хотин.
байымджан (Тўртк., С. бий) — бақлажон.
байрақ — соврин; мукофот: кокбөридә бизиң ат байрақ алған эди (Бер.).
байрәмәк — этик, туфли, ботинкаларга мих, наъл (нагал) қоқадиган сандал: мынав нәл қағатуғанның аты байрәмәк (Манғ.).
бақадырал (Манг.) — ўртача, ўрта-миёна.
бақай I — *анат.* тўпиқ: күрәшгәндә бақайым чығыбеди (Хўж.).
бақай II — поча (молнинг почаси): баққының бакайында май көп (Манг.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

бақалақ — тегирмон тошидаги дон соладиган тешик.
бақан — 1. устун, чимёғоч; 2. тиргак, тирговуч.
бақанчанақ — чиғаноқ: қулаққа тутғанда ғувиллийтуган бақачачанақты сораватырсызма? (Бер.).
бақыр — мис, мис чақа (пул): бир йердэ алтын бар деп барсаң, бақыра : м табылмас (Манг.).
бақырач//бақрач (Хўж., Н. хон). — 1. човли: бақырачты алпер (Н. хон). 2. кружка: бир бақрач айран (Хўж.).
баққы — бўрдоқи: мынав малды баққыга қойдық (Манг.).
бақлавчы//бақчы (Тўртк., Бер.) — пойлоқчи, қоровул.
бақтар//бахтар (Бер., Манг.) — кунгай (офтоб тушадиган томон).
бақча (Бер.) — тамаки: базарга барсаңыз бақча кетириң (Қ. чоқ).
бал — асал: бал тутган бармагын джалар (Ж. тов).
балайатақ — бачадон: ургачы маллардың балайатагы (Хўж.).
балакэй (Бер.) — кичик размер: кэмзордың балакэйинпэн барма? (Б. боз.).
балақ I — поча (шим, иштон почаси).
балақ II — тамакининг дастлабки чиққан баргп.
баламан — сурнайга ўхшаш музика асбоби.
балапан — учирма (қуш боласи; чумчуқ боласи).
балар — тўсин.
балары//балхары (Манг., Бер.) — асалари.
балга//балғатайақ (Хўж.) — қўлтиқ таёқ; балга мынам джўрэди (Ширин).
балғақ I (Хўж.) — даста, соп; тутқич: қумганпың балгагы котилипти.
балғақ II (Хўж.) — ҳалқа (зирак): қулағына алтын балгақ таққан қыз.
балғақ III (Хўж.) — *бот.* банд (поя): қавынпың балгагы, қыйардың балғагы дпймиз (Ж. йир).
балдыз — 1. қайнисингил (хотининнинг қиз укасп); 2. хотинга қаринддош бўлган қиз.
балтырлық (Хўж.) — этик қўнжини тик тутиб туриш учун болдирга ўрайдиган мато.
балчын (Тўртк.) — чиройли, гўзал (қиз).
бам (Бер.) — аста-секин: шамал бам минэн кен турыпты (Шимом).
барарман — боришга қарор қилган шахс.
баргаҳ (Тўртк.) — *эск.* подшоҳ бўладиган уй: падша қыйзыны өз баргаҳына чақыртыпты, қыйз гэлмэпти (Қ. қиз).
бардамлы (Хўж., Бер.) — бадавлат: бизлэрэм бардамлы эдик (Хўж.).
бардан — чиптадан ишланган дон соладиган идиш.
барқулла (Хўж., Қўнг.) — 1. тамомила, бутунлай; 2. доимо, ҳамиша.
барлама — йўқлама, синф журнали.
барламақ — текширпб кўрмоқ; ахтармоқ; разм солмоқ, кузатмоқ.
барлы — бой, бадавлат: барлы адамларда ҳэммэ нэрсэ бар (Хитой).

www.ziyouz.com kutubxonasi

барлығы (Хўж., Қўнғ.) — бари, барчаси.
барҳа (Бер., Хўж.) — ҳамиша, ҳамма вақт, доимо; нуқул.
басабас — 1. ур-йиқит, қирғин; 2. тўполон, тиқилинч.
басалдырық//басма//бастырық (Хўж., Қўнғ.) ∾ **бастырғы** (Тўртк., С. бий) ∾ **бастырық** (Бер., Манғ., Хўж.) — от ёпиғи.
басырыныкмақ — босинқирамоқ, алаҳсирамоқ.
басқал (Хўж., Қўнғ.) — ариқнинг сувини баланд ерга чиқариш мақсадида босилган тупроқ аралаш шох-шабба.
басқалдақ (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — ариқ устига шох-шабба ташлаб қурилган кўприкча.
басқыч//басқыш I (Хўж., Қўнғ.) — нарвон, шоти; зинапоя.
басқыч II (Манғ., Бер., Хўж.) — сиёҳшимгич.
басма — юлғундан ишланган, конуссимон шаклдаги балиқ тутадиган асбоб.
бастырық (Бер.) — очилмаган қўриқ: **бастырық йер** — очилмаган қўриқ ер.
батбат — *зоол.* қумга ботиб кетадиган калтакесак.
батыл — ишлатилмай турган нарса; қаровсиз қолган предмет, нарса: **батыл йер** — бир неча йил суғорилмай қолган ер (Бер.); **батыл арық** — бир неча йил сув оқмаган ариқ.
батыш (Хўж., Қўнғ.) — ғарб: волардың авулы батыш таманда (Қўнғ.).
батмақ (Хўж.) — батқоқ: джер дым батмақ, бармайақкой (Қ. чоли).
баша (Тўртк., Бер.) — устунни қошга биркитиб турадиган ёғоч.
башармақ — 1. бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ; 2. уддаламоқ.
башмақ (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — бир-икки ёшли бузоқ.
башорав — *эск., этн* аёлларнинг (кампирларнинг) 5 метрлик читдан саллага ўхшатиб ўралган бош кийими.
башташ (Хўж.) — эр-хотин: қурбанақ қамышчалы, қулап авуллары ның адамлары йер-қатынды башташ дебәм айтады (Қ. чоли).
ба : д I (Тўртк., С. бий) — 1. куч-қувват; 2. далда.
ба : д II (Ш. хон) — шамол.
ба : дырақ (Тўртк.) — варрак.
ба : қы қылмақ (Тўртк.) — *эск.* ариқ қазишда гуноҳ қилган кишини оёғидан осиб қўймоқ.
ба : на (Тўртк., С. бий) — бу ёққа, бу ёнга: ба : на гә (С. бий).
бәдрәп (Хўж., Бер.) — *эск.* ҳожатхона.
бәджәләк//бәджик (Бер.) — туғилганига тўрт-беш кун бўлган қўзичоқ.
бәззаз (Тўртк., Бер.) — *эск.* газмол билан савдо қилувчи шахс.
бәйкәм (Манғ.) — *эск.* ўнг ва чап жуфтлари ажратилмайдиган оёқ кийими.
бәккарат (Хўж., Қўнғ.) — *эск.* иффат; қизлпк белгиси: бәккараты аман қыз тавуп сағайлы, — депти.
бәкирә//бәкрә — осётр балиғи: эки сувән, бир бәкирә туттым (Бер.).
бәләқәдә — фалокат, бахтсизлик: бәләқәдә неййердә, бассаң айағ астында (Манғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

бәләмәнт (Қ. бой) — бало, эпчил, уддабурон, чаққон.
бәлли I (Тўртк., С. бий) ∾ **белли** (Манғ., Бер.) — маълум, белгили, машҳур; аниқ.
бәлли II (Тўртк., С. бий) ∾ **белли** (Манғ., Бер.) — белги, тамға.
бәндәргә//бәндиргә (Манғ., Бер., Хўж.) — *эск.* 1. чорраҳа: үч йолдың бәндўргәсинә келип тохтадылар (Бер.); 2. бекат.
бәрәк (Тўртк., С. бий) ∾ **бөрәк** (Бер., Манғ., Хўж.) ∾ **бөрек** (Қўнғ.) — чучвара: **ғовача бәрәк** — кичик, майда-майда қилиб ясалган чучвара; **көк бәрәк** — кўк ўтлардан қилинган чучвара; **йымырта бәрәк** — тухумдан қилинган катта чучвара.
бәрбәр (Манғ.) — *эск.* жуда тез ишлайдиган сувоқчи.
бәрджиги (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) — барчаси.
бәрчимәк (Бер.) — пишмаган, хом.
бәстәк — ғилдирак гупчагининг тешиги.
бәт//бәтән (Манғ., Бер., Хўж.) — қўпол, дағал.
бәтләнмәк — қаҳр-ғазаб билан қарамоқ, ўқраймоқ: маңа бәтләнмә (Манғ.).
бәтчүндүк — тили аччиқ (одам): ҳайалы дым бәтчүндүк әкән (Хўж.).
бә : в (Бер., Манғ.) — бе (инкор, илтифотсизлик, танбеҳ билдирувчи ундов сўз): бә : в, шу ишти өлсәмәм этмәсмән (Манғ.).
бә : вәк I (Тўртк., С. бий) — чақалоқ.
бә : вәк II (Тўртк., С. бий) — *кўч. м.* енгилтак, гўл, содда.
бевәтән I — *эск.* Хоразмга бошқа ердан келган (ёки зўрлик билан қул қилиб, асир этиб олиб келинган) шахс.
бевәтән II — *эск.* Хива хонига қарашли ерларни ижарага олиб ишлаган шахс.
бегәнә — эваранинг боласининг боласи (энг охирги авлод).
бедәв (Тўртк., Бер., Қўнғ.) — бедов от; **бедәв қой** (Тўртк., Бер.) — узун бўйли, қорни ингичка қўй; **бедәв сыйыр** (Қўнғ., Бер.) — касаллиги туфайли туғмайдиган сигир.
бедәвләт I (Тўртк., Бер.) ∾ **бийдәвләт** (Хўж., Манғ.) — ярамас, пасткаш.
бедәвләт II (Тўртк., Бер.) ∾ **бийдәвләт** (Хўж., Манғ.) — Хоразм аравасининг олд томонига (аравакаш ўтириши учун) қўйилган тахта.
белав//белбав (Бер.) ∾ **белбав** (Манғ.) ∾ **белбөв** (Қўнғ.) ∾ **белбув** (Қ. чоқ) — белбоғ.
белаврув (Бер., Хўж., Манғ.) — *мед.* бел радикулити.
белбувар (Манғ., Хўж., Бер.) — бел, орқа бел.
белгәрдан (Хўж.) — белкурак билан ағдариладиган ер.
белдар (Хўж.) — *эск.* қазувчи: **белдар салығы** — хон ариғини қазиш учун ҳар овулдан (маълум миқдорда) олинадиган қазувчи.
белсәнди (Хўж.) — *эск.* 1. амалдор; 2. ишчан, актив.
белсынды — *этн.* уйланиш тўйида, қиз уйига келган йигитлар олдида кўрпа тўшаб, «белим синди» деб ётган кампирга бериладиган совға (пул, кўйлак ва ҳ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

бемә : н (Түртк., С. бий) — жуда кўп: пахта бемә : н көп болады (С. бий).
берги — қарз: маңа бергиси бардағын, алгысыйоқ (Бер.).
бет I — томон, тараф: бизәр бетләргә : м бир бар, көп нәрсәләр джазыбаласан (Ж. тов).
бет II — варақ: дәптәрдиң бетин джыртма (Хўж.).
бет III — юз, афт-башара.
бетсыпырғыч (Манғ.) — сочиқ.
бечкә (Түртк., С. бий) — ёмон, сифати паст.
бешәк//бийшәк — кузги қовун, ранги кўкимтир, катта, оғирлиги 20—25 *кг* гача борадиган қовун.
бешикгөрдик — *этн.* бешик устига ёпиладиган чит, мато.
бешикчи — *зоол.* бешиктерватар.
бешикчат (Бер., Манғ.) — ўрнида тинч турмайдиган от.
бешли (Қўнғ.) — беш яшар туя ёки йилқи.
бибат (Бер.) — қаровсиз қолган ер.
биби (Бер.) **би : ви** (Түртк.) — 1. аёл, хотин. 2. келин ойи. 3. ўқимишли аёл.
биджәнә (Хўж.) ∾ **биджәнәк** (Бер.) — 1. данак; 2. мағиз.
биджин — *эск.* маймун: **биджин йили** — маймун йили.
бийгәр — *эск.* ариқ ва анҳорларни қазиш учун ўтказилган ҳашар: бийгәргә барсам йетәр, ырғансам күним вөтәр (Манғ.).
бийғайып (Хўж., Қўнғ.) — бепарво: бир джүргән бийғайып адам (Қўнғ.).
бийдә//быйда (Хўж., Қўнғ., Манғ.) ∾ **бүйдә** (Бер.) — туя бурнидан тешиб ўтказилган таёқчага богланадиган ип.
бийджағдай (Манғ., Хўж.) — бемаҳал, бевақт.
бийи (Түртк., С. бий) — 1. буви; 2. опоғойи; 3. янга, келинойи.
бийик (Бер., Манғ., Хўж.) — баландлик, тепалик.
бийкә (Бер., Манғ.) — 1. онабоши; 2. куёвга берилаётган қиз.
бийкәч (Бер., Манғ., Хўж.) — 1. қайнисингил; 2. қизларнинг бир-бирларига ҳазиломуз мурожаати.
бийсәммәк (Манғ.) ∾ **бувсанмақ//бувсынмақ** (Хўж.) — мақтанчоқ, ўз кучига ва бирор ҳомийсининг кучига ишониб гердаймоқ.
бийтләс (Манғ., Бер.) **битләс** (Түртк., С. бий) — битлиқи.
бийчәмә (Бер.) — жуда зўр, қувватли: бийчәмә эшәгәкән (Қ. ноқ).
биләк I — *кўч. м.* ишловчи (колхоз ёки совхозда ишловчи).
биләк II (Манғ., Бер., Түртк.) — 1. билармон, билағон; 2. маҳмадона, ўзини билимдон ҳисобловчи киши.
биләкләв (Бер., Манғ.) — қўл билан қилинаётган кигизнинг сувини қочириш ва пишитиш.
билик (Хўж., Қўнғ.) — билим, билган нарса: билигимниң боғаны шул, башқа мениң билигим йоқ (Хўж.).
биразув (Манғ., Қўнғ.) — олти яшар от.
бирәсә//биресә — баъзан, баъзи вақтда: гоҳа, гоҳ-гоҳ.
бирбувдай (Бер., Хўж.) ∾ **бувдайлық** (Манғ.) — *вет.* моллардаги туёқ касаллиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир дәгәләк (Хўж.) — *кўч. м.* 1. юз сўм; 2. минг сўм.
бирдәй//бирдий — ҳамиша, ҳамма вақт.
бирди-йарым (Манғ., Хўж.) — бир неча, бирмунча.
бир йала (Бер., Манғ.) — 1. бир марта; 2. бир йўла; бирданига.
бирйамбаш (Қўнғ., Хўж.) — бели бир томонга қийшайган от.
бирқырққан (Қўнғ., Хўж.) — етти-саккиз ёшлик қорамоллар.
бирләв (Хўж.) ∾ **бирләм//бирләмәк** (Манғ., Бер.) ∾ **бирлөв** (Қўнғ.) — яганалаш: пахтаны бирләви кичиктирилмәсин (Хўж.).
бирпара — баъзи бир, баъзи бировлар.
бирсигүн (Бер., Манғ.) — эртадан кейин.
биртәвәр (Манғ.) — бир тепар (лойни белкурак билан бир тепганда олиб ирғитадиган одам).
бир хийлы I — айрим, баъзи: бир хыйлы адам йазда арықлыйды (Манғ.).
бир хийлы II — катта, улкан: өйни ичи бир хыйлы ба: (Тўртк.).
бир хийлы III — пишиқ, уддабурон: сенәм бир хыйлы барсан (Хитой).
битәв — бутун, туташ (урғочи мол ва аёллар жинсий органининг бутун ҳолидаги ҳолати): битәв сыйыр тувмыйды (Бер.).
бызав//бузав (Манғ., Хўж., Қўнғ.) ∾ **бызав** (Тўртк., С. бий) — бузоқ.
быдыр-быдыр — ғадир-будур: быдыр-быдыр бадрың йахшы болады (Манғ.).
бызбызалақ (Тўртк.) ∾ **бузбузалақ** (Манғ.) — бузмоқ, бузиб юбормоқ.
быйанқы (Манғ., Хўж.) — бошқа: быйанқы вақта үйдә боласама? (Хўж.).
былағайчылық (Манғ., Хўж.) — лойгарчилик.
былай//булай (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — бундай, бунақа.
быламыджыр (Хўж., Қўнғ.) — 1. тутуриқсиз; мужмал: этгән ишиңниң бәри **быламыджыр** (Хўж.); 2. аралаш, аралаш-қуралаш, айқаш-уйқаш; 3. чалкаш, тартибсиз.
былғавуч — *эск.* чархни айлантирадиган дастак.
былғашық//булғашық I (Манғ., Бер., Хўж.) ∾ **булашық** (Тўртк., С. бий) — кир, ифлос; булғанчиқ.
былғашық//булғашық II (Манғ., Бер., Хўж.) ∾ **булашық** (Тўртк., С. бий) — *кўч. м.* чатоқ, чалкаш.
былқын//булқун — хомут (аравага қўшиладиган ҳўкизнинг хомути).
былтсур (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — жунининг таги кўкиш ҳаворанг, усти оқиш қоракўл тери.
былчылдамақ — *кўч. м.* сафсата сотмоқ, беъмани гапирмоқ, ғийбат қилмоқ.
бычқы (Тўртк., Бер.) — қўл арра.
бойын болмақ — рози бўлмоқ, тақдирга тан бермоқ; **бойын тавламақ** — бўйсунмаслик, ишдан бош тортмоқ.
бойнатма (Манғ., Хўж.) — ёш ҳўкиз.
бойрә йүн (Тўртк.) — баҳорда қирқиб олинадиган қўй жуни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

боқақ (Тўртк.) — сийрак жунли қўзичоқ.
болдамлы I — бўлиқ, йўғон гавдали (киши).
болдамлы II — бадавлат: ходжалиқы болдамлы (Тўртк.).
болдырмақ — чарчамоқ, ҳолсизланмоқ; дым болдырыпсан, йатып дәм ал (Б. боз).
болыш (Хўж., Қўнғ., Бер.) — *эск.* эл (волость) бошлиги.
болышмақ — бирор ишга ёрдамлашиб, тугатиб юбормоқ.
бота//боталақ — *кўч. м.* бола (болага эркалаб мурожаат қилиш).
ботқа — *кўч. м.* лойгарчилик: ҳәммә йер ботқа, йўрувәм қыйын (Бер.).
боштан-бош — 1. бекордан-бекорга, беҳуда; 2. қуруқдан-қуруқ.
бөбәк//бөвәк (Манғ., Хўж., Бер.) — *қ.* **бә : вәк.**
бөғәмәк//бөғәвләмәк (Хўж.) — боғламоқ.
бөгәт — тўғон, тўсиқ: салмаға бөгәт басып келдим (Манғ.).
бөкә//бөкәләк I — *зоол.* қўй бўка: бөкә малны аздырады (Тўртк.).
бөкә//бөкәләк II — жўхори поянинг бир бўлаги (бир бўғини).
бөкмәк I (Тўртк., С. бий) — чопмоқ, югурмоқ.
бөкмәк II (Тўртк., С. бий) — шўнғимоқ.
бөктәрги — от эгари орқасига боғланган нарса, юк.
бөлә — 1. опа-сингилнинг болалари; 2. амакивачча; 3. холавачча.
бөләвәччә — опа-сингил болаларининг (бўлаларининг) болалари.
бөлик I (Бер.) — томорқа.
бөлик II (Бер.) — 1. уюр: бир бөликтиң баш, патлы аты болады; 2. бўлак.
бөлмә (Хўж.) — хона: бизиң үй төрт бөлмә.
бөлтәкләмәк (Хўж.) бўлмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; **бөлтәп-бөлтәп алмақ** — бўлиб, бўлак-бўлак қилиб олмоқ.
бөрк (Манғ.) ∾ **бөрки** (Хўж., Қўнғ.) — телпак, қулоқчин.
бөртмөч — сумалак қилиш учун бўрттирилган буғдой.
бөтәкә — 1. *анат.* буйрак (одам ва мол буйраги); 2. парранда ошқозони.
бөтән (Манғ., Хўж.) — бошқа; ўзга.
бувдан — ёлдор, оёқлари сержун, сағриси кенг от.
бувылдық (Қўнғ., Хўж.) — дарёнинг қисилиб оққан жойи.
буврыл ат (Манғ., Хўж., Қўнғ.) ∾ **бу : рат** (Тўртк., С. бий) — жунлари орасида оқ, қора нуқталари бўлган от.
бувсандырмақ (Бер.) — пойгачи отларни эрталаб шамолга қарамақарши томонга секин чоптириб, тобга келтирмоқ.
бувсықмақ (Хўж., Қўнғ.) — терламоқ.
буғабасар (Бер., Манғ., Хўж.) — икки ёшли урғочи бузоқ.
буғараған (Хўж.) ∾ **буқараған** (Манғ.) — бу ер, бу атроф.
буғача (Бер., Манғ.) — новвос.
буғәдәлли (Хўж.) ∾ **буғрақым** (Қўнғ.) ∾ **буғуллым** (Манғ., Хўж.) — бу қадар, бунча.
бузбақа — муздек, совуқ (одам танасига нисбатан).
буйуқмақ (Бер.) — уйқусирамоқ: не буйуғып отырыпсан? (Б. боз.).
булағайчылық (Тўртк., Бер.) — бетинч, алғов-далғов.
булғамақ — силкитмоқ: қолын булгап мени чақырды (Манғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

буралқы (Қўнғ.) — бегона, ўзга.
бурындық (Манғ.) ∾ **бурынса//бурунса** (Бер.) — мол (туя, ҳўкиз) бурнига ўтказилган чўп, кичкина ёғоч.
бурундық энә — вакил она (келинни аравадан кўтариб туширган аёл).
бурыт//бурт (Тўртк., С. бий) — мўйлов; **буртлас** — мўйловдор, шоп мўйлов.
бурыч (Бер., Манғ.) ∾ **буруч** (Хўж.) ∾ **бурч** (Тўртк.) — қалампир, гаримдори: **қарабурыч** — мурч.
бурум (Тўртк., С .бий)—соч ўрими: сачлары бурум-бурум (С. бий).
бурунчөп (Бер.) — *эск., этн.* 1. бурун исирғаси ўрнига қўйилган чўп; 2. учта феруза тошли бурун исирғаси.
бурчақ (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — 1. дўл; 2. нўхат.
бүйир//бүйүр — *анат.* биқин: айрылма үйүриннән, айрылсаң кетмәс эки қолың бүйириңнән (Манғ.); **ач бүйүр** — сон (оёқнинг сони).
бүйрә — жингалак: қозыны жуни бүйрә-бүйрә (Хўж.).
бүк-бүк (Бер., Манғ.) — кўпкарини олиш вақтида чавандознинг отига қилган хитоби, буйруғи.
бүкләм — сурп, оқ мато: махмалдың орнына бүкләм қойавәр (Бер.).
бүлдирмәк (Бер., Манғ., Хўж.) — бузмоқ; вайрон қилмоқ.
бүрмә дөрмийән (Тўртк., Бер.) — бахмалдан қилинган бурма ҳамён.
бүрмәк — 1. ўткир, олғир (ёш болага нисбатан); 2. ёш болаларга нисбатан хотин-қизлар қарғиши: ҳәй бүрмәк, касаны сындырдыңғо, атаңа нәләт (Манғ.).
бүрүнч (Тўртк., Манғ.) ∾ **бүрүч** (Манғ.) — гуруч.
бү : ргүн (Тўртк., С. бий) — индин, эртадан кейин.

В

ва//вә: — ҳайратланиш, қўрқиш, ғазаб ифодаловчи ундов: ва атаңның... билмәй, қаппанда (Манғ.).
вағ I — жуда яхши: ишләр вағ, ҳеч қысынышма йоқ (Бер.).
вағ II (Манғ., Хўж.) — вақт, пайт: қайвағ эди? — чәшкә вағ эди (Хўж.).
вағджағ (Хўж.) — шод-хуррам, хушчақчақ.
вағлама (Тўртк., С. бий) — пиёва (пиёздоғ қилиб, картошка ёки сабзи солиб, гўштсиз пиширилган овқат).
вағламақ — 1. ғовламоқ, ғовлаб ўсиб кетмоқ; 2. юришмоқ, юришиб кетмоқ.
вағлашмақ — суҳбатлашмоқ, ўтиришмоқ: сениң атаң талай вағлашған адамымғо (Манғ.).
вадвасыл I (Манғ.) — *мед.* оқма: кәсәлдиң йаманы вадвасыл.
вадвасыл II — маҳмадона; эзма, сафсатабоз; вайсақи.
ваджваррық (Бер.) — эзма, вайсақи.
ваззылдамақ (Тўртк., С. бий) — вижирламоқ; кўп бемаъни сўзламоқ.
вақ//вах (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — қ. **вағ** II.
вақым (Манғ., Хўж.) — *эск.* вақф.

www.ziyouz.com kutubxonasi

валла//валлабиллә//валләгәр (Бер., Манғ., Хўж.) — худо урсин (қасам).

вап — қишда сақланадиган қовун тагига солинадиган қум аралаш тупроқ.

вапыр (Бер., Тўртк.) — мўл-кўл: зыйапатта, ҳаммә нәрсә вапыр болды (Бер.).

варақ (Бер., Тўртк.) — 1. жуни ифлосланиб, тугун-тугун бўлиб қолган қўй, эчки: варақ қойларам бар (Бер.); 2. ифлос, паст нав тери.

варвар (Манғ.) — вайсақи, сергап, маҳмадона.

варқылдақ — 1. вайсақи, маҳмадона; 2. енгилтак.

варқылдамақ — вайсамоқ, бемаъни сўзламоқ; маҳмадоналик қилмоқ.

варқычы (Қўнғ.) — вайсақи, сергап.

варсақы — бемаъни, қуруқ гап: варсақы гүрриңди қой (Бер.).

васвас — 1. қ. **вадвасыл** II; 2. (Хўж., Қўнғ.) пасткаш, инсофсиз.

вах — эй, аттанг: вах, билмәй қаппан (Манғ.).

ваххэй — қ. **вах:** ваххэй, энди кеч болдав, барып көрәлмиймиз (Б. боз.).

вәдж (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) ∾ **вә : дж** (Тўртк., С. бий) — нарса, предмет.

вәйим (Хўж., Манғ.) ∾ **вә : м** (Тўртк., С. бий., Ш. хон) — ҳадик, қўрқув.

вәләт (С. бий., Қ. ноқ) — маҳаллий (шу ерда туғилган) аҳоли.

вәлламы (Хўж., Қ. чоқ) — *эск.* билимдон, насиҳатгўй.

вәрдиш (Тўртк., Бер., Қўнғ.) — *эск.* машқ: ҳазыр вәрдиштиң арқасында вөгиз қолтықлап джүриппен,— дейди (Қўнғ.).

вәркилдәмәк (Манғ.) қ. **варқылдамақ:** вәркилдәп сөйлийтуғаллар айтады вондай деп (Б. том).

вәрт — 1. ариқ, канал сувини бекитиш учун шох-шабба орасига тупроқ, лой солиб қилинган тўсиқ; 2. ариқдаги сувни тўсиш учун қўйилган асбоб: сув алйатыр, вәртни басып гә: (С. бий).

вәсвайран — жуда вайрон, хароб.

вәсип I (Бер., Тўртк.) — таъриф, тавсиф.

вәсип II (Тўрт., С. бий) — дард, ғам-ғусса: өлигә варған өз вәспини айтып йығлар (С. бий).

вәши (Ш. хон) — оғзи бўш, оғзига кучи етмайдиган одам: вәши адам.

выджылдақ — вайсақи, сергап, эзма: қулақтан қулақ қалмады, пай выджылдадынав (Б. боз.).

вышырдамақ — пичирлашмоқ, шивирлашмоқ.

воғырлы (Хўж., Қ. чоқ) — унча, унчалик; шунча.

воззаң (Манғ.) — шовқин, шовқин-сурон, ғала-ғавур.

возмурлық//возмураванлық (Хўж.) — 1. зўрлик, зўравонлик; 2. тартибсизлик, бошбошдоқлик.

воймақ (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — ангишвона.

волақ (Манғ., Хўж.) — ландовур, лапашанг.

воңатай (Хўж., Қўнғ.) — ўнғай, қулай: бармаға воңатайлы эди (Ширин).

www.ziyouz.com kutubxonasi

воңышық (Хўж., Қўнғ.) — тирикчилик, ҳаёт кечирмоқ.
ворылламақ//ворынламақ (Қўнғ., Хўж.) — бажармоқ.
вошы (Хўж., Қўнғ.) — шу, ўша: вошы адам; вошы барышында (Қўнғ.).
вөгиччә (Манғ., Қўнғ., Хўж.) қ. **буғача.**
вөждәк (Хўж., Манғ.) қ. **бызав:** бар, вөджәгинә вот сап ке (Манғ.).
вөджәт (Хўж.) — ўжар, қайсар: улы дым вөджәт, айтқанын этмийди.
вөзәкчә (Хўж., Қўнғ.) — ўзан, дарёнинг кичик ўзани.
вөктә (Хўж., Қ. чоқ) — ҳимматли, мард; ўктам.
вөкчә I (Хўж., Манғ.) — пошна; **вөкчәни көтәрмәк** — қочмоқ, қочиб кетмоқ, кетиб қолмоқ.
вөкчә II (Хўж., Қ. чоқ) — суви бўлмаган ариқнинг таги.
вөләмата (Қўнғ., Хўж.) — жуда ҳам; то охиригача.
вөләтийзына (Бер., Манғ., Хўж.) — валад; ғайри қонуний, никоҳсиз туғилган: вөләтийзынадан боған балада, маңлайы қара (Қ. бой).
вөмгән (Хўж., Қ. чоқ) ∾ **вөмген** (Қўнғ.) — кўкрак.
вөмир шерик (Хўж., Қўнғ.) — эр ёки хотин.
вөңгил-дөңгил (Қўнғ., Қ. чоқ., Хўж.) — паст-баланд, ўнқир-чўнқир.
вөңир (Хўж.) — сал баландроқ ер.
вөңкәй//вөңкий (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — нуқул, фақат.
вөрә (Хўж., Қ. чоқ) — устун.
вөрийпәк//вөрипәк (Қ. чоқ., Хўж., Қўнғ.) — катта рўмол.
вөрмәджәк (Хўж., Қўнғ.) — ўргимчак.
вөрә (Хўж., Қ. чоқ) ∾ **вөрә** (Қўнғ.) — бирданига; дарҳол.
вөткәл (Хўж.) ∾ **вөткел** (Қўнғ.) — ўтиш учун ариқ устига ташланган тахта ёки ёғоч: ана джаптың вөткәли бар (Хўж.).
вөсәк (Хўж.) — миш-миш; ёлғон: вөсәк гәп (Сурум).
вөтайы (Хўж., Қўнғ.) — бегона, бошқа.
вөтирик//вөтрик (Қўнғ., Хўж., Қ. чоқ) — ёлғон, нотўғри.

Г

га//гә//гәйдә — баъзан, гоҳ, гоҳа.
гапара (Тўртк., С. бий) ∾ **гәйпара** (Манғ., Бер., Хўж.) — баъзи бир, баъзи; айрим: гапара адамла; гапара гәлинлә (У. боғ.).
гәбир I — қадир-будир: мыздың үсти гәбир әкән (Бер.).
гәбир II — 1. шўр, аччиқ; 2. сувда эримай қолган туз бўлаги.
гәвдирәк (Манғ., Қ. чоқ) — бўшроқ (қаттиқ эмас).
гәвир//гәвүр — *эск.* ғайри диндаги шахс.
гәвкәллә (Тўртк., Бер.) — калладор, катта бошли.
гәвүл (Хўж., Қўнғ.) — *бот.* кавар.
гәди — жуни дастлаб қизғиш, кейинчалик оқроқ рангда бўлган қўй.
гәдик (Тўртк., С. бий) — кемтик, ўпирилган жой.
гәдж — 1. қайсар, ўжар: 2. тескари, акс; 3. қарама-қарши, зид.
гәджәкгүл — жингалаклари гажак-гажак бўлиб турган йирик гулли, ўсиқроқ қоракўл тери.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гәджир (Хўж.) — қ. **гәдж** I: бир гәджир улы бар (Қр. ноқ).
гәзәк (Хўж.) ∾ **гәззик** (Манғ., Бер.) ∾ **гәзик** (Тўртк., С. бий., Хўж.) — навбат; гал: ҳели сана гәзәк джетмәдими? (Хўж.).
гәзәндә (Хўж.) — дайди, саёқ: дым гәзәндә адамав.
гәзәнмәк//гәзнәмәк — ўқталмоқ, қўл кўтариб дўқ қилмоқ.
гәззәп (Хўж., Бер., Манғ.) — муттаҳам, товламачи, фирибгар; каззоб.
гәзләшмәк (Хўж., Қўнг.) — дуч келмоқ, учрашмоқ.
гәзмә қонақ (Хўж.) — қишлоқ аҳолисининг молини боққанлиги учун ҳар куни кечқурун бирортасининг уйида овқатланиб, қўниб қоладиган подачи.
гәзмәлләмәк — дазмолламоқ: чалбырымды гөзмәлләмәпсәңғо (Манғ.).
гәзнәмәк қ. **гәзәнмәк**: адамға пычақ гәзнәмә (Хўж.).
гәй//гәйбир (Манғ., Хўж., Бер.) — қ. **гапара.**
гәйдә қ. **га:** гәйдә урушыбам қаламыз (Хўж.).
гәлдирмәк (Тўртк., Бер.) — айлантирмоқ, ўгирмоқ, бурмоқ: қойланы гәлдир (Тўртк.); гәлдириб учырсаң, дасқар болайын (Бер.).
гәлджик — 1. бетайин, сўзида турмайдиган (одам); 2. эркатой, енгил характерли ёш бола.
гәмрә (Хўж.) ∾ **гәндә** (Бер.) — кир, ифлос.
гәрбич (Қўнғ.) — ғишт: йеки машын гәрбич экәлди (Т. киш).
гәррәймәк (Тўртк., С. бий) — гердаймоқ, кеккаймоқ.
гәрчләмәк — бўлакламоқ (қовуннинг учдан бир ёки тўртдан бир қисмини алоҳида кесиб, уни пўчоғи устида майда бўлакчаларга бўлмоқ).
гәтчи//гәччи (Манғ., Бер.) ∾ **гәччи** (Тўртк., С. бий) — эчки.
гәч (Бер., Манғ.) — эчкини ҳайдаш, қайтаришда ишлатиладиган сўз.
гәчхәк (Тўртк.) — сомонли лой сувоқдан сўнг суртиладиган ганч ва оҳак қоришмаси: гәчхәк теййармы? (У. боғ).
гәччә (Қ. бой)) — гапга тушунмайдиган, уқувсиз (одам).
гәшир — сабзи: эки-уч қарық гәшир, төрт-беш қарық пыйаз эктик (Бер.).
гәшир қопармоқ — *этн.* тортишмачоқ (ўйин).
гәшмәк (Хўж.) — ўғирламоқ: бул заджығалқаны кимнән гәштиң? (С. кўл).
гердан (Қўнғ.) — уч ёшдан ошган, бичилган ҳўкиз.
гиджик (Тўртк., Бер.) — *мед.* қичима.
гиджир (Манғ., Бер.) — 1. қизғин, жўшқин (одам); 2. гардкамчи, қиморбоз.
гийәвәнт — кўкнори, нашаванд: бир гийәвәнт әри ба (С. бий).
гилджик (Хўж.) — сатанг, танноз; олифта: анав гилджик қызы барғо.
гилджиңләмәк//гилминләмәк — эркаламоқ, таннозлик қилмоқ.
гилмала (Қўнғ.) ∾ **гирмала** (Тўртк.) ∾ **гүлмала** (Манғ., Хўж.) — андава.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гирев-гирев (Қўнғ.) — тўда-тўда,кўпчилик.
гиррик (Тўртк., С. бий) — кир, ифлос.
ги : зләмәк (Тўртк., С. бий) — беркитмоқ, яширмоқ: **бир ши : шә** арақ ги : зләп қойвәдим (С. бий).
гыдман (Хўж.) — *эск.* бошлиқ, раҳбар: ***гыдманы минән сөйләшти*** (Қр. ноқ).
гөгәйин (Тўртк., С. бий) — *зоол.* бўка, сўна.
гөдәк (Хўж.) — *кўч. м.* овсар, анқов, бефаросат.
гөджәк I (Хўж:) — *қ.* **вөджәк:** гөджәкти йемизиб ал.
гөджәк II — қуён боласи: қойанның гөджәгин тутып көрдим (Хўж.).
гөзәл (Бер.) — 1. оқ рангли майин юнгли қўй зоти; 2. майин юнгли жуни ўсиқ қўй териси; **гөзәл силкмә** (Бер., Тўртк.) — бир ёшлигида сўйилган, оқ рангли қўй териси.
гөзләмәк I (Тўртк., С. бий) — нишонга олмоқ.
гөзләмәк II (Тўртк., С. бий) — кўз тагига олмоқ; сайламоқ; изламоқ.
гөйәндә (Тўртк., Бер.) — созанда, музикачи.
гөйиш (Тўртк., С. бий) — кўкимтир, кўкиш: гөйиш гөйнәк (Г. сун).
гөк I (Тўртк., С. бий) — кўк рангдаги қоракўл тери.
гөк II (Тўртк.) — *зоол.* ёғоч қурти.
гөк бәрәк (Тўртк.) — ёш беда баргидан қиймалаб қилинган сомса.
гөммә — гўшт ёки картошка ёинки қовоқ солиб ёғда пиширилган сомса.
гөмсә (Хўж.) — ялқов, танбал, лаванг.
гөнә — *кўч. м.* кекса, қария, чол.
гөнә-гөкси (Хўж.) — эски-туски.
гөнәнмәк — ёлчимоқ: та : за джай салып алып гөнәнип қалды (Тўртк.).
гөнәрмәк — эскирмоқ, тўзмоқ.
гөрәк — кўсак; **гөрәк машын** — кўсак йигадиган машина; **гөрәк сувырғыч** — (Хўж., Қўнғ.) — кўсак чувийдиган машина.
гудары — 1. аъло сифатли, жуда юмшоқ чарм; 2. от нўхтасига безак сифатида қўйилган оқ қайиш.
гудары белбав (Манғ., Бер.) — *эск.* юмшоқ чарм белбоғ.
гудары қошбав — *эск.* 1. бош кийимни томоқ остидан бөғлаб қўйиш учун қилинган чарм боғич; 2. ёнига пичоқ тақиладиган чарм белбоғ.
гүдәр (Хўж.) — *эск.* умид.
гүди (Тўртк., Бер., Манғ.) — ғарам: пичәнләрди гүдиләп қойдық (Бер.).
гүдүк (Хўж., Қўнғ.) — шубҳа, гумон: сен вонңан гүдүк этмә (Сурум).
сумсүк (Хўж.) — хасис, зиқна: дым сумсүк адам (Қ. чоли).
сүңгәк (Қ. қиз) ∾ **сүңәк** (Түртк.) — суяк: сүңәкини маңа бәр.
сүнник (Манғ.) — ёғочга ёғочни киритадиган ўрин.
сүтәмәчәк (Хўж., Қўнғ.) ∾ **сүтлимәрәк** (Манғ.) — *бот.* сутқон.
сүтүрүнч (Түртк., Бер.) ∾ **сүтбүрүч** (Манғ.) ∾ **сүтгүрүч//сүтпалав** (Хўж., Қўнғ.) — ширгуруч.
сүтлимәк (Хўж.) — сутли (сут солиб пиширилган) овқат, нон.

Т

таба I (Қўнғ., Хўж.) ∾ **тава** (Бер., Манғ.) ∾ **та:ва** (Түртк., С. бий) — 1. эгат, жўяк; 2. пайкалда ишлаётганга тақсимлаб (жўяк-жўяк қилиб ёки маълум миқдор ерни чегаралаб) берилган иш.
таба II (Бер.) — таъна: душман табасыннан бәләгә қалдық.
табалдырық I (Манғ.) — *эск.* маҳаллий тўқиш дастгоҳининг устуни қоқиб қўйиладиган жой.
табалдырық II (Хўж., Қўнғ.) — *эск.* қазувда (ариқ қазиганда) этикнинг тагига боғланадиган чарм.
табым (Бер., Манғ.) ∾ **табыш** (Хўж., Қўнғ.) — ишлаб топган пул, даромад, ишҳақи: бағалардың табымы йаман әмәс (Бер.).
тавық көз (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) — шабкўр.
тавқы — *эск.* Хива хонлигида жабрланувчиларнинг бўйнига ва қўлига солинадиган занжир.
тавламақ — 1. бурамоқ; 2. айлантирмоқ.
тавсылмақ//тавшылмақ (Хўж., Қ. чоқ) — тугамоқ, бнтмоқ.
тавунмачақ (Хитой) — топишмоқ: ке, тавунмачақ айтышамыз.
тавшан (Түртк., Бер., Қ. бой, Хўж.) — қуён: **тавшан йылы** — қуён йили.
тағийнә//тағы — яна, яна ҳам, янада; тағин.
таза — янги: таза гәстинсәни йа:нында (Түртк.); **тазадан** — янгидан.
тайав (Манғ., Бер., Хўж.) қ. **дайав** III.
тайғақ//тайғалақ//тайынчақ//тайпанчық//тыйпанчық — тойганоқ, сирғанчиқ, тойғанчоқ.
тайы (Манғ., Бер.) қ. **сыңар:** эгиз қойдың бир тайы (Бер.).
тайын — тайёр; нақд: **тайынға шайын** — тайёрга айёр.
тайлақ I — яланғоч: мынав балаң тайлақ йүриптиғо (Манғ.).
тайлақ II — бўталоқ: түйәниң баласына:м тайлақ деймис (Манғ.).
тайнапыр (Қўнғ.) — йирик танали наслдор буқа.
тайпанмақ//тыйпанмақ — сирғанмоқ: тайпанып йығылған (Қ. бой).
тайха//тейха (Түртк., С. бий) ∾ **тақыйа//тақйа** (Қўнғ., Хўж., Қ. чоқ) ∾ **тайха//тақыйа//тақйа//тахыйа//тахйа** (Бер., Манғ.) — дўппи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақ (Манғ.) *қ.* **кәт:** тақ, кәт, карават деймиз.
тақабыл (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — ўхшаш; бир хил: Бештам, Қыпчақтың тили бир-бирөвинә тақабыл (Қ. чоқ).
тақча (Тўртк., Бер.) — 1. туғмайдиган товуқ; 2. (Қ. бой) биринчи марта тухум туққан жўжа товуқ.
талқыйн//талхыйн//талхын//тәлқыйн — ашула.
таллық//тандық (Қ. чоқ) — қарам: мен сана таллық әмәсмән.
талма — камқувват, толиқиб қоладиган (одам, иш ҳайвони).
там (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) — 1. уй, жой; 2. хона.
тамақ (Манғ., Хўж., Бер.) *қ.* **дамақ.**
тамақлашмақ (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) — *қ.* **дамақлашмақ.**
тамақса//тамахса (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) — *эск., этн.* 1. кампирларнинг лачак устидан айлантириб, яқ тагидан ўрайдиган оқ матоси, докаси; 2. лачакнинг олд томони.
тамақсав (Бер., Манғ., Хўж.) — овқатни кўп ейдиган одам, мечкай.
тамбаш (Манғ., Бер. Хўж.) — том: тамбашға чығып бойан таша.
тамызық (Хўж,. Манғ.) ∾ **тамызғы** (Бер.) *қ.* **дамызық.**
танав (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) — 1. бурун тешиги; 2. мол тумшуғи.
танатавар (Қ. бой) — лойни уриб пиширишда қўлланадиган ёғоч асбоб.
тандырбаш (Хўж., Қўнғ., Манғ.) *қ.* **ғавкәллә.**
танқан//танқа//таңқан — мис ёки чўяндан ясалған сув идиш.
танча (Бер.) — кичик тандир, ўчоқ.
таңазан (Хўж., Бер., Манғ.) — саҳар пайти.
таңсәвир бермақ (Хўж., Манғ.) *қ.* **бувсандырмақ.**
тап I (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) ∾ **та:п** (Тўртк., С. бий) — худди, айнан: тап қуйып қойғандай (Б. боз).
тап II — 1. ер сурганда ҳосил бўлган қатор; 2. эгат, жўяк.
тап III (Манғ.) — доғ: көйләктәги тап кетмәди.
тап IV (Манғ.) — тоблаш (отни пойгага тайёрлаш): ат чаппас — тап чабар.
тапа-таластан (Бер., Тўртк.) ∾ **тапа-тастан//таппа** (Манғ., Хўж.) — қўққисдан, кутилмаганда, бирданига.
таппат (Бер.) — дим, ҳавонинг дим бўлган пайти.
тап салмақ (Хўж., Қўнғ.) — уруғ сепиладиган ерни кичик бўлакларга ажратмоқ: қавунға тап салдық (Қўнғ.).
тап ташамақ (Хўж., Қўнғ.) — камаймоқ: салма:ң сувы тап ташапты (Хўж.).
тар//тар ағач (Манғ., Бер.) — товуқлар тунайдиған хода, ёғоч.
тарашман — пахса деворнинг лойини текислаб, қириб туширувчи уста.
тарып//тарп (Манғ., Бер.) — қўриқ (биринчи марта сурилиб суғорилган ер): бизәрдә тарып йер көбәйди (Манғ.).
тартыш (Манғ.) — *эск.* от кучини, араванинг мустаҳкамлигини синаш мусобақаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тартма I — канал ёки ариқдан унинг чеккасидаги ерларга сув олиб келадиган ариқча.
тартма II (Тўртк., Бер., Қўнғ.) — ахта: тартма тэкэ.
тартма III — ғаладон.
тартмақ — чекмоқ: қой бул ишларди, бир чылым тартыйқ (Хўж.).
тас — сал: тас бомаса қолды кесип кетджағ эди (Манғ.).
тас-талақан//тас-талқан (Хўж., Манғ., Бер.) — тилка-пора, майда-майда, парча-парча; **тас-талқан этмэк** — тор-мор қилмоқ.
тас-тастан — аранг, зўрға, базўр: тас-тастан қалдым (Қ. чоқ).
татрамақ (Тўртк., Бер., Манғ.) — сандирамоқ, валдирамоқ.
тахта (Тўртк., Бер., Манғ.) ∾ **тахта//тахтай** (Хўж., Қўнғ.) — синф доскаси; **тахта** сыйыр (Манғ., Қўнғ.) — кам сутли, тугмайдиган сигир.
таччыра (Хўж., Қўнғ.) ∾ **ташчыра** (Манғ., Бер.) — *эск.* жинчироқ.
ташэнэк (Хўж.) — 1. ўз ишига пишиқ одам; 2. хасис, зиқна, пскирт.
ташнав//тошнав (Манғ., Бер., Хўж.) ∾ **тошшы** (Тўртк., С. бий) — обрез: мэ, мынавны ташнавға төгип таша (Манғ.).
та:зан — *эск.*, *фольк.* қамчи.
та:зын (Тўртк.) қ. **бойнатма**: та:зын өкизи көп ишлэтмэңлэ.
тэбэн//тэвэн (Манғ.) ∾ **тэбэн//тэбен** (Хўж., Қўнғ.) ∾ **тэмэн** (Тўртк., Бер.) — жуволдиз.
тэбэңги (Қўнғ.) — от узангисининг оёқ қўядиган темир қисми.
тэбсирлэмэк (Тўртк.) — индамасдан оғиз очмоқ, лаб қимирлатмоқ.
тэвэллув — *эск.* тўлғоқ: хатыллар тэвэллув вақтында қыйналады (Қ. бой).
тэгэлэк I (Тўртк., С. бий) — думалоқ.
тэгэлэк II (Тўртк., С. бий) — айри думбали қўй.
тэгди (Тўртк., Бер.) — этик ичидан кийиладиган кигиз маҳсича.
тэкэ//тэкйэ I (Тўртк., Бер., Манғ.) — ёстиқ.
тэкэ//тэкйэ II (Тўртк., Бер.) — устун қўйиладиган нақшли мармар тош ёки ғўла.
тэкэнэмэт (Бер., Тўртк.) ∾ **тэкийэмэнт** (Қ. бой) ∾ **тэкийэмэт//тэкйэмэт** (Манғ., Хўж.) — чиройли гулдор кигиз.
тэкибай (Хўж.) ∾ **тэкмэй** (Манғ.) — соч олдирганнинг ёки бирор ўйинда ютқизганнинг бошига бош бармоқ билан чертмоқ.
тэккэ (Бер.) фақат...: тэккэ кэлляэсин алып ташыйды.
тэл (Бер.) — тўппа-тўғри: ыссы авқатты ҳэргүн тэл түштэ берэмиз.
тэлэк — 1. том тепасига қурилган омбор; 2. болохона.
тэлэкэ (Хўж.) — ожиз, хира: көзим тэлэкэ боп тур (С. кўл).
тэлэпкэр — 1. даъвогар, ҳақ талаб қилувчи; 2. *эск.* мардикор.
тэлэтин (Манғ., Хўж.) — кўн, чарм (мол, от, туя, қисман серка терисидан ишланган чарм): тэлэтин үч айда чығады (Манғ.).
тэлвэ (Бер.) — от сувлиғининг икки томонига биркитилган қайиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тәмиз (Манғ.) — 1. дид, истак; 2. таъб: тәмизиң алса, мынав авқатты йийғай.
тәнәк (Манғ.) — димоғдор, кибрли, кеккайган (одам).
тәнәскүл (Хўж.) — *бот.* қизил олча.
тәндар — тетик, бардам; ғайратли: бизиң ғарры ҳели тәндәр (Б. том).
тәндүрүс (Манғ., Бер.) — тўғри, тузук: бир тәндүрүс гәпиң йоқ (Манғ.).
тәнсәлмә (Хўж.) — тинч туролмайдиган мол: тәнсәлмә сыйыр.
тәпки (Манғ.) — печка лўкидони.
тәппә//тәпсәв (Хўж., Қўнғ.) — баландлик: **тәппә йер** (Хўж.) — сув чиқиши қийин бўлган ер.
тәрәкә этмәк (Хўж., Тўртк.) — молни сўйиб, гўштини садақа тариқасида текин тарқатмоқ: қойны сойып тәрәкә эттик (Қ. қиз).
тәрәндә (Тўртк., С. бий) — 1. дароз; 2. тўғри, узун, силлиқ ёғоч, хода.
тәррәймәк — гердаймоқ, кеккаймоқ.
тәсил — тоб, маза, кайф: кәмпирдиң сәл тәсли йоқ (Қ. чоқ).
тәтәррик//тәттәррик (Хўж., Тўртк., С. бий, Ш. хон) — тайёрлик, тараддуд; ташвиш: той тәтәрригини гөрәвәриңләр (Тўртк.).
тәтлик (Хўж.) — *этн.* қиз уйига куёв томонидан юбориладиган мева-чева.
темирйава (Манғ., Бер.) — айри, паншаха.
темирав (Қўнғ.) ∾ **темрәв** (Манғ., Хўж.) *қ.* **дәмрәтки.**
темиртәк — *эск.* сопсиз, ўтмас пичоқ.
теңәмик//теңдуш — тенгдош, тенгқур.
теңи-тайы (Бер., Манғ.) — тенг-туш: ҳәр ким өз теңи-тайы минән.
терис//терис йоңқа//терис пытақ//терсәкәй (Бер., Манғ., Хўж.) — тескари, ўжар, қайсар.
тибиндә//түбиндә (Бер.) ∾ **түбиндә** (Манғ., Хўж.) — пировардида, хуллас; қандай бўлса ҳам.
тийир//ти:р (Тўртк., С. бий) — кепчик.
тийиш (Хўж., Бер.) — лозим, шарт.
тийрә I (Тўртк., Бер., Манғ.) — насл-насаб.
тийрә II (Бер.) — томон (бирор томон): шу тийрәләрдә йүргәнчығар.
тикәч (Манғ., Хўж.) — чакич.
тиккил (Қ. бой) ∾ **типкич**// ∾ **түпкүч** (Хўж., Бер., Манғ.) — қозон қўядиган гардиш: загаманың қаснағы түпкич болады (Манғ.).
типкәнди түви (Бер.) ∾ **түпкәнниң тийи**//түби (Манғ.) — жуда олис, ниҳоятда узоқ жой.
тирәл (Манғ.) — 1. ўжар, қайсар; 2. маҳмадона.
тирапперди (Хўж.) — тирговуч: мевәни шақыға тирәпперди қойдық.
тирвәнт (Ш. хон, С. бий) — вешалка: өйни ичидә тирвәнт ба (Ш. хон).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирйәк — афюн, қора дори.
тиркәв (Бер.) — навбат: кассаның тиркәвиндә турмасақ бомас.
тирчә (Тўртк., С. бий) — чаққон, эпчил: дым тирчә бала (Тўртк.).
тискинмәк (Бер., Манғ., Хўж.) — чўчимоқ, чўчиб тушмоқ.
тишәгәв (Манғ.) — эгов (ўроқ, арраларни ўткирлайдиган ясси эгов).
тиш бузған (Қўнғ., Манғ.) — олти яшар туя.
тиш йемәк (Бер., Манғ.) — хўрланмоқ, оёқ ости бўлмоқ.
тыба (Бер.) ∾ **тува** (Тўртк.) — 1. оқмай тиниб турган чуқур сув; 2. дарё ташлаб кетган чуқурликдаги сув.
тығырық I (Манғ., Бер.) — жин кўча.
тығырық II (Манғ.) — бурундиқдаги шайба сифат қалин чарм.
тыйпақ (Бер., Манғ., Хўж.) — 1. силлиқ, текис; 2. сирғанчиқ.
тылым (Хўж.) — *этн.* кокил; **тылымчақ** — қизларнинг чакка кокили.
тылла — *эск.* Хива хонлигида пул бирлиги — олтин чақа: **бир тылла** — тоққыз тәңгә; **он тылла** — он сәккиз манат (Бер.).
тыммы (Тўртк.) — кичик, кичкина: қыйзы тыммығына, йахшы.
тымтырыс//тыптыртым//тыртым (Бер., Тўртк., Манғ.) — жим-жит.
тырджақай (Хўж.) — енгилтак, бебурд, бетайин.
тырмақ (Манғ., Бер.) — ёмонламоқ, бировнинг орқасидан ёмонлаб гапирмоқ: өзи йоғ адамны тыравермә (Манғ.).
тырна (Б. боз.) — хаскаш.
тырраймақ — гердаймоқ, кеккаймоқ.
тыш (Бер., Манғ.) — ташқари: үйгә апке, тышта қамасын.
тоғытмақ (Манғ.) — қўй ва эчкиларни қирқимга тайёрлаш мақсадида чўмилтириш.
тойғын (Манғ.) — тўқ: **тойғын сары** — тўқ сариқ.
тойлық (Бер., Манғ., Хўж.) — тўёна: тойға тойлық йибәрдик.
тоқылдақ (Хўж.) — *зоол.* қизилиштон.
тоқытқа (Тўртк., С. бий) ∾ **тоңыртқа** (Манғ., Бер., Хўж.) — сой, ариқ ва йўллардан сув ўтказадиган қувур.
толатоқ (Манғ., Бер., Хўж.) — семиз, тўладан келган, бўлиқ.
томазан (Тўртк., С. бий) — *зоол.* қўнғиз.
томпақ (Манғ., Бер., Хўж.) — пакана.
тоңғыр (Манғ., Хўж.) *қ.* **даңғыр.**
тоңмақ (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) *қ.* **доңмақ.**
топар — тўда, гуруҳ: бир топар бағалар Қуба тавға кетти.
топач (Манғ.) — балиқнинг думи (қуйруғи).
топылмақ (Бер., Манғ., Хўж.) — ўқталмоқ, ҳамла қилмоқ.
топыр этмақ (Манғ.) — чангитмоқ, кўп юриб йўлнинг чангини чиқариб юбормоқ: Манғыттың йолларын топыр этәйин.
топса (Хўж.) — бўсағa, остона: топсаны басмай вөт (Қирқ).
торай (Хўж., Қўнғ.) — чўчқа боласи.
торта (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) — қуйдирилган ёғ қолдиғи.
тоссы (Тўртк., Бер.) — қора рангли аъло нав қоракўл тери.
тоспағаи (Қўнғ., Хўж.) — коса (ёғоч ёки темир коса).
тотықмақ (Хўж.) — зангламоқ: мынав пычақ тотығып қапты.

www.ziyouz.com kutubxonasi

төбәләшмәк (Бер., Манғ., Хўж.) *қ.* **дәпәләшмәк.**
төлләмәк — қўзиламоқ: савлықлар төлләватыр (Манғ.).
төмән (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — шимол, шимол томон: төмәндәгиләр башқачарақ сөллийди (Қ. чоқ).
төмән қөллы (Хўж.) — пасткаш, зиқна, хасис.
төмбиттәй (Манғ., Хўж.) — бақувват, бардам.
төрәли (Манғ., Хўж., Бер.) — 1. яхши, дуруст; 2. тартибли.
төрпи (Манғ.) — йирик тишли эгов.
тувадақ (Хўж.) — кенжа (бола).
тувар (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) — совлиқ.
тувармақ//тувғармақ I (Бер., Хўж., Манғ.) — бўшатмоқ, чиқармоқ (отни аравадан чиқармоқ).
тувармақ//тувғармақ II (Бер., Хўж., Манғ.) — тўхтатмоқ, йиғиштирмоқ: ишиңди тувғар, кеттик (Манғ.).
тувлақ I (Қўнғ.) — жундан тўқилган, жун солиб қўядиган халта.
тувлақ II (Бер., Манғ., Хўж.) — озғин, қотма.
тувча (Тўртк., Бер.) ∞ **тувша** (Қўнғ., Хўж.) — икки яшар эчки.
туйақ (Бер., Манғ., Хўж.) — *кўч. м.* 1. фарзанд; 2. авлод, насл.
туйуқ (Хўж.) — оқмасдан, бир жойда туриб қолган сув.
туқум тәбәрик//тухум (Манғ., Хўж.) — қариндош-уруғ.
тулумча (Манғ.) — семиз, ишёқмас, лапашанг бола.
турақсыз (Бер. Хўж.) — тутуриқсиз, бетайин: турақсыз адам.
турпайы (Хўж., Қўнғ., Бер.) — қўпол, қўрс; адабсиз.
турпатлы (Хўж.) — басавлат; нуфузли, вазмин.
турум (Қ. бой) — эшик ёки дарвозанинг бўсағага бириктирилган жойи.
тусақ//тусах (Манғ.) *қ.* **йекитиш:** савлық тусағында ғочқа келәди.
тутанақ (Манғ.) — *мед., вет.*, қуёнчиқ: тутанақ боған мал.
тухумбаш — уруғ учун олиб қолинган бутун бошли жўхори.
туш (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — тараф, қарама-қарши томон.
тушма-туш — 1. дучма-дуч; 2. рўпарама-рўпара.
түбкич//түпкич — қозон қўядиган гардиш.
түвир (Қ. қиз., Ш. хон) — товуқ катагидаги товуқ тунайдиган хода.
түвчә//түмчә (Хўж.) ∞ **түвчә** (Қўнғ.) ∞ **түмчә//түнчә** (Манғ.) *қ.* **дүмчә.**
түзүв (Хўж., Манғ., Бер.) — *эск., этн.* хотин-қизларнинг кумуш ва қимматли тошлардан ишланган (бошга киядиган) безаги.
түйәк (Бер., Манғ., Хўж.) — хўп, хўптир.
түйәкләмәк (Бер., Манғ., Хўж.) — галла янчмоқ, хирмон қилмоқ.
түйәмәк (Хўж., Манғ., Бер.) — юкламоқ.
түйәтабан//түйәтаван (Манғ., Хўж.) *қ.* **айры** III.
түймә I — тугма; **түймә баш** — боши кичкина уй ҳайвонлари; **түймәси қызарған** — бўғоз қўй; **түймәси қыйшық** — қисир қўй.
түймә II (Қ. бой) — *этн.* кумушдан ясалган хотин-қизлар тақинчоғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

түйнәк (Манғ., Бер., Хўж.) — сапча.
түйскән (Манғ.) — *мед.* говмичча: көзимә түйскән чығыпты.
түнәк (Манғ., Бер., Хўж.) — қоп-қоронғи, қоронғилик.
түң — *эск.* мисдан ясалган сув идиши.
түңкә (Манғ., Бер.) — *эск.* тунукадан ясалган чироқ.
түңкәк (Бер.) — 1. дўнг, баландлик; 2. супа (юк юклаш учун махсус ишланган супа).
түп (Манғ., Хўж., Бер.) — ҳеч: түп нәрсә бнлмийсән (Манғ.).
түпчик (Манғ.) — кенжа: мынав биздиң түпчигимиз болады.
түр — башара, афт-башара: түриң қурсын (Қ. бой).
түргәлмәк (Бер., Манғ., Хўж.) — ўриндан турмоқ.
түрмә — 1. қизларга рўмол, йигитларга белбоғ бўладиган узун, тор, сачоқли шоҳи рўмол; 2. *эск.* юпқа шерсть мато.
түршәк — 1. аччиқ, нордон; 2. нордонроқ конфет, монпасье.
түссә (Бер.) — тутатқи (кечаси пашша, чивин келмаслиги учун ўт ёқиб тутатмоқ).
түтә I — ип ғалтак.
түтә II — *эск.* милтиқ стволи.
түшкирмәк (Бер.) — аксирмоқ.
түштә (Бер., Манғ., Хўж.) — жўхорини биринчи марта суғориш.
түшүк I (Бер., Хўж.) — вақтидан илгари туғилган (бола, мол).
түшүк II (Хўж., Қўнғ.) — тандирдан тушган нон.
түшүрүм (Манғ., Бер., Хўж.) — фойда, кирим.

У

ув (Бер., Манғ., Хўж., Қўнғ.) — заҳар, оғув.
уваламақ//увқаламақ — ишқаламоқ.
увыр//увур I (Бер.) — йўл, йўналиш: увырын билсәң пәнт йәмессән.
увыр//увур II (Бер.) — маъно: гәпиңниң ҳеч бир увры йоқ.
увқарақан (Хўж., Манғ.) — заҳар-заққум.
уврамақ (Тўртк., Бер.) — жўнамоқ.
уз (Бер., Манғ.) — *фольк.* узун, дароз, новча: узун-узун уз кийатыр, узун бойлы қыз кийатыр (Манғ.); узун-узун уз ағач, оннанам узун уз ағач (Бер.).
узай (Бер., Манғ., Хўж.) — новча, дароз: дым узай адам (Хўж.).
узун-ғуйын (Хўж.) — узоқдан-узоқ: узун-ғуйын джол джўрип.
уйа (Бер., Қ. чоқ) қ. **ыйа:** уйаңа қарамыйсама, ҳә, джүвәрнәмәк,
уйаң (Хўж., Манғ.) — аста-секин: мен авқатты уйаң джиймән.
уйғармақ I (Хўж.) — ташкил қилмоқ: дәррәв бир отырышманы уйғар.
уйғармақ II (Хўж.) — туш таъбирини айтмоқ.
уйық I — қуйқа, қуйқум: челәктиң тийиндә уйығы көп чығар.
уйық II 1. (Қўнғ.) — кигиздан тикилган пайпоқ; 2. (Бер.) жун пайпоқ.
уйқаш//уйтқаш — ўхшаш, қофиядош.
уйчуқ//уршуқ (Қўнғ.) ∾ **урчық//урчуқ** (Хўж., Манғ., Бер.) ∾ **уйчуқ** (Бер.) дук: айланып турған урчуқтай (Хўж.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

улғар (Хитой) — *бот.* пархиш.
улқан ата (Манғ., Хўж.) ∾ **уллы ата** (Тўртк.) — бобо.
улқан әкә (Хўж., Манғ.) — 1. ёш жиҳатдан энг катта ака; 2. амаки.
унашы (Бер., Манғ., Хўж.) — уғра ош.
унтақ (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — майда, ушоқ.
унталқан этмәк — 1. янчиб майдаламоқ; 2. кунпаякун қилмоқ.
унталмақ (Тўртк., С. бий) — майдаламоқ, майдаланиб кетмоқ.
унутчақ (Бер., Хўж., Манғ.) — паришонхотир, унутувчан.
ура (Хўж.) — *вет.* сигир жагига чиққан яра.
урды-қачты (Бер., Манғ.) — болаларнинг доира шаклида туриб, бири қочиб, бири қувиб ўйнайдиган ўйини.
урым-пытақ//урум-пытақ (Хўж., Қўнғ.) — 1. насл, авлод, 2. уруғ-аймоқ.
урнықмақ (Бер., Манғ.) — қоқилмоқ: урнығып кеткир... (Бер.).
урпа I — ҳар хил майда нарса.
урпа II — хамир ёйганда сепиладиган ун.
урпаң (Манғ., Бер., Хўж.) қ. **орпаң:** йол дым урпаң әкән (Манғ.).
урчуқ (Тўртк., Бер., Манғ., Хўж.) — *кўч. м.* тўпиқ.
утылмақ (Бер., Манғ., Хўж.) — ютқазмоқ, бой бермоқ.
утур (Хўж.) — қулай пайт: утуры кегәндә атып қал.
учқалақ (Хўж., Қўнғ.) — бетайин, бебурд, енгилтак.
учма (Тўртк., Бер.) қ. **топалан.**
ушақ (Тўртк., Бер., Манғ.) — *кўч. м.* бола, ёш бола.
ушақламақ — 1. майдаламоқ: ақчаны ушақлап бер (Қўнғ.); 2. ёрмоқ, кесмоқ: отынды ушақламасаң пешкә сыймыйды.
ушақ-тушақ//ушақ-түшәк — майда-чуйда, майда нарсалар.
ушақчы (Хўж.) — ёймачи.
ушлық (Хўж., Қўнғ.) — жамалак: ушлығыңды джелтилләтәбермә, маңа (Хўж.).

Ү

үбүрли-чүбирли (Манғ.) — неварали-чеварали.
үжибатсыз (Хўж., Қўнг.) ∾ **үжүвәтсиз** (Манғ.) — маъносиз, тутуриқсиз.
үзмән (Манғ., Хўж.) — хамирни бармоқ билан узиб-узиб, қозонга солиб пиширилған овқат.
үзүк (Бер.) — сизот: **үзүк сув** — сизот сув.
үйгәләк (Манғ.) — кичик ўқлов.
үйкәләнмәк (Бер., Манғ., Хўж.) — суйканмоқ, ишқаланмоқ.
үйрәк (Хўж., Қўнғ., Қ. чоқ) — ўрдак: адашқан үйрәк... (Қ. чоқ).
үйрәм//үйрүм (Манғ., Хўж.) — гирдоб: дәрйәниң үйрәми (Манғ.).
үйрәнчикли (Манғ., Бер., Хўж.) — ўрганишган: үйрәнчикли йав урушмаға йахшы (Бер.).
үйрәтмә (Манғ., Бер., Хўж.) — ишға ўргатилаётган уй ҳайвони.
үйтмә (Хўж., Қўнғ.) — терисини олмасдан оловда пиширилган қўй гўшти: қырға барғанда үйтмә пиширдик (Хўж.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

үйчикләш (Қўнғ.) — отларни ерга қоқилган катта қозиқ атрофида айлантириб, ишга (тегирмон, жувозга қўшишга) ўргатиш.
үйчил (Манғ., Бер., Хўж.) — уйга киравериадиган мол.
үки II *зоол.* яполоқ қуш.
үкипәр — *эск., этн.* қизлар бош кийимига тақиладиган пар.
үләк (Хўж., Бер., — эркак туя.
үләк әрва:на (С. бий) — қизғиш рангли, жуни жингалак урғочи туя.
үлги — 1. андоза, ўлчам, бичим; 2. қолип.
үлүк I — чигит аралаш пахта чиқиндиси.
үлүк II (Бер.) — оқар сувнинг оқмай турган ери.
үмүләкәт болмақ (Манғ.) — мириқиб ўйнамоқ (болаларга нисбатан).
үмүр (Тўртк., Бер., Хўж.) — 1. дим, дам; 2. туман.
үнис (Хўж.) — ихлос: воқышқа үнис этсә болады.
үңиз (Тўртк.) — катта чуқурлик.
үңилмәк (Манғ., Хўж., Бер.) — тикилмоқ, диққат билан қарамоқ.
үңкий (Манғ., Хўж.) — нуқул, фақат.
үпүлдирик//үпүлдүрүк — *бот.* тўзғоқ: джекәндиң үпүлдириги. (Хўж.).
үргимәк (Тўртк., С .бий) — тебратмоқ: бешикни үргип тур. (Тўртк.).
үргүн (Қўнғ.) — қор уюми.
үрпә-чүрпә (Хўж., Манғ.) — майда-чуйда.
үскәнә (Бер.) — *кўч. м., этн.* сеп (қиз узатилганда бериладиган хўжалик моллари).
үсмәк (Манғ.) — бесўнақай ҳаракат қилмоқ.
үтүк I (Манғ.) — кир, ифлос, юпун кийинган шахс.
үтүк II — дазмол: чалбырыма үтүк бастыңма? (Қ. чоқ).
үчазүв (Бер., Манғ., Хўж.) — саккиз яшар от.
үчәк (Тўртк., С. бий) *қ.* **тамбаш:** үчәкә чықвәдим (Ш. хон).
үчбәрвәнт (Бер.) — *фольк.* уч томонга ажралиб кетувчи йўл.
үшбәләк//үшбөләк (Манғ.) — ҳуштак.
үштик//үштүк (Манғ., Хўж.) — *эск.* жинчироқ.

Х

хаванда (Хитой) — 1. пахса девор бурчагида қолдирилган узун, ингичка ёғоч, дор; 2. қовунларни осиб қўядиган махсус хода.
хайнахай (Тўртк., Бер., Хўж.) — албатта, шак-шубҳасиз.
хайпынмақ (Манғ., Хўж.) — ҳайиқмоқ, қўрқмоқ.
хақық (Манғ.) ∞ **хәқыйқ** (Бер.) — *эск., этн.* йирик, қизил рангли мунчоқ.
халақа — *эск., этн.* 1. аёллар (кампирлар) лачагининг орқа томонга тушиб турган қисми; 2. лачак устидан ўралган рўмолнинг орқага ташланган қисми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хал-йағдай (Тўртк., Бер., Манғ.) — 1. ҳол-аҳвол; турмуш, рўзгор; 2. кайфият, соғлиқ-саломатлик.
хам (Тўртк., Манғ.) — чарм қилинадиган мол териси.
хамма I — тегирмондан чиққан унни қопга солиб турадиган жой — хона.
хамма II — пахса қилинадиган лойни иккинчи марта агдариш.
хампуруш (Манғ., Бер.) — хом терини ишлаб сотувчи одам.
хампуш//хамсоз (Ш. хон) — етилмаган жўхори сўтаси.
хамсызлаштырмақ (Бер.) — страхование қилмоқ.
ханазат (Бер., Манғ.) ∾ **ханэки** (Тўртк., С. бий) — ёшлигидан қўлда боқиб ўстирилган мол.
ханазил (Манғ.) ∾ **ханасыл** (Бер.) ∾ **ха:нэзил** (Тўртк.) *қ.* **қэнэзил.**
хан-султан//хан-тархан — *эск.* бировга бўйсунмайдиган, ўзи истаганича иш қиладиган шахс.
хараваты (Тўртк., Бер., Манғ.) — сахий, қўли очиқ, хотамтой.
хараз (Тўртк., Бер., Манғ.) — катта тегирмон.
харвыз (Тўртк., С. бий) ∾ **хармыз** (Манг., Бер.) *қ.* **қармыз.**
харыд (Тўртк.) — 1. масаллиқ: харыды йахшы воса, палава:м мазалы волады; 2. материал.
харсаң-харсаң (Тўртк., С. бий) — уюм-уюм: атызла:дағы харсаң-харсаң қарла:ны ҳасылға пейдасы көп (С. бий).
хасымкар (Манғ.) — 1. *қ.* **пэтләқам**; 2. қасосчи.
хата (Бер., Б. боз.) — вафот, қазо: **хата болмақ** — қазоланмоқ.
хэджджэ (Манғ., Бер.) — ганч, алебастр.
хэлили (Бер.) — таги қора, усти тўқ жигарранг қоракўл тери.
хэлкинчэк//хэлқунчэк//хэңкилчэк//хэңгилчэк (Манғ., Хўж.) — 1. беланчак; 2. арғимчоқ.
хэрип (Тўртк., Ш. хон) ∾ **хэ:рип** (С. бий) — *эск.* ўртоқ, дўст.
хэррэт (Бер.) *қ.* **қэррэт:** хэррэтни йанына барып келдим.
хэсэки (Тўртк.) — жайдари: хэсэки сығырла: ушақ волады.
хиррик (Бер., Манғ.) — пашшадан сақлаш учун от кўзи устига тақиладиган попук (сочоқ).
хирриклэмэк (Манғ., Бер.) — қовунларни навларга ажратиб, қишда сақланадиганларини махсус жойга осиб қўймоқ.
хыйалланмақ (Бер., Манғ., Хўж.) — иккиланмоқ, айнимоқ, фикридан қайтмоқ: хыйалланып турупты, бармыйдав (Хўж.).
хықылдавық (Манғ., Бер.) — ҳиқичоқ.
хырбэччэ//хырабэччэ (Манғ.) — *эск.* мушук боласи.
хырлы (Қ. бой) — *эск.* шох милтиқ.
хытайы (Манғ.) — ёзги нав қовун; мағзи қизил рангли, шакли чўзиқроқ, ранги кўкиш қовун; **ақ хытай** — юпқа пўчоқли, ранги оқроқ, мағзи қалин қовун.
хона (Қ. қиз) — оштахта.
хоппыш (Манғ.) — семиз, хўмрайиб юрадиган, завқ-шавқсиз (одам).
хорэзэк (Хитой) — *мед.* қизилча, скарлатина.
хортық (Бер., Тўртк.). *қ.* **сылбыр:** хортықтан тухум бомас (Бер.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

хостар (Бер., Манғ.) — хайрихоҳ, меҳрибон, ҳамдард.
хошйақмас Бер., Манғ.) — дангаса, ялқов.
хөджик (Тўртк.) — 1. олифта, чапани (йигит); 2. *эск.* бойвачча.
хуланғыр тавық (Бер., Манғ.) — катта, гўштдор товуқ.
хумбыз (Бер., Манғ.) ∾ **хуммыз** (Тўртк., С. бий) *қ.* **қумбыз.**
хуруш (Тўртк., Бер., Манғ.) — биргаликда қўшиб ейиладиган нарса (масалан, нонга ёғ суркаб ейиш).
хут I (Тўртк., Бер., Манғ.) *қ.* **қут** I, II.
хут II — якка, танҳо; шахсан.
хутнайын (Бер., Тўртк.) ∾ **хуттан-хут** (Манғ.) *қ.* **хайнахай.**

Ҳ

ҳав//ҳәв (Бер., Манғ., Хўж.) ∾ **ҳа:в** (Тўртк., С. бий) *қ.* **ав: ҳав,** ичмәпсәнғо, ал, хатардан қалма (Бер.).
ҳава//ҳавва (Хўж., Қўнғ., Манғ.) *қ.* **ава.**
ҳавасоқы (Малғ.) — ховонча: хавасоқыда нас тўйәмиз.
ҳавваң (Тўртк., С. бий) — ҳа, шундай (тасдиқ-ҳурмат).
ҳавджәр (Қўнғ.) — *этн.* келин тушганда айтиладиган ёр-ёр.
ҳавқулла (Бер., Манғ.) — *эск.* хирмондан садақа тариқасида бериладиган ғалла.
ҳавләки (Ш. хон) — ҳовлиқма, шошқалоқ (одам).
ҳайа йер (Бер., Манғ.) — ҳамма вақт экилиб турган ер.
ҳақылгөй (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — ақл ўргатувчи; иасиҳат қилишни яхши кўрувчи шахс: ҳақылгөй болабермә (Манғ.).
ҳалықламақ//ҳаллықламақ (Манғ., Бер., Хўж.) — ҳансирамоқ.
ҳапалаң//ҳапатақ — ҳовлиқма, шошма-шошар (одам).
ҳаплықмақ (Манғ.) — димиқмоқ: дым ҳаплығып кеттим.
ҳарамучуқ — *мед.* ҳуснбузар.
ҳарасат (Бер.) — тўполон: бы не ҳарасат?.
ҳарламақ (Бер., Манғ., Хўж.) — ўйин охиригача қатнашмай, кетиб қолмоқ.
ҳаччоқ (Бер.) — *зоол.* какку.
ҳәвил (Манғ., Хўж., Бер). ∾ **ҳөвүл** (Тўртк., С. бий) — ҳадик, қўрқинч.
ҳәвир мал (Тўртк., Бер.) — насл учун фойдаланиладиган эркак мол.
ҳәвликмәк (Хўж., Манғ.) — ҳавотирланмоқ, ҳадиксирамоқ.
ҳәз — кайф, ҳузур, маза, роҳат.
ҳәз этмәк — кайф қилмоқ, лаззатланмоқ.
ҳәзчил — кайф-сафони яхши кўрувчи шахс: Мамыт ҳәзчил йигит.
ҳәй (Манғ., Бер.) — эр ва хотиннинг бир-бирларига мурожаати.
ҳәйәшәм (Хўж.) — чиройли; тоза, покиза.
ҳәйбәрә (Хўж.) — жуда, ниҳоятда; анча.
ҳәйдәвир (Манғ.) ∾ **ҳә:дәвир** (Тўртк., С. бий) *қ.* **әдәвүр.**
ҳәйзәмкәш (Бер.) — *эск.* ўтиичи: ҳәйзәмкәш отын терип йўргәндә...
ҳәйкәл — *эск., этн.* хотин-қизлар бўйнига тақадиган безак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳәйкәлчи (Манғ., Бер., Хўж.) — кўпкарига ўргатилган, моҳир от.
ҳәй-ҳәй (Тўртк., Бер.) — думба ёғига наввот аралаштириб пиширилган, ёш болаларга бериладиган суюқ ширинлик.
ҳәкәк//ҳәккә (Манғ.) — *зоол.* зағизғон, ҳакка.
ҳәкәри — 1. енгилтак, бефаросат, бефаҳм; 2. танноз.
ҳәккәңләмәк (Манғ., Хўж., Бер.) — бир оёқда сакраб юрмоқ.
ҳәләй (Маиғ.) — хотин, аёл.
ҳәләкләмәк — овора қилмоқ, ташвишга солмоқ; уринтириб қўймоқ.
ҳәлийсә (Қ. чоқ) — *эск.* мол ёки қўй гўштини пўсти олиб қайнатилган буғдойга аралаштириб пиширилган овқат.
ҳәптәк (Тўртк., С. бий) — кичкинтой, кичкина.
ҳәпти-ҳәрпи (Манғ.) — улфатлар, дўстлар.
ҳәрәдж (Тўртк., С. бий) — фойдасиз; ножўя.
ҳәрәм (Хўж.) — чорбоқ (девор билан айлантирилган чорбоғ).
ҳәрджайы (Хўж.) — ахлоқсиз, ёқимсиз хулқли.
ҳәррәки (Бер., Манғ.) — кичкина урушқоқ қўчқор.
ҳәстә (Тўртк., Бер.) ∾ **ҳәстәпайа** (Манғ.) — *эск.* чироқпоя.
ҳәстәпайа (Манғ., Хўж.) — *кўч. м.* пакана, паст бўйли одам.
ҳиңкилдәмәк (Манғ.) — ҳансирамоқ.
ҳоңқылдамақ (Манғ., Бер.) — дўнгилламоқ.
ҳоп — раҳбар, мансабдор шахс.
ҳөк (Хўж., Манғ.) — ўжар, қайсар: отыр, ҳөклик қылабермә.
ҳөкәк//ҳөкки (Манғ., Бер.) — букур, букри.
ҳөкмән — ҳақиқатан, сўзсиз, албатта.
ҳөңкәңләмәк (Манғ., Бер.) — чўлоқланиб юрмоқ.
ҳөпәпиш (Манғ., Бер.) — *зоол.* попишак.
ҳөрик (Хўж.) — дуторнинг эшаги.
ҳө:рдән (Тўртк., С. бий) — у ердан: ҳө:рдән йол йоқ (Тўртк.).
ҳүр (Манғ.) — дуранг: ойын ҳүр болды.

Ч

чабарсымақ (Бер.) — ивирсимоқ, имирсиламоқ; асосий ишга қарамай, бошқа майда-майда ишлар билан шуғулланмоқ.
чабдар (Тўртк., Бер., Манғ.) — сариқ рангли от.
чабық (Хўж., Қўнғ.) ∾ **чәбик** (Бер., Манғ.) — эпчил, чаққон.
чабув (Қўнғ., Хўж., Бер., Манғ.) — кўйлакнинг икки ён томондан қўйилган бачкиси.
чаваланмақ (Тўртк., Бер.) — нолимоқ, норози бўлмоқ.
чавджын//чавзын — 1. хомутни арава шотисига бириктириб турадиган қайиш ёки ингичка арқон; 2. *эск.* омоч билан бўйинтуруқни бирлаштириб турувчи чарм ип, арқон.
чавлық (Манғ., Бер., Хўж., Қўнғ.) ∾ **чувлық** (Тўртк., С. бий) — чевара: ақтықтың бағалары — чавлық (Қ. чоқ).
чавут//човут (Тўртк., Бер.) ∾ **чобыт** (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — 1. увада пахта; 2. эски-туски, лаш-луш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чаға (Тўртк.) — бола, ёш бола.
чағала (Хўж.) ∾ **чағалақ//чарлақ** (Тўртк., С. бий) ∾ **чағалла** (Манғ., Бер.) — *зоол.* балиқчи (қўш), чайка.
чағыл (Хитой) — майда тош, шағал.
чағылышмақ II (Манғ., Хўж., Қўнғ., Бер.) ∾ **чақылышмақ** (Тўртк., С. бий) — *бот.* чанглатмоқ.
чадра//чардэрэ (Тўртк., С. бий) — шийпонча, ҳовлининг боғ томонига қаратиб солинган болахона.
чай (Манғ., Хўж., Қўнғ., Бер.) ∾ **ча:й** (Тўртк., С. бий) — *зоол.* калхат.
чайдырық — ерни қондирмасдан чала қилиб сугормоқ.
чайылмақ (Тўртк., Бер., Манғ.) — айнимоқ (мияга нисбатан).
чайым I — чайқам, чайиладиган (кир).
чайым II — сув устига тош ёки кесак отиб ўйнаш: чайым-чайым, нечэ чайым, чайымда утган тайым (Хўж.).
чақан I — 1. ола кўз (одам); 2. (Ш. хон) катта кўзли (одам).
чақан II — бўз, кулранг.
чақан III (Хўж.) — *кўч. м.* Амударё бўйидаги Урал казаклари.
чақан IV (Бер.) — бошининг ярми оқ рангли от.
чақан V (Бер.) — *вет.* ҳайвонларнинг кўзига оқ тушиш касаллиги.
чақыравық (Бер., Манғ., Хўж.) — қичқироқ: қарры түйэ бақыравық, қарры хораз чақыравық (Хўж.).
чақырышма — зиёфат, меҳмондорчилик.
чаққы (Бер., Манғ., Хўж.) — қаламтарош.
чақлай//чақтан (Манғ.) — тахминан, тусмолдан.
чақча I (Тўртк., Манғ., Хўж.) — ҳўкиз шохидан ясалган носқовоқ.
чақча II (Манғ.) — ҳайдаётган ернинг бурчакларида сурилмай қолган ер.
чақчақ (Манғ., Бер.) — семичка, кунгабоқар.
чал I (Бер.) — қўра атрофини бекитиб турган хас-хашак.
чал II — тўрт ошиқ билан ўйналадиган ўйин.
чал III — бўз (ранг): **чалат** — бўз от.
чала (Манғ., Бер.) — ёниб тугамаган ўтин қолдиғи.
чалав (Тўртк., Бер., Манғ., Хўж.) — ёғдан бошқа барча масаллиқни тенг миқдорда солиб, узоқ вақт пиширилган палов.
чалағай (Хўж.) — бегам, бепарво: бир чалагай қатын әкәнсән.
чалапай (Хўж.) ∾ **чалпай//чалқай ташламақ** (Манғ.) — чўмилаётганда бирор болани оёқ-қўлидан ушлаб, силкиб-силкиб сувга ирғитмоқ.
чаларқа (Бер.) — чалқанча: чаларқа йаттым (Қ. ноқ).
чалбар//чалбыр//чалвыр (Бер., Манғ., Хўж.) — шим.
чалғайма (Хўж.) — айланишли: үйи джолга чалғайма.
чалғы (Тўртк.) — ловия солиб қайнатилган сувга озроқ жўхори уни солиб пиширилган овқат.
чалдырыш (Тўртк., Бер., Манғ., Хўж.) — чалкаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чалы (Хўж., Қўнғ.) — қўра, қўйхона (шох-шабба, қамиш, бутоқ ёки чангалдан, баъзан ёғочдан қилинган, ёзда моллар сақланадиган қўра).
чалым бермәк (Манғ., Бер.) — ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ.
чалықмақ (Бер., Манғ., Хўж.) — *мед.* асабий касалга йўлиқмоқ.
чалмасы чашмақ (Манғ.) — эси паст бўлиб қолмоқ, мияси айнимоқ.
чалпық (Бер., Манғ.) — таъсир: кәсәлдиң чалпығы тийгән.
чалт — 1. ғайратли, чаққон: чалт адам (Манг.); 2. тез, дарҳол.
чалчық (Бер., Манғ., Хўж.) — ифлос, лойқа; кўлмак, ҳалқоб.
чам (Манғ.) — мол терисидаги қўлтиқнинг ости, юпқа ери.
чаман (Тўртк., Бер.) ∾ **чаман//чәмән** (Манғ., Хўж.) — ишёқмас, ялқов (одам ва ҳайвон).
чамма (Хўж.) — чайла: джаңағылар бир чамма қурып алыптылар.
чанақ — 1. коса (сопол, ёғоч, алюмин коса, косача); 2. товоқ.
чанач (Хўж., Манғ., Бер.) *қ.* **санач** I, II.
чандымақ (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — маҳкам қилиб боғламоқ.
чаңқалақ//чаңғалақ — ғўзапоя.
чаңлав (Бер., Манғ., Хўж.) — отлар уюри ёки моллар турадиган жой.
чапавылчылық (Тўртк., Қ. қиз) — босқинчилик.
чапқы I (Бер., Манғ.) — пойгага қатнашадиган от.
чапқы II — балиқ илиб оладиган, учи бир илмоқли асбоб.
чапқы III (Хўж.) — ойболта.
чапмақ//чаптырмақ (Тўртк., Бер.) *қ.* **сүрдирмәк**.
чаптырма қайчы (Қ. бой) — икки марта айлантириб қилинган дамба.
чапчы — кигиз тайёрловчи уста: чапчыга джүн апардым (Хўж.).
чар — дуранг: бул күрәшгәниңиз чар, қайталдан тутың (Қ. чоқ).
чара (Бер., Тўртк.) — сопол идиш, кўза (сут-қатиқ солинадиган идиш).
чарбайы//чарвайы — мижғов, жанжалкаш (хотин).
чарға (Хўж., Қўнғ.) — қувватсиз, кучсиз, заиф, нимжон.
чарыс (Қўнғ.) ∾ **чарсы** (Манғ.) — баджаҳл, терс, ўжар.
чарсы I (Тўртк., Бер., Манғ.) — *эск.* раста, усти ёпиқ кўча.
чарсы II (Тўртк., С. бий) — белбоғ.
чархап (Манғ.) — қовуннинг уруғи бирикиб турган оқ жойи.
чарчы (Хўж., Қўнғ.) ∾ **чәрчи** (Тўртк., С. бий) ∾ **черчи** (Манғ., Бер., Хўж.) — аттор; майда-чуйда нарсалар сотувчи шахс.
чат I — шох ўтин, шох-шабба.
чат II — *анат.* икки оёқ оралиғи, чот.
чатлавық//чатлавуқ — *мед.* тиш суғуриб оладиган омбур.
чатма (Манғ.) — чайла, капа: соң өзәринә чатма қурып агаллар.
чатмақ I — алдамоқ, панд бермоқ.
чатмақ II — чатиштирмоқ, қўшмоқ, уламоқ, пайванд қилмоқ.
чатрач (Манғ.) — катак, катак-катак; катакли: чатрач көйләк.
чатраш (Қўнғ.) — *эск. фольк.* шахмат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чачавламақ (Тўртк.) — шовқин-сурон қилмоқ, жанжал қилмоқ.
чачув (Хўж.) — *этн.* унаштирилаётган қизнинг янгалари устига сочиладиган ширинликлар.
чаш қылмақ (Қ. бой) — донни йиғиб, уйиб қўймоқ.
чашмақ — ақлдан озмоқ, эс-ҳушини емоқ.
чәвгәз (Манғ.) ∾ **чөгәз** (Тўртк.) — рейка (ғишт терувчиларнинг линейкаси).
чәвгүм//чәйгүм (Хўж., Қўнғ.) — чойдиш.
чәгә I (Бер., Манг.) ∾ **чәгә//чәйә** (Тўртк., С. бий) — қум.
чәгә II (Бер., Манғ., Тўртк.) — ёғоч мих.
чәгәләң (Тўртк., Бер., Манғ., Хўж.) ∾ **чәгәсав** (Хўж.) — қумлоқ.
чәдәнләмәк//чедәнләмәк (Бер.) — молнинг олдинги бир оёғини ортқи бир оёғига боғламоқ.
чәкәләмәк (Тўртк.) — тортқиламоқ: башшыңны ит чәкәләгий.
чәкәр (Бер., Хўж., Манғ.) — челак (қудуқдан сув оладиган челак).
чәкәрләнгәр (Тўртк., С. бий) — қудуқдан сув чиқарадиган ҳавоза.
чәкәчандыр (Хўж., Манғ.) — тиришқоқ, ғайратли; зуваласи пишиқ.
чәкидә//чәкийдә (Қўнғ., Хўж., Маиғ.) ∾ **чәкилә//чәки:дә** (Тўртк. С. бий, Бер.) — сузма.
чәккә зирәй (Тўртк., Бер.) — *этн.* аёлларнинг чаккага тақадиган зираги.
чәккиләй//чәккитәвәккәл (Манғ., Хўж., Бер.) — чама, тахмин.
чәкли//чәлли — қадар: көпиргә чәкли көтәришип бар (Манғ.).
чәкчәймәк (Тўртк., С. бий) — гердаймоқ, кеккаймоқ.
чәкчәк I (Хўж., Маиғ.) — *зоол.* кичик қора чигиртка.
чәкчәк II (Манғ., Бер., Хўж.) — кичик, майда бўғирсоқ.
чән//чен I — меъёр, ўлчов: ҳәр бир нәрсәниң чәни бар (Хўж.).
чән//чен II — чама, тусмол; тахминан: чәннән айтсам адашарсан.
чәнтәймәк (Манғ.) — кекаймоқ, гердаймоқ, такаббурлик қилмоқ.
чәнкилдәмәк — ўжарлик қилиб ган сотмоқ, бақириб жанжаллашмоқ.
чәркәм-чалыш (Манғ.) — қарама-қарши; айқаш-уйқаш.
чәрмәмәк — шимармоқ, шимариб қўймоқ.
чәррик (Қ. бой) — манман, мақтанчоқ.
чәшмә (Тўртк., Бер.) — қиш пайтида ариқлар ичидан қазилган қудуқ.
чел — марза, уват: челгә қонған ҳәккәдәй нештип отырыпсап?
чечә (Бер., Манғ., Хўж.) — 1. янга, келин ойи; 2. тўй кечаси куёв-келин ёнида қоладиган хотинлар (янгалар).
чибин//чыбын (Манғ., Бер., Хўж.) ∾ **чивин//чүвүн** (Тўртк., С. бий) — пашша (*рус.* муха).
чибиш//чивиш — улоқ (олти ойдан бир ёшгача бўлган улоқ).
чигән (Бер., Манғ.) — суғорилаётган ерда сув тошиб кетмаслик учун қилинган кичик тўсиқ.
чигин — курмак: шалының арқасыннан чигин сув ичипти (Манғ.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

чигитләмәк — чигитли пахтани қўлда чигитдан ажратмоқ.
чийә — 1. олча; 2. гилос: эшигиниң әлди чийәли баглар (Бер.).
чийқан//чыбан (Манғ., Хўж.) ∾ **чыва:н//чуван** (Тўртк., С. бий) — чипқон.
чийшик I (Тўртк., С. бий) — шиш, ғурра: айақы чийшик (С. бий).
чийшик II (Тўртк., С. бий) — *кўч. м.* кибрли, такаббур.
чиккә — ошиқнинг ичкарига қайрилган томони.
чилмәк (Тўртк., Бер., Манғ.) — чалмоқ, чалиб йиқитмоқ.
чилтәр (Хўж.) — тўр парда.
чимәлмәк (Бер.) — қийшаймоқ, эгилмоқ: атқа минсә, ат чимәлип кетәди.
чингирик//чиңгирик (Бер., Манғ., Хўж.) ∾ **чиңирик** (Тўртк., С. бий) — жўхорипоя: үчәктән чиңгирик таша (Бер.).
чинкилдәвик — сергап, эзма; вайсақи: дым чиңкилдәвик әкәнсәнғо (Хўж.).
чиркәй (Хўж., Манғ.) — *зоол.* кичик, майда пашша.
чирпи — дарахт шохларини бир хил узунликда кесиб тайёрланган ўтин.
читминәз (Хўж.) ∾ **чытмыназ** (Манғ.) — нозик табиат.
чишвәнт (Тўртк., С. бий) — *эск.* чачвон.
чи:ғ (Тўртк., С. бий) ∾ **чық** (Манғ., Хўж., Бер.) — шудринг.
чыбат//чубат (Хўж.) ∾ **чубат** (Манғ., Бер.) — 1. туя сути; 2. ачитилган туя сутидан тайёрланган ичимлик.
чыбыртқа//чыбыртқы (Манғ., Хўж., Қўнғ.) — қамчи.
чығарышма (Манғ., Хўж., Бер.) — ҳалфана, гап.
чығынмақ (Тўртк., С. бий) — кучанмоқ.
чығыр тал (Бер., Манғ., Хўж.) — *бот.* қизил тол.
чызым — 1. каноп ип; 2. ингичка жун арқон.
чықан (Тўртк., Бер., Манғ., Хўж.) — дугона.
чықтанчы (Тўртк., Бер., Манг.) — харажат, чиқим, сарф-харажат.
чылым — *кўч. м.* папирос, сигарета: қаны чылымдан ал (Манғ.).
чым (Хўж., Қўнғ.) — *бот.* ажриқ: атызды чым басқан (Қўнғ.).
чымылдық//чымылдырық — 1. пашшахона; 2. *этн.* гўшанга (келин тушган уйда тутиладиган пашшахона.
чырпы I (Қўнғ.) — гугурт: чырпыңды бер.
чырпы II (Тўртк., С. бий) — узун, майда навда.
чыртемчәк (Хўж., Қўнғ.) — сути кам совлиқ.
чыртнамақ (Тўртк., Бер., Манғ.) — чертмоқ, тақиллатмоқ.
чытанақ//чытбий — чиллик (карта ўйинида).
чытмақ (Бер., Манғ., Хўж.) — чимирмоқ, хўмраймоқ.
чоғал//чоған (Хўж., Қўнғ.) ∾ **чоған** (Манғ., Бер., Б. боз.) ∾ **чо:ған** (Тўртк., С. бий — 1. ғўра, хом; 2. тутнинг пишмаган хом меваси.
чоқай (Тўртк., Бер., Манғ.) — чориқ.
чоқақ (Тўртк., С. бий) ∾ **чоқайчайан** (Манғ.) — баджаҳл; ёвуз.
чоқмақлы бөрк (Бер.) — —қуён терисидан қилинган, тепаси конус шаклида кўтарилиб турган бош кийим.
чоқмар — тўқмоқ; гурзи: тентәк чоқмар джыйар (Хўж.).

www.ziyouz.com kutubxonasi

чолғақ (Қўнғ.) ∞ **чулғав** (Хўж.) — пайтава.
чолпы — човли: кўртикти чолпы минән сүзәди (Манғ.).
чом I — белги (одатда отчопар майдони атрофига ўрнатиладиган қуруқ ўсимлик боғланган белги).
чом II — бир тутам ҳажмидаги қамиш.
чомбық//чонтақ//чонтық (Манг., Хўж., Бер.) ∞ **чоммық** (Тўртк., С. бий) — 1. тўмтоқ, чўлтоқ: қолы чонтық (Б. боз.): 2. думсиз, қуйруғи кесилган (ҳайвон).
чонтаңламақ — шўхлик қилмоқ, эркаланмоқ (болага нисбатан).
чоппаш (Манғ.) — тепаси чўзиқ дўппи.
чопчымақ — баландга сакрамоқ: кичкинә демән бизди, чопчып өбәмис сизди (Манғ.).
чотлы (Манғ.) — ҳисобли, ҳисоб-китоби бор: ҳәммәсп чотлы (Б. том).
чөбәрәк (Манғ.) — чит қийиндиси, латта, латта-путта.
чөбрә (Хўж., Қўнг.) — эчкининг тивитсиз жуни.
чөвәләк (Тўртк.) — хурма (сут соғадиган идиш).
чөгирмә — қўй терисидан юмалоқ шаклда қилинган эрлар бош кийими, **чўгирма**: чөгирмәсин омма қойған (Манғ.).
чөкир//чөкиртәк I — ўриб олинган ёввойи ўсимлик пояларининг ерда қолган қисми.
чөкир//чөкиртәк II — *кўч. м.* емирилиб тушган тиш қолдиғи.
чөкич//чөкиш (Тўртк., С. бий) ∞ **чөккич** (Манғ., Хўж.) — болға.
чөлләмәк — сувсирамоқ, чанқамоқ.
чөлмәк I (Хўж.) — хурмача, кувача.
чөлмәк II (Хўж.) — *кўч. м.* бир шиша (ярим литр ароқ): бир чөлмәги экәвимизгә кәмлик этәрав.
чөңкәрмәк — 1. чўктирмоқ: түйәни чөңкәр (Манғ.); 2. арава шотисини осмонга қаратиб қўймоқ.
чөпкәри (Тўртк., Бер., Манғ.) — синч (девор).
чөпләмәк — йиғмоқ, термоқ: әкәм қыйар чөпләбатыр (Хўж.).
чөпрәпостын (Манғ., Хўж.) — *кўч. м.* қашшоқ, камбағал.
чөп-чалаң (Хўж., Қўнғ.) — хас-чўп.
чөпчәк (Хўж.) — шох-шабба, майда ўтин.
чөпчи (Манғ., Хўж.) — *эск.* болалар томоғида қолган суяк, қплтаноқларни оладиган табиб.
чөрәк — сут ёки ёг солиб пиширилган ҳажми кичик нон.
чөркәм (Манг.) — тўда, туркум.
чөтә йер (Манғ.) — суғорилмаган, суғоришга тайёрлаб қўйилган ер.
чувал (Тўртк., Бер.) — жуволдиз: чувал вилән қапны ағзына өрмә дикәдилә (Ш. хон).
чувлықмақ (Бер.) — куйиб кетмоқ, тутай бошламоқ.
чуғыл//чуғул — чақимчи, гийбатчи: чуғул адамға гәп айтма.
чуқалақ//чуқанақ — чуқур, чуқурча.
чуқмай (Бер., Манғ.) — *зоол.* кичик сичқон.
чуқумламақ (Бер.) — оз-оздан олиб емоқ.
чуққуғы (Хўж.) — охири, ниҳояси: чуққуғуна джетирип ишлә.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чулан (Қ. бой) — катта қозон.
чув — *анат.* эш, йўлдош: вəджəктин чуви түшти (Хўж.).
чүй (Түртк., Бер., Манғ.) — мих, майда мих.
чүйəлмəк I — орқа томонга ағдарилиб кетмоқ.
чүйəлмəк II (Хўж.) — *кўч. м.* кўзи ёришга яқинлашмоқ.
чүйдə (Бер., Хўж., Манғ.) — бошнинг тепаси, маркази.
чүйкилдəвик (Манғ.) — сутга ошқовоқ солиб пиширилган овқат.
чүй пулы (Хўж.) — қизни куёвникига олиб келган аравакаш ёки шоферга бериладиган ҳақ (пул, совға).
чүллүкləмəк (Бер.) — от думини ўраб, тугиб қўймоқ.
чүлчин//чүлчүң (Манғ., Хўж.) — дудуқ.
чүмми (Хўж.) — кичик, майда ошиқ.
чүмпилləмəк (Хўж., Манғ.) — лиммо-лим тўлмоқ.
чүндик//чүндүк — 1. тумшуқ; 2. жўмрак.
чүнгил//чүңгүл (Бер., Манғ.) ∾ **чүңүл** (Хўж.) — дарё, кўлларнинг доира шаклидаги энг чуқур жойи.
чүрəлəк (Хўж.) — *зоол.* кичик, хонаки ўрдак.
чүрик (Хўж.) — пакана, қотма бола.
чүчмүлəк (Манғ.) — *бот.* чучмўма.
чүчүргəнмəк (Бер., Манғ.) — жунжикмоқ.
чүштə (Түртк., С. бий) — қақраб, қотиб қолган (ер).

Ш

шаббазы (Түртк., Бер.) — кеч пишар, пўчоғи қалин, тўрли, магзи қалин, ширин қовун.
шабыр (Манғ., Хўж., Қўнғ.) ∾ **шавыр** (Түртк., С. бий) — кўлмак сувли қамишзор: байталды йүвəрдим шабырға, болып келди үч қабырға (Манғ.).
шавзын (Қўнғ., Хўж.) ∾ **шо:зын** (Түртк., С. бий) *қ.* **чавджын.**
шавкəлə (Манғ.) — *этн.* аёллар бўйнига тақиладиган безак.
шағал — *кўч. м.* муғомбир, айёр; сезгир (одам).
шағалмəс (Бер., Манғ.) — маст-аласт, ғирт маст.
шаллақламақ (Манғ.) — шаталоқ отмоқ; шаталоқ отиб қочмоқ.
шалпақ — исқирт, ифлос (одам): бир шалпақ қатыны бар (Хўж.).
шаң (Хўж.) — расм, одат, мода: шайы көйлəк шан болыпты ҳəммəгə.
шаңқа (Бер.) — шартта, бирданига: шаңқа көтəрип ичди (Б. боз).
шанлақ (Бер., Хўж.) — ёриқ; тирқиш (сув тўсиғидаги кичик тирқиш).
шапырмақ (Манғ., Бер.) — *кўч. м.* ўринсиз сарфламоқ.
шапқал — *эск., фольк.* милтиқ: кəнə шапқалы бар əкəн (Манғ.).
шаппат — 1. шапалоқ; 2. тарсаки; 3. қарсак.
шаппаттай I — бир бўлак, парча: шаппаттай нан (Бер.).
шаппаттай II — *кўч. м.* кичкинтой: шаппаттай бала (Б. боз).
шарқылдавық (Бер., Манғ., Хўж.) — шақилдоқ.
шарлавық//шарлама — 1. шалола, шаршарак; 2. Амударёнинг шариллаб (шар-шар овоз чиқариб) оқаётган жойи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаршар (Манғ.) — воронка: майды шаршар минән қуй.
шатыр — *эск.*, *фольк*: жиловбардор:
шәбгир//шәгбир (Б. том) — *эск.* азоб-уқубат.
шәвәләк (Хўж.) — кўзидан йиринг оқиб турадиган одам.
шәкәләмәк (Бер.) — шакароб қилиб сув сепмоқ.
шәкәрпара — ёзги нав қовун, шакли узунчоқ, ранги сарғиш.
шәкәрчә (Хўж., Бер., Манғ.) — хурмача, кувача, кўзача.
шәкмә (Бер.) — ялпоқ гулли қоракўл тери.
шәңгил I (Манғ., Хўж.) ∾ **шәңил** (Қ. чоқ) ∾ **шәңңил** (Тўртк.) — 1. *эск.* хумдан сув оладиган қовоқча; 2. кружка.
шәңгил II (Манғ., Хўж.) ∾ **шәңил** (Қ. чоқ) ∾ **шәңңил** (Тўртк.) — *кўч. м.* 1. лақма: ҳаркимдиң гәпинә кирип, шәңгил бома (Манғ.); 2. лаганбардор.
шәңрәймәк (Манғ.) — гердаймоқ: шәңрәйип қайда барасан?
шәпий (Хўж.) — ғилай.
шәппик (Манғ.) — 1. елим (ўрик дарахтидан олинган елим), клей; 2. *кўч. м.* **ёпишқоқ** (ош ҳақида).
шәрәбә//шәрәвә — 1. намакоб, 2. шўр, тузли.
шәттәләвүк — тепағон (мол).
шибә (Хўж., Қўнғ.) — туташ: үйимиз бирөви-бирөвинә шибә.
шилимпәчәк//ширинпечәк — ёзги нав қовун; бироз тўри бор, ранги кўкимтир, пўчоғи юпқа, шакли узунчоқ, мағзи қизил.
шимгирик — мушиқ: бар, шимгириңни артып қайт (Манғ.).
шимгирмәк — бурун қоқмоқ: мурның барда шимгирип қа:.
шинә (Хўж.) ∾ **шына** (Қўнғ.) — пона.
ширәмик (Тўртк., Бер.) — уч-тўрт кунлик қўзичоқ.
ширәпәз (Тўртк., Бер., Манғ., Хўж.) — қандолатчи.
ширинкәнә (Манғ., Хўж.) — даллолга бериладиган пул.
шығыр — арава ёки машина ғилдиракларининг йўлдаги изи.
шықырдама (Тўртк., С. бий) — шалдироқ.
шылвар (Бер.) — оқ сурп.
шылмақ (Хўж., Қўнғ., Манғ.) — сирпанмоқ.
шымбыл (Манғ.) — ҳеч нарса, ҳеч нима: шымбыла:м йоқ.
шым-шым (Бер., Хўж., Манғ.) — миш-миш.
шыңшымақ (Манғ., Хўж.) — минғирламоқ, ғинғилламоқ: ғарға ғанқып ғаз бомас, кәмпир шыңшып қыз бомас (Манғ.).
шырлан (Тўртк., С. бий) — *эск.* ҳамён.
шырраймақ (Бер., Манғ.) — кеккаймоқ, гердаймоқ.
шувмақ (Манғ., Бер., Хўж.) — сирғанмоқ, яхмалак отиб ўйнамоқ.
шумрай I (Манғ.) — *бот.* шумғия: шумрай шекилләнип турма.
шумрай II — *кўч. м.* омадсиз, ёмон одам.
шүттик (Тўртк., С. бий) ∾ **шүтүк** (Хўж., Қ. бой) *қ.* **үштик.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Кириш 3
ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қипчоқ группасидаги туркий тилларга муносабати 9
ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қозоқ, қорақалпоқ, нўғой тилларига муносабати 17
ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг татар, бошқирд тиллари ва шеваларига муносабати 36
ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қумиқ, қорачой-балқар, қараим, қрим-татар тилларига муносабати 50
Қорақалпогистондаги ўзбек шеваларининг луғати 61
Лугатнинг тузилиши ҳақида бир неча сўз 63
Луғат 64

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишаев Аҳмад.
Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари (ҚҚАССРдаги ўзбек шеваларининг қипчоқ группасидаги туркий тилларга муносабати. Луғат). Масъул муҳаррир: Ш. Шоабдураҳмонов. Т., «Фан», 1977 (с).
176 б. (ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).

Ишаев А. Узбекские говоры в Каракалпакской АССР.
4Уз

На узбекском языке

Ахмед Ишаев

УЗБЕКСКИЕ ГОВОРЫ В КАРАКАЛПАКСКОЙ АССР

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *М. Алиева*
Рассом *В. С. Тий*
Техмуҳаррир *В Тарахович*
Корректор *М. Саидова*

ИБ. № 53

Р08207. Теришга берилди 25/I-77 й. Босишга рухсат этилди 22/III-77 й. Формати 60×90¹/₁₆. Босмахона қоғози №1. Қоғоз л. 5,0. Босма л. 11,0. Ҳисоб-нашриёт л. 10,2. Нашриёт № 138. Тиражи 1000. Баҳоси 1 с. 67 т. Заказ 16.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79. Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

www.ziyouz.com kutubxonasi